

**МАҲКАМ
МАҲМУДОВ**

**ТУХТАСИН
КАРИМБЕРДИЕВ**

ЕВРОПАНИНГ ЎФИРЛАНИШИ

(Фантастик-саргузашт қисса)

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1986

Махмудов Маҳкам, Каримбердиев Тўхтасин.
М 37 Европанинг ўғирланиши. (Фантастик — саргузашт қисса).— Т.: «Еш гвардия», 1986.—112 б.

Ер куррасининг қайси бир нуқтасида инсоният учун ажал уруғи дунёга келар экан, ҳар бир инсоннинг муқаддас вазифаси бу қабохатга қарши курашдан иборат бўлмоғи керак. Мазкур детектив қиссага худди шу гоё асос қилиб олинади. Гарчи асар фантастик руҳда ёзилган бўлса-да, унда реал ижтимоий масалалар қаламга олинади. Озроқ фантастик, кўпроқ реал воқеалар тасвирланади. Перу пойтахти Лима шаҳрининг прокурори Хэм Жонсоннинг арзанда, гўзал қизи йўқолиб қолади. Гуё шахсий иш бўлиб кўринган бу воқеанинг замирида «озод» дунёнинг ахлоқий ва ижтимоий иллатлари очиб борилади. Буржуа корчалонлари истеъдодли физик олим, профессор Бертни янги даҳшатли қирғин қуролини ишлаб чиқишга мажбур қилишади. Тараққийпарвар кучлар бу жиний ишни фош этишга интиладилар. Турли миллатларнинг вакиллари бўлган тинчликсевар кучлар бир ёқадан бош чиқариб, янги ажал уруғига қарши курашадилар. Аммо ёвуз кучларни енгиш осон эмас, асар қаҳрамонлари жуда кўп машаққатларни бошдан кечирадилар...

Махмудов Маҳкам, Каримбердыев Тухтасин.
Похищение Европы. Фантастическая приключенческая повесть.

Ўз 2

4702570200—82
Т 356 (04)—86 131—86

© Издательство «Еш гвардия», 1986,



1. ПРОКУРОРНИНГ ҚИЗИ

Сарв ва хурмо дарахтлари билан бурканган сўлим гўшада Перунинг пойтахти — Лима шаҳрининг прокурори жаноб Хэм Жонсоннинг икки қаватли шинам оромгоҳи жойлашган. Гоят хушманзара бу сўлим гўша прокурорнинг ёзлик ҳовлиси бўлиб, кўчадан кираверишдаги данғиллама қабулхона олдидаги фаввора сув инжуларини сочарди.

Жаноб Хэм элликларга бориб қолган, сочларига оқ оралаган, семиз киши, юзи думалоқроқ, қошлари қалин, қўнғир — мошранг сочлари пешонасига тушиб тургувчи, қовоқлари хийла шишинқираган, узун киприклари ва катта бурни қиёфасига салобат бериб туради. Жаноб Хэм ўткир кўзларини бировга тикса қаршисидаги одам беихтиёр талвасага тушади. Жаноб Хэм ўзидаги бу «хислат»ни юридик талантининг бир қирраси ҳисоблар, унинг бундай таъсирли қарашидан саросимага тушиб қолган жинойатчи, беихтиёр ўз айбига иқрор бўлганини сезмасдан ҳам қоларди. Буни у дабдабали равишда, «гипнотик иқрор қилдириш» деб мақтанарди.

Жаноб Хэмдаги гипнозлаш қобилияти қанчалик даражада кучли, буниси номаълум, аммо суд мажлисла-ридаги у эришган порлоқ ғалабаларини ҳатто унинг му-холифлари ҳам эътироф этар эдилар.

Ўртаҳол фермернинг ўғли Хэм Жонсон Колумбия университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугат-гач, Лима шаҳри суд маҳкамасига оддий адвокат бўлиб ишга келди. Аммо ҳаёт оқимини хушёрлик билан кузатишга одатланган, табиатан маантиқий тўғри хуло-салар чиқара оладиган Хэм Жонсонга омад кулиб боқди.

Унинг дастлабки ғалабаси Перу нефть экспорт ком-паниясининг вице-президенти жаноб Бушнинг ҳимоячи-си бўлиб, суд жараёнида ютиб чиқишидан бошланди. Жаноб Буш ўғай қизини ўлдирганликда айбланиб, унга сохта айб тақалган эди. Жаноб Буш шаҳардаги нуфузли амалдорлардан бири бўлганлиги учун неча йиллардан бери шаҳар мэри лавозимига даъвогар бўлиб келарди. Муниципалитет аъзоларидан бир нечаси ва сайловчи-ларнинг кўпчилиги шаҳар мэриликка жаноб Буш сайла-нишидан манфаатдор эдилар. Аммо Бушнинг мухолиф-лари унинг сиёсий обрўсига путур етказиш мақсадида ўғай қизини ўғирлаб, қотилликни унинг гарданига ағда-ришга урниниб кўрдилар. Лекин жаноб Хэмнинг хушёр-лиги ва ишбилармонлиги туфайли жаноб Бушга қўйил-ган сохта айб рад этилди ва охир-оқибат у оқланди. Тўғри, бу оқланиш айрим казо-казоларга ёқмади. Улар Хэм Жонсонга тиш қайраб қолишди.

Суддаги жонбозлиги учун беш минг доллар, сиёсий обрўсини сақлаб, Бушнинг шаҳар мэриликка сайланиши-да қўллаганлиги учун яна беш минг доллар «мукофот» олган жаноб Хэмнинг қаршисида истиқбол эшиклари бирин-кетин очилаборди.

Дастлаб у омадли одамга, сўнг эса, тақдир эркатойига айланди. Перу давлатининг казо-казо мансабдор-лари шаҳарда яна бир миллионер пайдо бўлганлиги ҳа-

қидаги хабарни хушламайгина қабул қилдилар. Дўстларни эса ўзларини янада тетикроқ ҳис қилишди.

Бу орада жаноб Хэм учирма бўлган «қаноти»ни янги мансабларни эгаллаш учун парвозларга шайлай бошлади. Адвокатликдан суд раисининг ёрдамчиси вазифасига кўтарилди. Орадан икки йил ўтгач, Лима шаҳар прокурорининг ёрдамчиси бўлди, яна икки йилдан кейин эса, шаҳар прокурори лавозимини эгаллади.

Жаноб Хэмнинг мантиқий мушоҳада қуввати кучли эди. У турли-туман жинойтлар ва жинойтчилар устидан суд ишларини олиб борар экан, суд жараёнида бўлиб турадиган ўта чигал калаваларнинг учини топиб енар, жинойт моҳиятини чуқур таҳлил этиб, тўғри хулосаларга келар, қутилмаган саволлар билан жинойтчини давдиратиб қўяр, охир-оқибат жинойтчи устидан ғалабага эришарди. Шу сабабдан бўлса керак, жинойтчилар ундан ўлгудай қўрқишар, уни ёмон кўрар эдилар.

Хэмнинг отаси Ҳиндистондаги элчихонада ишлаган кезлари, у зийрак ўспирин бўлиб, ҳинд халқининг урф-одатларини, эътиқодларини озми-кўпми ўрганди. Хусусан, у ҳинд йогларининг Санкхья фалсафасига ихлос қўйди. Бу фалсафага кўра олам пайдо бўлганидан буён икки «устун»га суяниб келади. Бу устунлардан бири: пракрити — моддий асос ва иккинчиси: пуруша — руҳий асос. Қадимги замонларда бу икки устун баравар бўлгани учун инсонийлик биноси мустақкам эди, кейинчалик, пуруша — руҳий асос бўшашиб, чириб қолди, билимсизликка — авидьюга айланди ва шундан бери инсон фақат моддий турмуш устунига суяниб, унга қул бўлди. Йог машқлари инсоннинг руҳини пракрити яъни, моддий манфаатлар яғмосидан озод қилади. Йоганинг жуда кўп ирмоқлари бўлиб, булардан тўрттаси айниқса машҳур.

Жнана-йога инсон руҳини билимлар ёрдамида эркинликка чиқаради.

Карма-йога ана шу эркинликда собит қолиш учун турмушнинг ўткинчи ҳойи-ҳавасларидан воз кечишга ўр-

гатади. Буниси энди Хэмнинг табиатига унчалик ўтирмасди.

Бхакги-йога инсонни ҳақиқатга яқинлаштиради. Уни ҳақиқат учун курашга ўргатади. Хэмга бу ёқди.

Раджа-йога эса вужуд, жисм кишанларидан қутилиш учун бадан тарбия машқларини ўргатади. Раджа-йоганинг бир жузъи — хатха йога спорт ва тиббиётга алоқадор. Айниқса шу жуз Хэмни кўпроқ қизиқтирарди.

Жаноб Хэм раджа-йога билан доимий шуғулланиб, ҳар қандай қийин пайтларда руҳий хотиржамликни сақлашни ўрганди...

Ногаҳон эшик очилиб, оқсочнинг бир стакан қора қаҳва олиб кириши, креслода ястаниб ўтирган жаноб Хэмнинг хаёлини бўлди.

— Виктория келдими?— сўради жаноб Хэм, силлиққина жувоннинг қўлидан қаҳвани оларкан.

— Йўқ, жаноб,— секингина жавоб қайтарди аёл. Хэм бош қимирлатиб қўйди. Жувон таъзим билан чиқиб кетди.

— Маргарет ҳали-бери дам олишдан қайтмаса керак,— деди ўзига-ўзи Хэм.

Сирасини айтганда Хэмнинг оиласи катта эмас. Ўзи, хотини Маргарет, қизи Виктория... Виктория бу йил ҳуқуқшунослар колледжининг саккизинчи синфини тугаллайди. У жуда чиройли, қадди-қомати сарвдеқкина, кўзлари шахло. «Қиз эмас, нақ хазина»— дерди хотинига Хэм қувониб.

— Онасига тортган-да,— дерди унга жавобан Маргарет. У, бу гапни жиддий туриб, ишонч билан гапирарди. Хэм катта амалдорнинг қизи Маргаретга аслида ҳусни учун эмас, бойлиги учун уйланган. Аммо зурриёти Виктория онасидан ҳам гўзал бўлиб етишяпти. Жаноб Хэм шундай латиф ва ҳурлиқо қизи борлигидан ғурурланиб юради.

У беихтиёр баргранг деворга осифлиқ кумуш ҳошияли суратга қаради. Бу рангли фотосуратда ўзи, хотини

Маргарет ва қизи Виктория бирга тушишган эди. Она-сининг ҳусни, латифлиги қизига янада нафислашиб ўтганлиги унда аниқ билиниб турарди. Фотосурат остида бир метру икки метр ҳажмидаги нодир картина осилган. Фламанд рассомларининг мўйқаламига мансуб «Европанинг ўғирланиши» номли бу мойбўёқли суратни прокурор бир таниши орқали ўн минг дукатга сотиб олган (ҳозир уни бадавлат коллекционер мухлислар эллик мингга олади). Суратда тангри Зевс сеҳр-жоду ёрдамида ҳўвиз қиёфасига кириб, ҳусн-жамолда тенгсиз малика Европани устига ўтқизиб олиб қочиб, уммонда сузиб кетаётгани тасвирланган эди. Кулранг, яшимтир тўлқинлар фонида малика янада жозибали кўринади. Уфқдаги шафақ шуълалари қизнинг тиниқ юзини гул-гул очиб юборган. У қаттиқ ҳаяжон ва ташвишда. Аммо ҳаяжон ва ташвиш қизнинг балоғатини янада бўрттириб турибди. Ўтган асрда яшаган рус рассоми Серов ҳам шундай сурат ишлаган дейишади. Аммо уни Хэм кўрмаган. Ота беихтиёр қизини кўрмаганига анча вақт бўлиб қолганлигини эслаб, ташвишга туша бошлади.

Ташқарида қуёш ўз забтига олган. Ҳарорат ўттиз саккиз даража атрофида. Ер иссиқдан гўё ҳансирайди. Хэм бағбақасига ва бўйинларига оқиб тушаётган терларини атир сепилган, олма гулли рўмолчаси билан артди. Ҳаво совутгични улаш учун ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, аммо эринди, қимирлагиси келмади. Шу пайт телефон жиринглади. Хэм чуқур бир «ух» тортди, оғирсиниб ўрнидан қўзғалди. Бепарволик билан трубкани олди-да:

— Эшитаман,— деди.

— Алло, сиз прокурор Хэм бўласизми?— деган овоз келди трубкадан. Хэм нотаниш, сунъийроқ ва шанғи овоздан ҳайрон бўлди-да:

— Хэм Жонсон эшитади!— деб жавоб қайтарди.

— Айни муддао! Сиз билан бир суҳбатлашиш иштиёқида эдим. Омадни қарангки, айни пайтда қизингиз

донна Виктория билан қуюқ қаймоқлашиб ўтирибман,— деди ҳалиги овоз истехзо аралаш.

— Қайси Виктория?— деди сир бой бермасликка тиришиб жаноб Хэм. У овоз эгаси ким эканлигини эслашга уринарди-ю, ҳеч эслай олмас эди.

— Қизингиз Виктория! У бугун уйингизга бормайди. Гапнинг пўст калласини айтсам, энди уни сиз ҳеч қачон кўрмайсиз!

— Кечирасиз! Мен сизни танимаётибман?! Умуман сизга тушуна олмаётибман. Қизим Виктория уйда,— деди Хэм. У, бу гапини ишончсизлик билан айтди, чунки Викториянинг ҳали уйга қайтмаганини ўзи ҳам яхши биларди.

— Узингизни гўлликка солманг,— нотаниш овоз таҳдидли ва шанғиллаброқ янгради.— Виктория уйда йўқ. Чунки у ҳозир Компас билан бирга. Компас эса — менман. Компас ҳеч қачон ҳеч кимни алдамайди, ҳа-ҳа-ҳа...— Нотаниш кимсанинг кулгуси ҳам баданни жунжуктирадиган даражада совуқ эди.

— Кечирасиз, кимман дедингиз?!— шошилиброқ сўради Хэм.

— Компас! Балки эшитгандирсиз?!

Жаноб Хэмнинг қўлидан телефон трубкаси тушиб кетаёзди. Лотин Америкасидаги барча жинояткор тўдларнинг ҳомийси, тутқич бермас, маккор Компасни ким билмайди ахир?

— Ростдан ҳам Компасмисиз?! Кимсиз?! Айтнинг деяман!— трубкага бақирди жаноб Хэм.

— Шошманг, прокурор Хэм. Айтаман.

— Эштаман.

— Мен эркин одамман, сиз эса...

— Мен?! Мен прокурор Хэмман!

— Йўқ, энди сиз прокурор Хэм эмассиз. Биласизми, кимсиз?

— Хўш?— Хэм ўзини аранг босиб турарди.

— Сиз — жабрланувчисиз!

— Нима деясан, аблах!— Хэм шундай қаттиқ бақирди-ки, меҳмонхона гўё зириллаб кетгандек бўлди. Унинг бу жон ҳолатдаги бақирishi икки қаватли уйининг бурчак-бурчакларигача эшитилди. Ташвишга тушган оқсоч жувон ва уй қоровули шоша-пиша иккинчи қаватга югурдилар, меҳмонхона эшиги олдида тўхтадилар, лекин ичкарига киришга журъат этолмасдан туриб қолдилар. Хэм эса бу вақтда пишиллаб чуқур-чуқур нафас олар, пешонаси ва юзи аралаш тер қуйилиб келарди.

— Давом этинг,— деди бўғиқ товуш билан у.

— Ҳа, ҳа, жа-бр-ла-нув-чи-сиз!— деди қироат билан нотаниш овоз.— Тўғрими, Виктория?

— Ростини айт, ёнингда ким бор?— сўради Хэм ўзини иложи борица хотиржам тутишга уриниб.

— Ёнимдами?— масхараомуз овоз эшитилди трубкадан.

— Ҳа, ёнингда...

— Мен «Лаззат» кафесида шоколадли эскимо еб ўтирган донна Виктория билан гаплашяман!

— Елғон! Бўлиши мумкин эмас!

— Сизга яна такрор айтаман-ки, Компас ҳеч қачон алдамайди. Тўғрими, донна Виктория? Қани қизалоқ, отанг билан бир гаплаш-чи, эҳтимол кўнғироқдай овозингги бошқа эшитмас.— Телефондан янграган «Да-а-да», деган Викториянинг илтижога тўла овози Хэмнинг вужудини гўё ўткир тигдек тилиб ўтди.

Масала равшан. Викторияни ўғирлашибди. Дилбандини-я! Хэмнинг кўзлари тиниб, боши айланди. Тили гўё танглайга ёпишиб, овози чиқмасдан қолди. Бир неча лаҳза шуурсиз ўтиргач, ниҳоят титроқ қўллари билан трубкани қулоғига тутди.

— Алло, алло, алло...

Телефон трубкасидан қисқа-қисқа «ту-ту» деган овоз эшитиларди Хэм алам билан трубкани улоқтириб

юборди. Сўнг бошини кафтлари орасига олди-да, диванга ўзини ташлаб, ўкраб йиғлаб юборди.

Умуман, Хэм умрида сира йиғламаган, аксинча, бошқаларни йиғлатган эди. Бировларнинг бошига фалокат, ғам-кулфат тушиб йиғласа унинг ғаши келарди. У маҳкумларни узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилар экан, ҳукми ўқиганида уларнинг йиғлаганларини жуда кўп марта кўрган. Уша пайтдаги маҳкум қалбидан отилиб чиқаётган ўкинч ёшлари Хэм учун риёкорлик, фирибгарлик учун тўкилаётгандай туюларди. Энди эса кўз ёши тўкишдек қисмат ўзининг бошига тушди. Дард устига чипқон деганларидай, негадир шу маҳал, яқинда ўзи кўрган бир суд иши «лоп» этиб ёдига келди.

Бир ҳинду йигити устидан ноҳақ даъволар билан суд иши қўзғатилди. Бу йигитча ноҳақ қамалганди. Хэм уни айбдор деб топди. У бир-икки пулдор фермердан мўмайгина «ширинкома» олганлиги учун шундай ҳукм чиқарди («Фу, баъзан нафс қурғур туфайли қонунни ҳам бузасан»). Ушанда йигитчанинг етмиш яшар отаси, меҳнат машаққатларидан қадди дол бўлган, қоқсуяк қўлларидаги томирлари бўртиб чиққан, юзлари серажин кекса ҳинду чол йиғлаб-йиғлаб ёлборган эди. Зорланиб-зорланиб фарёд чеккан эди-я. Унинг фарзанд доғида ўртанганлари...

Жаноб Хэм дунёда фарзанд доғидан ҳам ўтадиган аламли оғриқ бўлмаслигини энди ҳис қилди. У эзилиб-эзилиб йиғларди. Болу-парисиз келгуси ҳам, бугуни ҳам унга қоронғи. Утмиш ва келажак деган тушунча назарида бир тутам бўлиб, ҳечликка айланиб қолганга ўхшарди. Ўз қадрини билиш, катта бойлик орттириш, жамиятда юксак мартабага эришиш... Буларнинг бариси унга энди чуқур жарнинг тубидан эшитилган сўник овоздай туюларди...

Хэм шу тахлит узоқ ўтирди. Гоҳо кўнглининг бир четида умид шуъласи ёниб, «тиқ» этса эшикка илинж

билан тикилди. Гўё ҳозир Виктория келиб қоладигандай...

Нихоят, у сесканиб, ўрнидан туриб кетди. У: «Бундай ўтириш бефойда, чора топиш керак»,— деган қарорга келди. Апил-тапил телефонга ёпишди-да, керакли номерни тергач:

— Алло! Полиция!— деб бақирди.

2. БАҲОДИРНИНГ КАШФИЁТИ

— «Лочин!»... «Лочин!» Мени эшитаяпсанми? Сув, менга сув керак. Жуда чанқадим! Очман! Ахир икки кундан бери туз тотганим йўқ. Мени эшитаяпсанми, «Лочин»...— Жумаевнинг дилидаги фикри янги телепатик қурилма — «Лочин»да акс эта бошлади.

Экранда кетма-кет пайдо бўлаётган эгри-бугри чиқиқларга ўйчан тикилиб турган Баҳодир наушникни қулоғидан олди-да, институт директори Павловга қаради.

Ҳозир Баҳодирнинг кўнглида бир-бирига зид икки туйғу, бири ташна Жумаевни тезроқ қутқазиш, иккинчиси — узоқ йиллик мураккаб тажрибаларнинг ажойиб якунланганидан қувонч туйғуси бир-бирига чирмашиб кетганди. Албатта, ҳозир энг муҳими — синовга юборилган институт илмий ходими Жумаевни қутқазиш эди...

Амалий бионика илмий-тадқиқот институти директори академик Борис Павлов биотелепсихология лабораторияси ходимларининг ишидан хурсанд эди.

— Ҳақиқатан ўзимиз?! Қаҳҳор Жумаевич-а?!— қулоғидан наушникни олиб қўяр экан, ҳайрати ошиб сўради Павлов.

— Ҳозир «дастхати»дан таниймиз. Ҳар бир одамнинг алоҳида биотўлқин дастхати бўлади. Ҳар бир одамнинг бармоқ изи, бошқа одамларникига ўхшамагани каби, ҳар бир одам биотўлқинларининг ўзгариш давлари ҳам бошқа бир одамникига ўхшамайди. Мен Қаҳҳор Жумаевичнинг «биодастхати»ни олдиндан текшириб,

аниқлаб олганман. Мана ўша «биодастхат» ёзилган плёнка. Сўзларимнинг исботи учун, шу видеолентани қўйиб кўрсак, Борис Алексеевич,— ҳаяжонини яширишга уриниб деди Баҳодир.

— Қани, қўйинг-чи!— қизиқиб деди Павлов. Баҳодир тезгина ўрндан турди-да, видеомагнитофонга плёнкани жойлади, мурватни буради. Экран бир зум жимирлаб, сўнг ёришиб кетди. Хиёл ўтмай экранда эгри-бугри чизиқлар кўринди. Чизиқлар гоҳ пайдо бўлар, гоҳ йўқолиб турарди.

— Мен пленгни тўғрилайман, энди «Лочин»га қаранглар,— Баҳодир «Лочин» аппарати устига энгашди ва унинг тутқичларидан бирини айлантира бошлади. «Лочин» экранида ҳам видеомагнитофон экранида кўринган эгри-бугри чизиқларга ўхшаш чизиқлар пайдо бўлди.— Бу чизиқлар Жумаев биотўлқинининг осциллограммаси. Биотўлқинларнинг ҳосил бўлиши ва атроф муҳитга тарқалиши бевосита биообъектнинг қон таркибига ва бошқа хусусиятларига боғлиқ бўлганлиги учун, мен тажрибамизни бошлашдан олдин, Жумаевнинг қон таркибини ва керакли бўлган бошқа зарур маълумотларни ўрганиб чиққан эдим.

— Мос келади, қаранг, Анвар Юсупович,— бармогини экранга ниқтаб деди Павлов.— Чизиқлар мос келади!— қўшиб қўйди яна у.

— Табрикласак арзийди-я, Борис Алексеевич! Ахир биз ҳеч қандай радиоускуналари бўлмаган, узоқдаги одам билан бевосита фикрий алоқа ўрнатилганлигининг гувоҳи бўлдик,— Анвар Юсупов ифтихор билан гапирди.

— О, албатта, албатта! Айтинг-чи, Жумаев билан орамиздаги масофа қанча келади!— сўради Павлов ҳамкасби Анвар Юсуповичдан.

— Масофа... тахминан 700 километр. У Туркманистоннинг Қизилқум чўллари зонасида,— тутилиброқ жавоб берди Анвар Юсупов.

— Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак 720 километр,

Мана, «Лочин», аниқ кўрсатиб турибди, Жумаев турган жой координаталарини,— деди Баҳодир.

— Қани, кўрайлик-чи,— Павлов ҳар хил жадвал ва чизмалар чизилган, электр импульси тебраниб турган ойнаванд экран сахнига энгашди.— Хўш, хўш, 43 градус 40 минут шимолий кенглик, 62 градус 18 минут шарқий узунлик, марҳамат қилиб, харитани узатинг-чи,— Анвар Юсуповичга мурожаат қилди Павлов.— Демак, бундай,— чўнтагидан сигарета олиб тутатди ва хаёлан нималарнидир ҳисоблади.— Тўғри экан, менинг ҳисобимда ҳам 720 километр. Шошманг, кузатувчи вертолётдагилардан сўраб кўрайлик-чи?— Павлов қўлига радиопередатчик диктофонини олди-да:— Биринчи гапиради, биринчи гапиради, «Лотос», қандай эшитаяпсиз, қабул,— деди.

Диктофондан жавоб келди:

— «Лотос» эштади, қабул!

— Қаҳҳор Жумаевнинг координаталарини маълум қилинг.

— Эштаман! Қаҳҳор Жумаевнинг координаталари 43 градусу 40 минут шимолий кенглик, 62 градусу 18 минут шарқий узунлик.

Жавобни эшитган Павлов анчагина сукут сақлади. Сўнг Баҳодирга ўғирилди. У Юсуповнинг шогирдини қучоқлаб, самимий хоҳолаб кулди:

— Тўғри, ҳаммаси тўғри. Оббо шайтон-эй, шуларнинг ҳаммасини ўзинг уддаладингми?— дея сўради.

Баҳодир фақат жилмаяр, унинг шодлиги Юсуповга ҳам ўтган эди. Павлов Баҳодирнинг елкасига қоқиб қўйди-да, вертолётдагиларга буюрди:

— Жумаевни олиб, Тошкентга қайтинг, синов тугади.

Баҳодир сукут сақлар, аммо унинг қалбидаги ҳиссиётини сезиш қийин эмасди. Павловнинг мақтовидан тўлқинлангани шундоққина билиниб турар, унинг йигитлиж шавқи-завқи қорамағиз юзига тепиб, қизартириб юбор-

ганди. Нимқоронғи хонада кўзларининг эҳтирос билан чақнаб туриши чеҳрасига аллақандай бир улғуворлик бахш этарди. У ўрта бўйли, сочлари жингалак эди. Ёшини нари борса йигирмада деб ўйлаш мумкин. Аммо Баҳодир йигирма бешга қадам қўйганди.

У ёшлигида севимли ёзувчиси Александр Беляевнинг «Жаҳонгир» номли фантастик қиссасини ўқиганидан сўнг «Лочин» қурилмасини яратиш фикрига тушди. Фантаст ёзувчининг заковати Баҳодирга тўғри йўлни кўрсатиб берган бўлса, ажаб эмас. Ушанда у саккизинчи синфда ўқирди. Ушандан бери бу муаммо устида тинмай бош қотирди. Мактабни тугатгач, махсус билим юртида ўқиб юрганида ҳам изланишларини давом эттирди. Уйқусиз тунлар, электроника, оптроника, бионика, биоэлектротехника, биопсихотехника фанларини чуқур ўрганиш, энг муҳими, мақсад аниқлиги Баҳодирни пировардида ўз орзусига етказди. «Лочин»нинг юзлаб чизмалари, ўнлаб моделлари, такомиллаштирилган конструкциялар — буларнинг ҳаммасини бир жойга жамласа, алоҳида бир музей бўларли эди.

Энди у истаган одамини курраи заминнинг истаган жойида бўлса ҳам қийналмай топа олади. Негаки, инсон тарқатадиган биотўлқинлар сарҳадсиз масофаларга тарқалади. Ҳа, ҳа, бунга ҳайратланса арзийди. Чунончи, одам бир кеча-кундузда чиқарадиган биоэнергия йиғиндиси билан юз вагонли составни уч юз километр масофагача силжитиши мумкин. Шу биоэнергиянинг маълум қисми инсон кўраётганда, сўзлаганида, фикрлаганида, ҳаракат қилганида ва ҳоказоларда сарф бўлиб кетади. Бироқ биотўлқинлар — инсондан, ҳиссиётлари каби, доимо узлуксиз чиқиб туради. Инсон ҳатто ухлаб ётганида ҳам, туш кўраётганида ҳам ўзидан биотўлқин тарқатади.

Хуллас, одам танасини «жонли радиостанция»га ёки жонли электромагнитга қиёсласа бўлади. Одам қанча-

лик кўл фикрласа ёки ҳаяжонласа, фикрлари биотўлқин тарзида шунчалар тез атрофга тарқайди.

Назариялар, назариялар... Уларни амалиётга татбиқ этмасанг қоғозда қолиб кетаверади. Баҳодир одам фикрлаш жараёнида ўздан тарқатган биотўлқинларни ушлаб оладиган ва сўзга айлантириб берадиган қурилма яратди. Унга ёрдамчи станцияни ҳам қўшди. У Александр Беляевнинг фантастик қаҳрамонига ўхшаб, дунёга ҳукмини ўтказмоқчи эмасди, йўқ, у фақат ана шу қаҳрамонниқига ўхшаш қурилма ясашни хоҳларди. Беляевнинг қаҳрамони ўз аппарати ёрдамида инсонга истаган ҳукмини ўтказди, аммо фантастика, фантастикада. Бутун бир шаҳар аҳолисига бир вақтнинг ўзида ўз ҳукмини ўтказиш, бу фақат фантастик асарлардагина ёзилади, холос. Ҳаётда эса бундай бўлиши қийин.

Рост, «Лочин» ёрдамида ҳам шундай ишларни бажариш мумкин, бироқ чекланган миқдорда, албатта. Бунинг учун аввал таъсир этилмоқчи бўлган одамнинг ҳар хил биохусусиятлари унинг қони таркиби воситасида ўрганилади ва ҳисоб-китоблар «Лочин» аппаратидаги электрон ҳисоблаш машинасига ҳавола этилади. Ана шундан кейин ЭҲМ уч ўлчовли фазода айланиб турувчи локатор антеннасини сошлаб, керакли биотўлқинни фазодан «қидиради». Керакли биотўлқин топилса, локатор уни программалаштирилган контурга узатади. Программали контур керакли бўлган тўлқиннинг частотасига мос равишда резонансга тушади. «Лочин» экранида қидириляётган одам-биообъектнинг турган географик ўрни аниқланади.

Иккинчи босқичда эса, биотўлқинлар сўзга айлантирилади. Эҳ, Баҳодир буларни ўйлаб топгунча...

Инсон бирор жиддий иш қилса, босиб ўтган йўлини яна ва яна эсга олади. Гўё тушни эслагандай, умрининг паст-баланд йўллари бир-бир хаёл кўзгусидан ўтади. Баҳодир ҳам шундай аҳволда эди ҳозир...

— Оперативчиларнинг ишини роса енгиллаштириб-

сан. Минг раҳмат!— Баҳодирнинг қўлини қисиб миннатдорчилик билдирди Павлов ҳаяжонини яширолмай.

— Ҳали қурилмада талай камчиликлар бор,— бош чайқаб, эътироз билдирди Баҳодир.

— Камчиликлари бўлса, вақти билан тузатарсан, ўзгартишлар киритиб, такомиллаштирарсан... Аммо, ҳозир энг муҳими, қурилманинг яратилганлиги.— Сўнг у Баҳодирнинг устози Анвар Юсуповга ўғирилди-да сўради:— Ингитчанинг кандидатлик иши ҳимояси қачонга белги-ланган?

— Май ойининг охирларига,— жавоб берди Юсупов.

— Аниқроғи, 28 майга,— тўлдирди Баҳодир. Павлов бир зум хаёлга чўмиб турди-да, Юсуповга деди:

— Профессор,— у биринчи марта Юсуповни унвони билан атади,— ўртоқ Баҳромовни барча кундалик иш-лардан озод қиласиз! У энди бўладиган ҳимояга пухта тайёргарлик кўриши лозим!

3. ПРОКУРОР ДУСТЛАРИДАН ЕРДАМ СУРАЙДИ

— Ҳой бола, буёққа кел,— газета сотувчи болани чорлади автомобилнинг орқа ўриндигида ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирган Хэм.

— Хўп бўлади, жаноб,— бола чопиб келиб, шоша-пиша газета узатди. Хэм боланинг қўлига бир нечта майда чақа ташлади-да, автомобиль ойнасини ёпди.

— Ҳақиқий жентельмен экансиз,— деди бола таъзим билан ва чопиб кетди. Сал ўтмай газетачи боланинг: «Ажойиб сенсация! Прокурор Хэм Жонсоннинг қизи ўғирланди! Ажойиб сенсация! Мудҳиш жиноят,— деб бақиргани эшитилди.

Хэм газетани очди. Қора ва йирик ҳарфлар билан «Лима таймс»— деб ёзилган газетанинг эрталабки сони Перуда рўй берган жиноят ҳақида хабар берарди. Хэмнинг назари «Мудҳиш жиноят» деб номланган мақолага тўшди.

Мақолани ўқий бошлади:

«Кеча Перу пойтахти Лимада прокурор Хэм Жонсоннинг гўзал қизи донна Виктория номаълум шахслар тарафидан ўғирлаб кетилди. Уғирлик содир бўлганидан икки соат кейин номаълум шахс телефон қилиб, мистер Хэмга қизининг ўғирланганлигини маълум қилади. Номаълум шахс ўзини «Компасман»— деб таништиради. Полиция эса номаълум шахс Кале шахридан шаҳарлараро, телефон автоматдан қўнғироқ қилганлигини аниқлашга муваффақ бўлди, холос.

Масаланинг бошқа тарафи киши диққатини ўзига тортади! Донна Викторияни ким ўғирлаган экан?! Компасми?! Лотин Америкасидаги жиноятчи ташкилотлар яширин уюшмасининг президенти бўлган Компасни ҳалигача ҳеч ким ўз кўзи билан кўрган эмас. Компас битта одамми ё кўпчиликми, бу ҳам маълум эмас. Компас уюшмаси аъзолари катта-катта жиноятларни амалга оширишда пухта ўйлаб, мустаҳкам режа асосида иш кўрадилар. Компас шайкалари тарафидан содир этилган барча жиноятларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, уларнинг хилма-хил бўлишига қарамасдан, пухта ўйланган кўрсатмага биноан амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Компас жиноят оламининг ёвуз даҳоси. У айёрликда шайтонга ҳам дарс берадиган, тутқич бермас, маккор кимсадир! У жиноятларда бевосита иштирок этмайди. Аммо сиёсий ўғрилиқми ё сунқасдми, боринг-ки, майда талончиликми бўлсин, барча-барча жиноятларда қонунбузарлар Компаснинг ирода ва режаси билан ҳаракат қиладилар. Компас бутун Лотин Америкасини худди ўргимчак тўридай ўраб-чирмаб олган яхлит жиноятчилар уюшмасини вужудга келтира олди. Лотин Америкаси давлатларидаги деярли барча шаҳарларда бу уюшманинг филиаллари бор. Бу уюшманинг йирик-йирик касба союз ташкилотларида ҳам ўз кишилари бўлиб, улар юқори мартабаларни эгаллаб олганлар. «Компас»

уюшмаси ташкилотлари контрабанда йўли билан олтин ва наркотикларни олди-сотди қиладилар, бола ўғирлаб сотиш каби аср фожиаси бўлган жиноятлар эса унинг доимий ҳунарларидан. Компас уюшмаси тарафидан очилган ўнлаб ёпиқ ва очиқ фоҳишахоналар ва наркотиклар билан савдо қилувчи яширин барлар йилига миллион-миллион доллар фойда келтиради. Компас уюшмаси АҚШ ва Япониядаги яширин жиной ташкилотлар билан доимий алоқа қилиб турса керак. Компас шахсига доир маълумотларни ҳеч бир давлат полиция архивида йўқ деб ҳисоблаш мумкин...»

Мақолани ўқиган сари Хэмнинг ташвиши ортарди. Ниҳоят, сабри чидамай саҳифани ёпди. Афтини буриштириб, беҳисоб машиналар оқими ўтаётган кўчага тикилиб қолди. Хэм Нью-Йорк полициясига мурожаат қилди. Полиция маҳкамасидаги казо-казолар ҳам охири-оқибат елка қисишиб, ўз ожизликларини тан олдилар. Ноилож, у Колумбия университетида бирга ўқиган дўстларига мурожаат қилди. Гарчи, шу дўстларининг ташаббуси билан бутун Америка қитъаси бўйлаб ялпи қидирув бошланган бўлса ҳам, ҳали-бери бирор-бир аниқроқ натижа бермаётган эди.

Ниҳоят Хэм телевидение орқали бутун штатлардаги изқувар ва криминалистларга мурожаат қилди. Қиз Викторияни топишда ёрдам қўлларини чўзишларини ўтиниб сўради. Экрани орқали уларга катта ваъдалар берди.

Жаноб Хэм телекамералар ва ҳар хил асбоб-ускуналарга тўла, кучли ёритилган ва диққинафас студиядан бўшашибгина чиқиб кетди. У автомобилга ўтирар экан, чуқур «уф» тортди ва ёрдамчисига, «Отел»га, деди сс-кингина.

Хэм бутун йўл давомида бир оғиз ҳам гапирмади. Автомобиль шаҳардан чиқиб беш километрча юргач, кўкаламзор дарахтлар билан ўралган «Катта Фишер ва К» отели қаршисига келиб тўхтагач, Хэмнинг ёрдамчиси

шошилиб машинадан тушди-да, орқа ўриндиқнинг эшигини очди. Хаёлга чўмиб ўтирган жаноб Хэм ёрдамчисига «ўзларини бақрайтириб қаради, сўнг атрофга аланглади-да, хаёлларини қувиб, автомобилдан тушишга чоғланди.

— Бизни ҳам йўқлаб келадиган кунингиз бор эканку, дўстим!— меҳмонхона гулзори тарафидан таниш овоз эшитилди.

— Эдуард, қадрдон дўстим,— қувониб кетган Хэм ёшликдаги дўстининг қучоғига отилди.

— Қайси шамол учирди?— деди дўсти билан қуюқ сўрашаркан Эдуард Фишер.

— Асти сўрама,— деди хомуш Хэм.

— Эшитдик, телевизорда кўрдик. Ҳамдардлик изҳор этаман, дўстгинам,— деди Эдуард сўзларини чертиб-чертиб талаффуз қилар экан.— Чарльз ҳаммасини гапириб берди. Ие, бу ерда нега турибмиз, қани, ичкарига кирайлик,— дея Эдуард меҳмонни бошлаб кетди.

Эдуард Фишер хусусий банкирнинг ўғли эди. Унинг отаси Ричард Фишер Американинг йирик банкирларидан бири бўлиб, бу банк нефть ва газ корпорациялари, электроника саноати, ракета техникаси ва уран саноати устидан назорат қилар эди. Хэм билан Эдуард Колумбия университетиде бирга ўқишган. Эдуард ёшлигида Канадага холасиникига бориб, балоғатга етгушича унинг қўлида тарбияланди. Университетни ҳам шу ёқларда тугатди. Буларнинг барисидан Хэм яхши хабардор эди. Мана энди Эдуард Америкада бўлғуси миллионер. У оиласи билан шаҳар ташқарисидеги тўрт қаватли қадимий қасрда яшайди. Қасрнинг тенг ярми «Катта Фишер ва К» отелига айлантирилган, соя-салқин ва баҳаво жойлар бу ерлар...

— Иш бошқарувчи сизни Россияга кетди деятувди, чамамда?— йўл-йўлакай савол берди Хэм.

— Ҳа, руслар билан шартнома тузганмиз, коинотни биргаликда текшириш ва ўзлаштириш борасида. Жене-

вада икки буюк давлат вакилларининг учрашуви бўлди. Делегация сафида мен ҳам бор эдим. Кейинги бир ҳафтага Москвага бориб келдик, Чарльз Мур ҳам биз билан бирга эди,— деди Эдуард хиёл димоғдорлик билан.

«Президентнинг маслаҳатчиси Фишер бўлганидан сўнг, димоғдор ҳам бўлиши керак-да!»— ўзича ўйлади Хэм. Лекин фикрини сиртига чиқаргиси келмади. Бу орада улар иккинчи қаватга кўтарилиб, улкан залга кирдилар. Ажойиб жиҳозлар билан тўла бу зал ҳақиқатан ҳам кишини лол қолдирарди. Зал қимматбаҳо жиҳозлар билан тўла эди. Полга тўшалган чўғдай гиламлар, қизил мовут қопланган юмшоқ креслолар, эман даррахтидан ишланиб, зални «Т» шаклида эгаллаган катта-көн стол зал қиёфасини жозибали ва салобатли қилиб кўрсатар, чап қанотдаги улкан сервантдаги қимматбаҳо идишлар, ост-уст ўрнатилган иккита рангли телевизор, қўша-қўша телефонлар ораста залга кўркамлик бахш этарди. Бир қарашда залдаги жиҳозларни бирма-бир санаб чиқиш мушукул бўлиб, бу жонсиз буюмлар орасига дастлаб тушиб қолган одам ҳайратланиши турган гап эди. Аммо, Хэмнинг ҳозир бу даҳмазаларга эътибор бергудай ҳоли йўқ эди. Утган уч кун уч йиллик умрига тенг бўлди. Уч кун ичида чакка сочларига оқ оралади, тик қомати сал букчайди. Унинг дарди ҳадсиз эди.

Залда Хэмнинг эски дўстларидан Федерал қидирув бюросининг инспектори Чарльз Мур ва яна бир жаноб виски ичиб ўтирардилар. Хэм яқинроқ бориб нотаниш жанобни таниди. У Перудаги Амалий биология ва Криминалистика бўйича илмий тадқиқот институтининг ҳодими Артур Кид эди.

— Сенда актёрлик таланти бор деб доимо айтардим. Телевизорда жуда яхши гапирдинг,— деди Хэмнинг истиқболига ўрнидан турган Чарльз дўстининг қўлини қисиб, ҳамдардлик билдирар экан. Артур Кид ҳам ўрнидан туриб Хэмга салом берди. Хэм ғамгин жилмайиб, алиқ олди.

Эдуард ўтиришга таклиф этди. Улар ўтиргач,
Чарльз:

— Охирида, пуруча талаффуз билан, «We» — «ўзимиз», дейишинг ғалати чиқди. Аслида, «J» — «мен» — дейишинг керак эди. Жабрланувчи доимо биринчи шахсда гапиради. Сен бўлсанг «барча чиқимларни биз тўлаймиз!» — деб ўтирибсан.

Чарльз Мурнинг бемаврид таънаси Эдуард Фишерга ёқинқирамади.

— Жиддий гаплардан гаплашайлик, — деди Хэмга қараб. Кид янги меҳмонга виски қуйиб узатди. Хэм вискини қўлига олди-да, ичар-ичмасини билмай тарадудланиб қолди.

— Ақлга сизмайди! Пул ҳам, давлат ҳам, обрў-эътибор ҳам қўлимизда бўла туриб, аллақандай жиноятчилардан панд еб ўтирсак?.. Дўстлар, биз тобора раҳмдиллашиб боряпмиз. Ота-боболаримизнинг ифтихори бўлган шафқатсизлик, тошбағирлик негадир, бизнинг авлодларга хос нарса бўлмай қолди! — деди Эдуард вискидан хўлаб.

— Ўша сен айтган Компас аллақандай жўн бир жиноятчи эмас-да, — эътироз билдирди Чарльз. — У шу оламнинг «ёвуз даҳоси!» Янглишмасам газеталар Компасга шундай деб таъриф бермоқдалар.

— Бир сўз билан айтганда, тутқич бермас Фантомас, — виски хўлаб жим ўтирган Артур Кид гапга арашди. — Жудаям ошириб юборишибди... — истехзо билан қўшиб қўйди яна.

— Асло, — деди кўрсаткич бармоғини чўзиб Чарльз. — Қўшма штатлардаги барча полиция маҳкамаларидан суриштирдим, ҳеч қайси полиция маҳкамасида Компас шахси ҳақида маълумот йўқ!

— Нима ҳам дердик, — деди илжайиб Эдуард. — Тагин бу киши Федерал қидирув бюросининг инспектори эмишлар!..

Эдуард Чарльзнинг нозик жойига тегиб кетди. Эду-

арднинг гапидан Чарльз бир сапчиб тушди. Унинг юзида қизғиш доғлар пайдо бўлиб, ингичка бўйни яна ҳам чўзилиб кетгандай туюлди. У кескин ҳаракат билан Эдуардга бир нима деб эътироз билдирмоқчи эди-ю, аммо қўл силтаб қўя қолди. Орага сукунат чўкди. Ҳар ким ўз ўйи билан банд эди... Ниҳоят жимликни Артур Кид бузди.

— Жаноб Хэм, ўзингизнинг қандай режаларингиз бор?

Хэм сийрак сочини тузатган бўлди. Қўлидаги вискидан бир хўплаб, деди:

— Ҳайронман! Телевизордаги эшиттиришни кўрган бўлсангиз керак?— Кид «ҳа»— деб бош ирғади.— Энди-ги умидим фақат хусусий изқувар — криминалистлардан. Полиция жиноятчилар изига тушолмай хуноб. Улар ўзини Компасман деб атаган кимсанинг Қале шаҳридан телефон қилганлигини аниқлай олдилар, холос. Бошқа ҳеч қандай янгилик йўқ,— ўкиниб жавоб қайтарди Хэм.

— Донна Викториянинг ўзи сизга ҳеч нарса демасми? Эҳтимол, уни биров киногами ё театрдами таклиф қилгандир?..

— Эҳтимол...

— Жавоб беришга шошилманг! Яхшилаб ўйлаб кўринг. Эҳтимол у бирорта қиз ёки ўғил бола билан танишгандир? Ё бўлмаса у колледжга бориб келадиган кўчадаги қоровул чол ёки оқсоч аёлга ўхшаш кимсалар ҳақида гапиргандир? Бошқа тоифадаги одамга нисбатан чоллар ва оқсоч аёллар, ўсмирлар ва қизлар билан тез тил топиша оладилар...— деди яна Кид.

— Эҳтимол... шошманг-чи, Виктория бир гапиргандай бўлувди... Томми деган бола ҳақида гапиргандай бўлувди.

Кид ва Мур бир-биринга маъноли қараб қўйишди.

— Синфдошими?

— Йўқ. Тасодифан танишиб қолишган улар. Томми

деган бола Викторияни музқаймоқ билан меҳмон қилибди. Шу-шу улар дўстлашиб кетибдилар. Виктория уйга таклиф қилганида, бола негадир рози бўлмабди. Томми, «жони-дилимиз музқаймоқ», дея такрорлашни яхши кўрар экан. У музқаймоқнинг неча хил тури борлигини, Лимадаги қайси кафедра қандай музқаймоқ борлигини беш бармоғидай яхши билар экан.

— Бунга қанча бўлди?— сўради Кид.

— Нимага?

— Танишувга-да! Томми билан қизингизнинг танишганига...

— Тахминан икки ойлар чамаси,— деди Хэм.

Кид Чарльзга ўғирилди:

— Чарльз, магнитофондаги биз боя белгилаган жойини қўйиб кўринг-чи!

Чарльз ўрнидан турди-да, магнитофоннинг тугмачасини босди.

— «Ҳа, ҳа, жабр-ла-нув-чи-сиз». Компаснинг овози эшитилди.— Тўғрими, Виктория?!

— Ростини айт, ёнингда ким бор?— Хэмнинг овози янгради.

— Ёнимдами?

— Ҳа, ёнингда...

— Мен «Лаззат» кафесида шоколадли эскимо еб ўтирган донна Виктория билан гаплашяпман»...

Чарльз магнитофони ўчирди ва Кидга тикилди.

— Жаноб Хэм, сездингиз-а, Томми воқеаси билан Компаснинг гапларида ўзаро мантиқий боғланиш бор!— Артур Кид осойишта Хэмга тикилди.

— Дарвоқе,— деди саросимага тушиб Хэм. Энди унга кўп нарсалар аён бўлгандек эди. Демак, Виктория колледждан келар-келмас музқаймоқдан гап очишининг боиси бор экан-да. «Томмининг дадаси бой, унга музқаймоққа хоҳлаганча пул берар экан»,— деган сўзларининг маъноси бу ёқда экан. «Эҳ, нега суриштирмадим»,— ўз ўзини койий бошлади Хэм.— Ахир, деярли ҳар кунни

бармоқларининг бир-бирига «чип-чип» ёпишаётганидан хузур қилиб, қандай музқаймоқ еганини шавқ-завқ билан гапириб бермасмиди?..» — изтироб билан ўйлади Хэм.

— Балоғатга етмаган қизларни ўғирлашда жиноятчилар қўллайдиган усуллар турли-туман бўлса-да, Викторияни ўғирлаш усули ибтидоий эди. Улар қизга тенгдош болани топиб таништирадилар. Даставвал бола қизни ҳар хил ширинликлар билан «сийлайди», бора-бора қизнинг ишончини қозонгач, уни кафега ёки кинога таклиф этиш баҳонаси билан, ҳомийлари айтган жойга алдаб олиб келади. Улжа ўз оёғи билан тайёр қопқонга ҳеч шубҳаланмасдан кириб келади. Сўнг эса... — Чарльз шундай деб, бир зум сукут қилди. — Бу усул жиноятчилик тарихидаги энг эски усуллардан бири, — қўшиб қўйди у.

Хэм ўз ҳиссиётини зўрға жиловлаб турар, аммо, бу-сиз ҳам унинг рангги оппоқ оқариб кетганди.

— Бола топилса, қизнинг қандай ўғирлаганини би-лиш мумкиндир эҳтимол? — деди Эдуард.

— Афеуски, бунинг иложи бўлмади. Лима шаҳар полициясидан суриштириб кўрдим. — Чарльз чўштагидан қоғоз чиқариб ўқий бошлади. — «Томми Маргин. 15 ёш-да. Канадалик негр Анна Мартиннинг ўғли. Отасига тортган. Оқ танли. Лимага бундан икки ой олдин кел-ган. Шаҳар полиция маҳкамасида ҳисобдан ўтган. Бир ҳафта олдин Перудан чиқиб кетган!» Мана бу эса Ка-нададаги ҳақиқий Томмининг фотосурати. Чарльз су-ратни ўтирганларга узатди. Ўтирганлар негр бола сура-тига қизиқиш билан тикилдилар.

— Кўриб турибсизки, бола — ҳақиқий негр. Қизи-нгиз билан танишган Томми эса, оқ танли бўлган. Ме-нимча, бу ишда Эрнет Буш рақибларининг қўли борга ўхшайди.

— Гувоҳларнинг маълумотлари асосида диосколик

фоторасмини тиклаш мумкин бўлмадими?— сўради Кид.

— Тикладик, аммо бефойда,— қўл силтади Чарльз Мур.

— Эҳтимол, бирор кимса жаноб Хэмдан қасдини олиш учун Викторияни ўғирлагандир?— сўради Эдуард Фишер.

— Бўлиши мумкин. Ҳамма нарса бўлиши мумкин,— куйиниб деди Чарльз Мур. Орага яна сукунат чўқди. Нохуш фикрлар жаноб Хэмни жунжиктиргандай бўлди, икки елкаси бўртиб чиқиб, бўйни ичкарига тортилди. У асабийлашиб сигара тутатди.

— Хусусий изқуварлар қидирувчи полициядан яхшироқ ишлашига ишончингиз комилми?— сўради Кид ишонқирамай.

— Перудаги барча полиция маҳкамалари бутун кучини сафарбар этган. Бу ишга махфий полиция ҳам жалб этилган. Ҳарҳолда қидирув ишларида хусусий изқуварларнинг имкониятлари кўпроқ бўлса керак,— йога машқларини эслаб, иложи борича осойишта жавоб беришга уринди Хэм.

У ҳали ҳам Кид келтирган мантиқий далиллар таъсиридан қутилолмас, бир тарафдан бу далиллар ҳақ эканлигини эътироф этар, иккинчи тарафдан эса бундай далилларни ўз вақтида англаб ололмагани учун прокурорлик иззат-нафси туғён урмоқда эди.

— Менда бир фикр туғилди, агар сиз жаноблар маъқул топсангизлар, зўр изқувар ёлласак,— деди Кид.

— Қаердан? Европаданми ё штатларданми?— сўради Чарльз ажабланиб.

— Совет Иттифоқидан!— деди Кид бамайлихотир.

— Қаердан?!— учаласи баравар сўрадилар.

— Ҳа, ҳа Совет Иттифоқидан,— тақрорлади Кид.

— Роса олдингиз-да, сэр, оддий бир ўғирлик учун ҳам Россиядан изқувар ёлласак... Йўқ, йўқ, азизим, сиз оддий жиноятни сиёсат билан аралаштириб юбораяп-

сиз,— бош чайқади Эдуард. Бу таклиф Чарльзга ҳам ғариб эшитилиб, эътироз учун оғиз жуфтлаган эди, Кид гап бошлади:

— Масалага чуқурроқ қарайлик, азизим Эдуард,— деди у.— Биринчидан, донна Викториянинг ўғирланиши — бу оддий ўғирлик эмас. Менга қолса, сиёсий манфаатларни кўзлаб қилинган ўғирлик бу! Иккинчидан, жаноб Хэм давлат прокурори, йирик сиёсий арбоб. Шундай жанобнинг қизини ўғирлаш, менимча, оддийгина ўғирлик бўлмаса керак! Учинчидан, матбуот ва радио, телевидениени ҳам унутмаслик зарур. Демак, ҳозир бутун дунё билади мистер Хэм Жонсоннинг қизи ўғирланганини. Дипломатик нуқтан назардан олиб қарайдиган бўлсак, бойлик ва мансаб, обрў-эътибор ўз қўлида бўлган жаноб Хэмдай одамнинг қизи ўғирланиши эркин дунёмизнинг тузатиб бўлмас иллатларидан биридир.

Дастлабига Артур Кид воқеага ўта сиёсий тус бериб юборгандай туюлган эди. Бир оз ўйлаб кўрганларидан сўнг Хэм ҳам, Эдуард ва Чарльз ҳам ўз-ўзича Киднинг сўзларини маъқулладилар.

— Донна Викторияни қандай бўлмасин бари бир топамиз, албатта,— сўзини давом эттирди Кид.— Ҳеч бўлмаса хунини тўлаб, сотиб олишимиз мумкин. Аммо бу сиёсий машмашадан силлиққина қутилиб кетишнинг сира иложи йўқ! Қутилмаган бир фикр хаёлимга келди. Эсингиздами, мен илмий-тадқиқотларни координация қилиш бошқармасининг илмий командировкаси билан СССРга, тўғрироғи Ўзбекистонга сафар қилган эдим. Уша ерда бир талантли ўзбек олимнинг иши билан қизиқиб қолдим. Албатта, бу иш билан бутун дунё қизиқиши табиий.

Артур Кид беихтиёр Тошкентдаги симпозиумни, истеъдодли ўзбек олими Баҳодир Баҳромов билан учрашувини яна бир карра эслаб, бир зум жим қолди.

Артур Кид ҳам биотўлқинлар назарияси бўйича унча-мунча илмий ишлар қилиб турарди-ку, бироқ айрим

олимлар каби, биотўлқинларни электромагнит тўлқинларининг айнан ўзи дерди. Уларнинг айрим ўхшаш томонларини ўзига қурол қилиб олиб, бу менинг гипотезам деб мақтаниб юарди. Лекин биотўлқинларнинг тезлиги ёки уларнинг сўнмаслик хусусиятларига келганда ҳеч нимани тан олмасди. Бу бўлмаган гап, деб юарди. Баҳодир эса симпозиумда унинг назарияларига мутлақо қарши чиқди...

— Хуллас,— давом этди Кид,— бизда ҳам биопсихология криминалистикаси яхши ривожланган. Аммо улар... биздан илгарилаб кетганлигини тан олиш керак. Хуллас, Совет Иттифоқи олимларидан ёрдам сўрашга тўғри келади.

— Масаланинг сиёсий томонини ўйламаган кўринасиз?— эътироз билдирди Эдуард Фишер.— Ахир бундай қилсак, сиёсий мавқеимизга путур етиши мумкин...

— Ҳамма нарсага сиёсатни аралаштиравериш яхши эмас,— гина қилди изқуварлар бошлиғи Чарльз Мур,— Ахир дунёда одамгарчилик деган гаплар бор. Қачонгача сохта обрў талашиб, одамлар тақдирини охирги ўринга суриб юрамиз? Агар СССРдан ёрдам сўрасак, Викторияни топиш жараёнида уларнинг илмий сирларини билиб олишимиз ҳам биз учун фойдали эмасми?

Чарльз Мурнинг охирги фикри сиёсатдон Эдуард Фишерни ҳам қаноатлантирди...

4. ЧАРЛЬЗ МУР ВА ПРОФЕССОР БЕРТ

Виктория воқеаси юз беришидан саккиз ой олдин Америка Қўшма Штатлари Федерал қидирув бюроси — ФҚБнинг раҳбари ўзининг ишончли ёрдамчиси Чарльз Мурни йўқлаттирди.

Оператив хизматдаги алоҳида лаёқати ва айрим фазилатларини ҳисобга олган бошлиқ унга «Профессор Берт иши» билан шахсан шуғулланишни топширди.

Мур бошлиқ хузуридан профессорнинг оператив таржимаи ҳоли ва сурати, Бертнинг ўз қўли билан ёзган хати, «Нью-Йорк таймс» газетасининг яқин ойлар ичида чиққан бир сонини кўтариб чиқди. Сўнг вақтни ўтказмасдан аэропортга жўнади. Машинада кетар экан, профессорнинг таржимаи ҳолига кўз ташлади.

«Талантли физик олим. Пристон университетининг амалий физика факультетини тугатган. Даниэль Берт физика фанлари магистри унвонини олиш учун шу университетнинг ядро тадқиқотлари марказида аспирантурада қолдирилади. Икки йилдан сўнг шу унвонни олишга мушарраф бўлади. Икки йилдан сўнг докторлик ишини ниҳоясига етказди. Муваффақиятли ҳимоя! Сўнг АҚШдаги ҳарбий қуруланиш бўйича махфий-илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган институтларнинг бирига катта маош эвазига ишга таклиф этилади. У ерда ўн йил муваффақиятли ишлайди. Сўнгра давлат сирини айтиб қўйганлиги учун қамоққа олиниши арафасида АҚШдан ғойиб бўлади».

Қисқа ва ихчам ёзилган таржимаи ҳоли Чарльз Мур қайта-қайта кўнглида такрорлади. То самолётга чиққунича Берт ҳақида ўйлаб борди. Самолёт осмонга кўтарилиб, Перуга йўл олганида ҳам, у шундай ўйлар билан банд эди.

Яқинда Федерал қидирув бюросига бир хабар келди. Бу хабарда профессор Берт Перуда эканлиги, ҳозирда Лима шаҳрида истиқомат қилаётганлиги айтилган эди. Шу орада профессор Бертнинг ФҚБга ёзган махфий хати ҳам келиб қолди.

Профессор ўз айбини бўйнига олиб, қаттиқ таассуф билдириб хат ёзган эди. Аммо профессор хатининг энг диққатга сазовор жойи шуки, у таъқибдан яшириниб юрган йиллари давомида фанда бир муҳим кашфиёт қилган экан. Бу кашфиёт бир гуруҳ номатлуб одамлар қўлига тушиб қолиши хавфи туғилган. Бу кашфиёт ёрдамида қирғин келтирадиган қурулнинг мутлақо янги

ва даҳшатли турини яратса бўлади, деб куйиб-пишиб ёзганди у. Бироқ ҳозир профессорнинг ҳаёти хавф остида экан. У ФҚБга мурожаат этиб, уни ўз паноҳига олишларини илтижо қилиб хат ёзибди. Эҳтиёт чоралари юзасидан профессор Перу давлат полициясига мурожаат қилмаган эмиш. Профессор ўз хатига яна шу нарсани қистириб ўгишни лозим топибди. Агар бу қурол ўша номатлуб одамларнинг қўлига тушиб қолса, бутун инсоният хавф остида қолиши мумкин экан...

«Телба чол тўйдан олдин ноғора чалган бўлса-чи?— ўйлаб қолди Мур.— Қувғин, қочишлар унинг асабига таъсир қилиб, а?..»

Мур фолбинлик қилмасликка қарор берди. У тажрибали инспектор... Жиноятчилар оламини беш бармоғидай билади. Берт хатининг мазмунига кўра, у кўп йиллар давомида жиноятчилар билан алоқада бўлган кўринадди. Эҳтимол уларнинг фойдасига ишлагандир ҳам? Бир нарса дейиш қийин.

Мур ёнбошига ўгрилди. Ёндош креслодаги шериги — тўладан келган бақалоқ аёл аллақачон ухлаб қолган, ора-сира бир-икки ҳуррак ҳам отиб қўярди. Мур ҳам ухлашга қарор қилди. Шу мақсадда кўзларини юмиб олди. Аммо уйқу қурғур ҳадеганда келавермади.

Ухлай олмаслигини сезган Чарльз Мур қўлига бошлиғи тутқазган газетани олди ва очиб ўқий бошлади. Ҳар хил олди-қочди хабарларни, сиёсат ҳақидаги мақолаларни хушламайгина ўқиб чиқди. Ниҳоят, газетанинг охириги саҳифасини очди. Худди шу саҳифада қизил қалам билан белгилаб қўйилган «Турмуш аксинча» ёки «Америкача коммуна» — сарлавҳали катта мақолага кўзи тушди. У мақолани қизиқиб ўқий бошлади.

«Бундан бир неча йил муқаддам Нью-Йоркнинг хилват районларида, Аппалачидаги ташландиқ шахтёрлар посёлкаларида, Калифорниядаги хонавайрон бўлган

ферма эгалари ташлаб кетган ва ўз вазифасини ўтаб бўлган съёмка павильонларида ғалати ёшлар пайдо бўлди. Ташқи кўринишдаёқ уларнинг рисоладагидан ўзгачароқ эканлигини пайқаш мумкин эди. Асосан 15-25 ёшли бу йигит-қизлар таг-туғи билан америкаликларга хос ҳаёт тарзига зид зайлда яшашни танлаганлар. Улар биргалликда хўжалик юргизадилар, топилган сармойани теппа-тенг баҳам кўрадилар, дўстлашадилар ва энг муҳими, бир-бирларини асло алдамайдилар.

Бу ёшлар билан мулоқотда бўлган журналистлар ва социологлар бу жамоага «Америка коммуналари» (қисқача АК) деб ном бердилар.

Табиийки, ҳукумат аввалига бу янги ижтимоий гуруҳга очиқдан-очиқ ташвишли муносабат билдирди. Эндиликда эса, расмий амалдорлар АКнинг ёш дайдилари пластик бомба тайёрламаётганликларига, «ой ёғдуси»— қўлбола ичимлик қайнатмаётганликларига, шунга кўра, тузумга бевосита хавф солмаётганликларига амин бўлгач, уларни бутунлай унутиб юборишди. Аммо улар ҳануз бор, ўз ҳолича яшаяптилар ва табиий равишда, Фарб ёшларига муайян таъсир кўрсатмоқдалар.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида Фарб социологлари ва психологлари Американинг ўсиб келаётган аксарий қисми ўртасида турфа ўзгаришлар рўй бераётганини ошкора ҳайрат билан таъкидлаган эдилар. Ёш америкаликнинг социал-психологик типи сезиларли даражада ўзгара борди. Утган йилларда ёш янкиларнинг қиёфасига хос ўта индивидуализм, «ақлли худбинлик» деб аталувчи сифатлар, ўзаро рақобатга интилувчанлик сезиларли даражада сусайди. Унинг ўрнини ўз тенгдошига нисбатан паст келиш, ўзини таҳлил қилишга майл, яккаликда эмас, кўпчилик бўлиб яшашга ҳаракат, «рақобат эмас, кооперацияларни қўллаб-қувватлаш» каби тушунчалар кўпроқ забт эта бошлади. Масалан, социолог Г. Хенди улар билан ўтказилган оммавий са-

вол-жавобдан сўнг меҳнат, билим олиш, шахсий муносабатлар, ҳаттоки севги соҳасида ўзаро рақобатлашиш истаги ёшларда кескин камайиб кетганлиги аниқланганини эълон қилди. «Учдан икки қисм ёшлар, рақобатлашадиган эмас, ҳамкорлик қиладиган ишларда қатнашишга шайликларини билдиришди»— деди у. Жамиятимизга хос бўлган бойлик тўплашга интилиш — қақшатқич курашлар, шаллақилик, аблаҳлик ва ёлғон-яшиқлар билан боғлиқлигини тушунган ёшларда капиталистик ҳаёт тарзига нисбатан нафрат уйғонди. Ўз жамиятларидан нафратланувчи аммо уни қандай қилиб яхшилашни билмовчи бу «ғариб» одамлар кичик гуруҳларга бирлаша бошладилар. АҚ шу тахлит юзага кела бошлади. Дил яқинлиги, қарашлар ва қизиқишлар умумийлиги бундай бирдамликни боғловчи ҳалқалардир. Кўпгина АҚларда сезиларли диний майллар бирлиги мавжуд. Аммо бу анъанавий капиталга садоқат билан хизматга ундовчи диний куч эмас. АҚ аъзолари асосан ўз идеаллари билан оҳангдош ибтидоий христианлик идеалларига сажда қиладилар. Уларнинг диққат-эътиборини шунингдек дзен-буддизм, индуизм, раджа-йога, ламаизм, конфуцийчилик, ислом ва ҳоказо шарқий диний-этик билимлар ўзига тортмоқда. Шунга ўхшаш қадимги билимлар асосида улар дил яқинлигига эришиш ва жамиятни адолатли қилиш йўлларини излашади.

«Коммуна»даги турмуш «ҳамма нарса аксинча» деган ақидага асосланади. Яъни, унда яшайдиган одамлар ўз турмуш тарзларининг барча қирраларини жамиятимизда ҳукм сураётган раҳмсиз қонунларга қарама-қарши қўйишга ҳаракат қиладилар».

Сал пардалаб ёзишибди, асли аҳвол бундан ҳам жиддийроқ. Улар шу тузумда яшаётган ёмон одамлардан нафратланиб қолмай, умуман, жамиятимизни ёқтирмайдилар,— хаёлидан ўтказди Мур. У нега профессор ўз хатида «АҚ»ни кўп тилга олганлигини тушунгандай бўлди. Демак АҚ профессор Берт ишида асосий ҳалқа-

лардан бири бўлиши мумкин. Бу бежиз эмас! Чарльз бу фактга алоҳида эътибор беришга аҳд қилди. У жуда чарчаганди. Чуқур эснади-да кўлларини ёзиб керишди. Тегиб кетгани учун ёнидаги ҳамроҳидан узр сўради. Сўнгра ястаниб олди-да, кўзларини юмди. У чигал ўй-фикрлардан халос бўлишга қанчалик ҳаракат қилмасин, бу фикрлар хаёлида гужғон ўйнарди. Шу тахлит ўзи билан ўзи овора бўлиб узоқ ўтирди. Ниҳоят, Чарльз Мур эринибгина кўзини очганида, самолёт қанотлари остида кўркам Лима шаҳри кўринди...

* * *

Шаҳар ташидаги, баланд девор билан ўралган, эшиги ва дарвозаси алоҳида қурилган қўшқават виллани Чарльз Мур икки соатча пинҳона кузатиб ўтирди. Катта кўчанинг қарама-қарши тарафидаги сокин скамейкада ўтирган, қўлига газета ушлаб олган, одми кийинган ўрта бўйли бу одам, одатдаги перуликлардан кўпам фарқ қилмасди. Колумбия деб номланган бу кварталдаги энг кўркам виллалардан бири профессор Бертники бўлиб, бу қўшқават виллада у сўққабош ҳаёт кечирарди. Уйда фақат хизматкор негр — Жоннигина бўлиб, у профессорнинг барча юмушларини бажарарди. Гарчи профессорнинг виллага кўчиб ўтганига беш йилча бўлган бўлса ҳам, виллага ҳеч ким келмас, соҳиби ҳам ҳеч қаерга бормасди. Беш йил мобайнида бу виллага биров желганини ҳеч ким кўрмаган, одамови ва баджаҳл уй соҳибини кўрган қўни-қўшнилар ҳам у билан юрак ҳовучлаб муомала қилардилар. Берт уларнинг ҳеч бири билан дўстлашмади, бирортасиникига меҳмонга ҳам бормади, бирортасини ўз уйига ҳам таклиф этмади.

Чарльз Мур профессор Берт ҳақидаги бу маълумотларнинг барини ўз агенти Дишердан билиб олди. Дишернинг айтишича, у профессорнинг уйини кўп марта-

лаб махфий кузатган. Гарчи, профессор характерининг барча жиҳатларини билиш насиб этмаган бўлса-да, бироқ камгап ва одамови бу профессор характерининг бир нозик томони бор эди. У жуда ичкиликка ўч бўлиб, айниқса «ром»ни жуда севиб ичар, ичиб маст бўлгач, оғзининг таноби бўшашиб, сергап бўлиб қоларди. Дешер шу жиҳатнигина аниқлай олибди, холос. Чарльз у билан учрашувга отланар экан, ҳар эҳтимолга қарши деб, бир шиша ром олволди. Шу бугун у, албатта профессор билан махфий учрашишга аҳд қилди ва қулай дақиқани кута бошлади.

Пешин маҳали қуёшнинг тафти босилиб, диққинафас иссиқ ўрнига ёқимли шабада эса бошлади. Кўчада бирикки йўловчилар кўриниб қолди. Бир маҳал профессорнинг уйдан ёши ўтиброқ қолган бир негр сават кўтариб чиқиб келди. Чарльз уни дарров таниди. Бу хизматкор Жонни эди. Чамаси бозорга кетаётган бўлса керак. У вилла эшигини қарсиллатиб ёпди-да, чўнтагидан сигарета олиб тутатди. Шу пайт қўшни уйларнинг биридан бошқа бир негр чиқиб қолди-ю, Жоннига жон кирди:

— Хэлло, Таффи, аҳволинг қалай?— ялтоқланди у.

— Хэлло, Жонни, йўл бўлсин?— деди у ҳам қўл силкитиб.

— Э, ул-бул харид қилишга!— деди Жонни.

— Кетдик, йўлимиз бир экан,— деди Таффи ва улар йўлга тушдилар. Икки негр тобора узоқлашар экан, Чарльз атрофга аланглади. У пойлаётган қулай пайт келган эди. Шубҳали ҳеч нарса сезмагач, «лип» этиб вилла эшигининг қаршисида пайдо бўлди. Эшикни итарган эди, қулфлоглик эканини сизди. Яна атрофга аланглади-да, чўнтагидан йиғма пичоқчасини чиқариб, қулфнинг ичига тикди. «Шиқ» этган овоз эшитилди-да, эшик очилиб кетди. Чарльз ўзини ичкарига олди.

Дид билан ҳар хил гуллар экилган боғни икки бўлиб

ўтган, қум сепилган йўлқадан оҳиста бораркан. Мур атрофга эҳтиётлик билан разм солди. Улкан кактус ва пальмалар боққа алоҳида тароват бағишлар, хурмолар ҳовлига кўрк бахш этиши билан бирга қуюқ соя солиб турарди. Чимзор билан ўралган гул майдончаларига қараб кўз қувнарди. Доиравий шаклда экилган ҳар хил гуллар, мисоли қўлда тўқилган чиройли каштани эслатар, кўрган одамни мафтун этарди.

Чарльз атрофни обдан кузатди. Ҳовлидан ўтди-да, эҳтиёткорлик билан уйга кирди. Биринчи қаватдаги ораста хоналардан бирига оҳиста қадам қўйди. Чарльз ўзини ғоят ясатилган бир хонада кўрди. Кенг хол, мебеллар, телевизор, сервантлар ичидаги япон чинни буюмлар бу ердаги тўкисликдан далолат берарди.

— Жонни, сенмисан?— бўғиқроқ ва хазин овоз эшитилди қарши тарафдан. Чарльз шу тарафга қаради. Креслода унга орқа ўгириб профессор Берт ўтирар, сийрак ва оппоқ сочлари, қизғиш бўйни кўзга ташланиб турарди. Чарльз индамади ва оҳиста профессорга яқинлашди. Ҳадеганда жавоб эшитилавермаганидан хавотирланган профессор орқасига ўгирилди ва нотаниш одамни кўриб, қалқиб ўрнидан туриб кетди.

— Тинчланинг, профессор,— деди Чарльз секингина. Профессор ҳаяжонланганидан қисқа-қисқа нафас олар, ҳар нафас олганда кўксидан аянчли хириллаш эшитиларди. «Бронхиал астма!»— Чарльзнинг хаёлига шу фикр келди. Профессор ютақиб чуқур-чуқур нафас олди-да, Чарльзга тикилиб:

— Кимсиз? Нима керак сизга?— деди.

— Тинчланинг, профессор,— такрорлади Чарльз.— Мен ўғри эмасман. Мен Федерал Қидирув бюросидаман. Нью-Йорқдан келдим,— сўнг Чарльз кўйлаги ёқасини қайириб, ФҚБнинг махфий нишонини кўрсатди. Профессор ҳамон унга ишонқирамай тикилиб турар, кўзларида шубҳа аломатлари зоҳир эди.

— Менга ишонмаяпсиз-а? Мана ўзингиз таклиф этган

шифр асосида ёзилган хат,— деди Чарльз бамайлихотир.

Профессор ҳамон ишонқирамасдан унинг қўлидан хатни олди ва кўзларига яқин келтириб хатни ўқиб чиқди. Сўнг Чарльзга қаради-да:

— Бу ерга келаётганингизни ҳеч ким кўрмадимиз?— дея сўради.

— Ҳеч ким!— ишонч билан деди Чарльз.

— Дуруст! Улар мени ҳеч ким билан учрашгани қўймайдилар. Ҳали чиқиб кетган қора мўнди Жонни, ҳам хизматкорим, ҳам пойлоқчим. Кечасию кундузи назорат остидаман,— деди профессор Берт ўкиниб.

— Улар кимлар?— сўради Чарльз чўнтагидан ромни чиқариб қаршисидаги стол устига қўяр экан.

— Улар, бу улар,— деди профессор. Сўнг бармоғини шишага ниқтади-да:— Мени шундай кунларга тушишимга шу иблиси ланин — ичкилик сабабчи бўлди,— деди кўзлари ёниб.

— Фақат ичкиликгинами?— шижанинг оғзини очаркан, оҳиста сўради Чарльз. Сўнг стакан қидириб атрофга аланглади. Бунга кўрган профессор стол тагига қўл юбориб, иккита стакан олди. Чарльз ичкиликни стаканларга қўйди ва улардан бирини Бертга узатди. Профессор алам билан бир кўтаришдаёқ стаканни бўшатди-да, яна Чарльзга тутди.

— Шафқатсиз савол бердингиз! Ҳа, ҳа, шафқатсиз... Очиги, мен уларнинг қўлига қандай қилиб тушиб қолганимни ҳам билмайман. Тузуккина ишлаб юрувдим. Оилам, хотиним бор эди. Улар билан қандай учрашиб қолдим, сира эслай олмайман.— Профессор яна ичди.— Ресторанда танишганман. Барбара деган аёл эди у. Кейин тез-тез менга телефон қилиб турди. Бора-бора биз жуда қадрдон бўлиб кетдик... Хотиним билармиди?— сукут қилди Берт.— Йўқ билмасди!— ўзига-ўзи жавоб берди у, сўнг яна алам билан стаканни бўшатди.

Чарльз бошқа ром қуймади ва профессорнинг гапларини тинглай бошлади.

— Сўнг хуфёна учрашувлар, лаззат онлари... Бир куни мени Барбара керагидан ортиқ ичириб маст қилиб қўйди. Мен аҳмоқ эса институтдаги махфий олиб бораётган ишларимиз ҳақида оғзимдан гуллаб қўйибман. Тфу, лаънати, нима деган бўлсам барини ёзиб олишган экан. Эртасига кўзимни очсам аллақандай бир ташландиқ уйда ётибман. Ҳайрон бўлдим. Хиёл ўтмай иккита нотаниш эркак кириб келди ва... Уларнинг сўзларидан мени кечаги оғзимдан гуллаганларим узунқулоқ ташкилот ва маҳкамаларга етиб борганлигини тушундим. Мени қидиришга тушишган эди. Полиция қидирарди мени. Қаттиқ жазога тортилишим энди аниқ эди. Чунки улар ҳеч қачон хоинликни кечиринмаган. Шуларни ўйлаб талвасага тушдим. Шунда улардан бири, «агар биз учун ишласанг, ҳаётингни сақлаб қоламиз, акс ҳолда сени ҳалокат кутади»— дея шама қилди. Мен ўйлаб ўтирмасдан рози бўлавердим. Ахир, фарқ бўлаётган одам хас-чўпга ёпишади-ку! Хуллас мен уларга хиёнат қилмаслигим ҳақида тилхат ёзиб бердим. Бу тилхат менинг ҳукмномам эди!— профессор тишларини гижирлатди, сўнг стаканга ёпишди. Стаканнинг бўшлигини кўргач, уни Чарльзга узатди.

— Улар кимлар экан ўзи?— ром қуяётиб сўради Чарльз.

— Компас дегани эшитганинг борми? Компас... Жиноятчиларнинг пири у. Иблисдан ҳам баттар.

— Ҳеч ўзини кўрганмисиз?— яна сўради Чарльз.

— Кейинги уч йилдан бери деярли ҳар куни учрашамиз. У иблисга яратганинг ўзи бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Бу ёруғ дунёда нимани хоҳласа шуни қилади, ярамас!

Чарльзга Берт кимларнинг қўлига тушиб қолгани энди аён бўлди. У лабини тишлаб, бош қимирлатиб қўйди-да, яна сўради.

— Қаерларда учрашгансизлар, жамоат жойларида-ми ё эҳтимол махфий учрашув жойларидадир?

— Океан остида!— деди Берт ва ромни симирди.

— Океан остида?!— ҳайрон бўлди Мур.

— Ҳа-да, океан остида. Эй, ука, сен ҳали билмайсан, кўп нарсаларни билмайсан. Эҳтимолки, йўлинг тушиб шу ёқлардан ўтиб қолсанг ҳам ҳеч нарсани сезмайсан. Океаннинг тубига тикилиб сувни, балиқларни, моллюскаларни, сувости ўсимликларини, океаннинг тошлоқ тагини томоша қилиб ўтиб кетаверасан. Аммо ўша тошлоқ ернинг остида даҳшат дунёга келаётганлиги асло хаёлингга келмайди.

— Нима, Компаснинг махфий қурол-яроғ заводи борми у ерда?

— Ундан ҳам баттар... Циклотрон бор у ерда, циклотрон — деди бўғилиб профессор.

— Циклотрон?! Ахир, космик суъий йўлдошларимиз берган спектрал кузатув натижаларида бу районда ҳеч қандай радиоактив элементлар билан ишлайдиган завод ёки илмий тадқиқот маркази ҳақида ҳеч бир маълумот йўқ-ку?

— Ҳамма гап ана шунда-да. Циклотрон менинг лойиҳам асосида қурилди. Бу циклотронда ҳар қандай элемент атомларини мусбат ва манфий ионларга парчаласа бўлади...

— Хўш, кейин-чи?— сўради Чарльз.

— Кейин бомба... зарядли бомба!— лабларини ялади Берт.

— Зарядли бомба нимаси тагин?— ҳайратланди Чарльз.

— О, сен буни нима эканлигини хаёлингга ҳам келтиролмайдсан... Таққослаш учун шунини айтиш мумкин: биласан-а, биласан; қуюнни ҳам биласан, тўфонни-ям... Хўш, қани айт-чи, агар бир вақтнинг ўзида ҳам яшин қақнаб, ҳам тўфон тошиб, ҳам қуюн турса нима бўлади? Чарльз елка қисди.

— Билмайсан... ҳа... мен биламан. Биргина Саҳрон Кабирда бўладиган оддий қуюннинг қудрати ўнта водород бомбасининг вайроналик келтирувчи қудратига тенг. Океанларда бўладиган даҳшатли тўфонлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Атмосферанинг юқори қисмида рўй берадиган яшин энергияси-чи, беҳисоб. Зарядли бомба ана шундай уч қудрат йиғиндисининг худди ўзи. Менга ҳозирда мавжуд бомбалар сираям ёқмас эди, чунки улар вайроналик келтирувчи кучдан ташқари, радиация пайдо қиларди. Радиация балосини юз, икки юз йилсиз кетказиб кўр-чи (профессор икки бармоғи орасидан бош бармоғини чиқариб кўрсатди) во, кетказасан! Кетказолмайсан! Радиация балосини беш юз йилда ҳам тўла-тўқис кетказолмайсан. Уша Линдлар, Пауллар оғиз кўпиртириб мақтанаверишсин, нейтрон бомбани яратдим, деб. Нейтрон радиациясини абадулабад кетказиш амримаҳол. Демокриманки, агар яна уруш бўлгундек бўлса, ҳар қандай давлат шу бомбалардан қайсинисини қўлламасин, бари бир ютқзади. Ё юзидан бошқа бир давлатни йўқотгани билан шу давлатнинг майдони ғолиб учун ҳам ўлик майдон бўлиб қолаверади. Ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмайди эндиги урушда.

— Нима, сиз яратаётган бомба бошқаларникидан афзалми?

— Албатта! Негаки менинг бомбамда радиация деган балонинг ўзи йўқ. Бомбам жуда оддий, уни ҳар ерда, ҳар қандай элементдан яшаш мумкин!

— Шу ўзи рост гапми?— ажабланди Чарльз.

— Рост, мени кўриб турганингдай рост! Бомбанинг ишлаш усули жуда оддий. Истаган бир элементни, масалан водородми, кислородми, гелийми, истаганимни олиб уни циклотронга йўллайман. Циклотронда мусбат протон ва манфий электронларни алоҳида иккига ажратаман. Кейин эса алоҳида-алоҳида контейнерларга жуда юқори зичлик ва босимда жойлайман. Сўнг икки

контейнерни зарядли портлатгич бор корпусга жойлайман. Қарабсанки, бомбам тайёр!— деди кўзлари ёниб профессор.

— Наҳотки шундан бирон натижа чиқса?— бошқа жўяли сўз тополмай деди Чарльз.

— Шундоғам чиқади-ки. Сен ҳали ядро билан электрон орасидаги тортишиш кучининг салмоғидан беҳабар экансан. Микродунёда шундан улуғ куч йўқ. Агар шу кучни олиб, йигит кишининг мушакларига жойлаганда борми, йигит бир зарб билан ҳар қандай тоғни талқон қилиб юбора оларди. Уша атом, водород, нейтрон бомбалари қайси куч ҳисобига шунчалар зўр энергия ажратади? Микродунёдаги ўзаро тортишиш кучи ҳисобига-да!— деди истеҳзо билан Берт.

— Узр-ку, профессор, бу соҳада йўқроқман,— тан олди Чарльз. Профессорнинг чеҳраси яшнаб кетди, сўнг астойдил Чарльзга тушунтира бошлади.

— Атом бомбаси портлаганда, энергия ажралади, яъни атом парчаланиб занжир реакцияси содир бўлади. Эйнштейн даҳо одам эди. У ўз нисбийлик назарияси билан бу нарсани олдиндан кўра билди. Бу ҳодисаларнинг барчаси атомларнинг парчаланиши ҳисобига амалга оширилади. Лекин парчаланган иккита мусбат билан мусбат ёки манфий билан манфий заррачаларни алоҳида-алоҳида қутичага жойлаб, уни портлатсанг-чи? О, бунга таърифлаш мушкул... аввало иссиқлик, жуда катта иссиқлик энергияси ҳосил бўлади. Умуман айтганда, яшин бор-ку, яшин пайдо бўлиб, тамоми нарсани куйдириб кул қилади... Кейин ҳавонинг қаттиқ сиқилиши натижасида уюрмавий ҳаво оқими пайдо бўлиб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қуюн пайдо бўладики, аста қўявер. Қуйсанг-чи?— профессор стаканни чўзди. Чарльз стаканни тўлатиб ром қўйди. У бир кўтаришдаёқ стаканни бўшатди-да, сўнг «кух-кух»лаб юборди.— Бу қуюннинг қудрати ўнлаб водород бомбалари портлаганда ҳосил бўладиган қувватдан бир неча фоиз ортиқроқ бў-

лади. Агар менинг бомбам ер остида портлатиладиган бўлса, минглаб километр радиусда йигирма баллик ер силкиниши пайдо бўлади. «Сунъий zilzilalar». Агар сувда портлатиладиган бўлса-чи?— Берт лабларини ялаб, тамшанди:— Ҳозирги замоннинг энг қудратли тўфони-цунами унинг олдида ўйинчоқдай бир гап бўлиб қолади.

— Ажойиб ва даҳшатли бомба экан,— деди ўйчан Чарльз.— Назарий ҳисоб-китобларингиз борми?

— Бўлмасам-чи! Аммо мен уларни шундай жойга яширдим-ки, ҳатто пайғамбари ҳам тополмайди. Компас ана шунинг учун хунобда,— ўз ишидан мамнун кулди Берт. Чарльз индамай ўрнидан турди ва дераза олдига келди. Ташқарига назар солди.

Чарльз Мур масаланинг моҳиятига энди тушунди. Унинг қаршисида ҳам қудратли, ҳам ожиз бир кимса турар эди. У ҳам девга, ҳам қўғирчоққа ўхшарди. Бу кимсанинг тақдири унинг қандай қўлларга тушишига боғлиқ бўлиб қолган эди. Агар бу қўғирчоқ хайрли қўлларга тушса, илми хайр ишлар қилар, агар аксинча бўлса, турган битгани даҳшат эди-ки, бунинг оқибатини тасаввур қилиш қийин эмасди. Чарльз жиддий ўйлагач:

— Сиз штатларга кетишингиз керак?— деди қатъий.

— Қандай? Тобутдами? Бу каллакесарларни анойи деб ўйламанг. Улар менга осонликча жавоб бермайдилар-ку,— деди профессор.

— Бунни биламан! Сиз яхшиси бундай қиласиз. Машинангиз борми?

— «Ҳа, «Форд»им бор.

— Бўлмаса машинани мен миниб кетаман. Шаҳардан чиққач, мен машинани авария қиламан. Шундан кейин, албатта, сизни полиция маҳкамасига чақирадилар. Сизни олиб кетгани полициячилар келадилар. Сиз ҳеч қаршиликсиз улар билан кетаверасиз. Қолгани эса бизга ҳавола!

— Маъқул,— деди Берт.

— Яна бир савол. Айтинг-чи, циклотронга кириладиган махфий йўл қаерда?

— Шаҳар ташқарисида, «коммуначилар» яшайдиган баракларнинг бирида,— деди профессор.— Компас уларнинг баъзилари билан алоқа қилиб туради,— қўшиб қўйди Берт.

— Нима учун?

— Улар орқали мен билан алоқа боғламоқчи, шекилли.

Чарльз, Берт хатида нега «коммуналар»ни кўп тилга олганини энди тушунди.

— Ҳозирча ҳеч нарсаини ўзингиз билан олманг,— тайинлади Чарльз.

— Ҳисоб-китоб ёзилган дафтарларимниям-ми?— ажабланди Берт.— Ҳозирча йўқ! Ҳожати йўқ.

— Бўлмаса махфий жойнинг координаталарини мана шу ёндафтарчамга қайд этиб қўяман, ҳар эҳтимолга қарши.

— Майли! Фақат ўзингизга маълум белгилар билан бўлса, майли. Бу дафтарлар бегона одамнинг қўлига тушмаслиги лозим.

— Албатта, албатта,— деди Берт.

— Мен кетгач, машинангиз ўғирланганлиги ҳақида полицияга маълум қилинг.

— Айтганингиздай қиламан,— машинанинг калитини узатди Берт. Чарльз калитни олди.

Чарльз профессорнинг уйига кираётганида, бу уйни Компаснинг одамлари муттасил кузатаётганлигига амин эди. Шундай шубҳаси бўлганлиги учун, профессор билан учрашгач, дарҳол дераза олдига келиб кўчага кўз ташлади. Ҳақиқатан ҳам, жинси кўйлак ва шим кийган перулик нотаниш кимса кўчада бетоқат ер тепиниб, кимнидир кутар, қайта-қайта босиб чекар ва уёқ-буёққа бориб-келарди. Бу кузатувчилардан биттаси эканлигига Чарльзнинг имони комил бўлди. У профессорни хавф остига қўймаслик учун, ўзини ўғри қилиб кўрсатишга

қарор қилди. Шу пайт муюлишда саватини кўтариб олган Жонни кўринди. Нотаниш кимса Жоннига бир нима деб бақирди. Бақирдиқни эшитган Жонни саватни ташлаб, ҳаллослаб вилла томон югурди. Чарльз шоша-пиша қаршисидаги ойнаванд сервантни очди-да, қимматбаҳо япон вазасини қўлтиғига қистирди, сўнг бир-иккита қимматбаҳо нарсалар билан чўнтақларини тўлдирди-да, Бертга қўл силтаб:

— Оз-моз мизғиган эканман, уйни ўғри урибди, денг уларга,— дея ўзини эшикка урди.

Жонни ҳаллослаб дарвоза олдига етиб келган пайтда, ичкаридан қирмизиранг «Форд» ўқдай учиб, чиқиб кетди. Жонни «ҳайдовчи»ни бўралаб сўкишга улгиролди холос. Машина кўчани чаңгитиб, кўздан ғойиб бўлди. Ичкаридан Бертиниң, «ушла, ўғрини!»— деган ҳайқириги янгради.

5. ТУНДАГИ ҚОТИЛЛИК

Чарльз Мур ўлгудай чарчаб, меҳмонхонага етиб келганида, тунги соат ўн иккилардан ошиб қолган эди. У роса уйқу хумори қилиб келарди. Ҳақиқатан ҳам у бугун жуда чарчади. Профессорнинг машинасини «ўғирлаб» кетганидан сўнг шаҳар ташқарисига чиқди-да йўл четидаги ариққа ҳайдаб, машинани ағдарди. Узи бир амаллаб машинадан сакраб тушиб қолди, лекин машинаниң бутунлай абжағи чиқиб кетди. Кейин йўловчи машинага тушиб, шаҳарга қайтди. Сўнгра телефон орқали Нью-Йорк билан боғланиб, ФҚБ бошлиғига ўз ишлариниң бориши ҳақида ахборот берди. Бу орада агенти билан учрашиб, унга йўл-йўриқлар берди, профессорнинг уйини муттасил кузатинглар деб тайинлади. Кейин денгиз бўйидаги пляжга чиқиб кетди.

Пляжда Мур ёлғиз хаёл суриб юраркан, бугунги воқеаларни бирма-бир хаёлидан ўтказар, мантиқий таҳ-

лил қилар, аммо негадир бу воқеалар занжирга нима-
дир етишмас эди...

«Компаснинг мақсади нима? Зарядли бомбага эга бўлишми? Боринги, ана эга бўлди ҳам дейлик? Хўш, нима бўпти? Ахир, ҳозирги атом, водород, нейтрон бомбалари даҳшат солиб турган бир даврда зарядли бомба уларга нима учун керак бўп қолдйкин? Ахир профессор нима деганди? «Ҳар қандай шароитда, ҳар қандай элементдан бомба ясай оламан», дедими? Шошма-чи, агар шундай бўлса, бомба ташалмоқчи бўлган мамлакатга уни бевосита самолёт ёки ракета билан элтиб ўтирмасдан, жосуслик йўли билан шу мамлакатга бомба қисмларга ажратилган ҳолда олиб ўтилиб, кейин йиғиб, портлатилса ҳам бўлар экан-да?! Зилзилани айтмайсизми? Аломат! Энг муҳими, радиация деган балонинг ўзи йўқ экан. Ҳали, профессор: «Битта бомба ҳосил қилган ер силкиши билан Кубадай ёки Япониядай оролни ном-нишонсиз океан қаърига чўктириб юбориш мумкин»,— деятувди шекилли. Аммо, бари бир нимадир етишмаяпти...»

Чарльзнинг диққати ошди. Сигарет олиб тутатди. «Шу қирғоқдан нари борса беш, олти километр нарида, океан тагида ажал дунёга келаётганини мана бу хипча белларини кўз-кўз қилиб, чўмилиб юрган оймчалар билармикан?! Анови, улар атрофида парвона бўлиб юрган йигитлар-чи? Билишмайди. Ҳозирча ҳеч ким билмайди. Қачонки, вақти келиб, зарядли бомба портлаганида, ҳамма унинг даҳшатли қудратидан хабар топади. Лекин унда кеч бўлади. Бундай қудрат на атом, на водород, на нейтрон бомбада бор!»

Чарльз пляж кафесининг ёнидан ўтди. Кафе ичидан эстрада музикаси янграр, бир эркак испанча қўшиқ айтар, маст-аласт оломоннинг ола-ғовури эшитиларди. Чарльз йўлкага чиқиб олди. У йўлида давом этаркан, қаршисидан учта, ярим яланғоч қизлар чиқиб келардилар. Чарльз четланиб, уларга йўл берди.

— Жаноблари бу оқшомни лаззатли ўтказишни хоҳламайдиларми?— шўхроқ бир қиз тўхтаб, унга беҳаёлик билан тикилиб кулди.

— Миннатдорман, хоним,— Чарльз бамайлихотир жавоб қайтарди. Қолган иккиси ҳам тўхтаб, Чарльзга тикилдилар. Улардан бири:

— Жаноблари қони кўпирадиган ёшдан ўтган кўринадилар,— деб шарақлаб кулиб юборди.

— Тўғри топдинг,— деди Чарльз сансираб.— Чекинглар,— сигарет қутисини узатди у.

— У-ў, сигарета,— уч қўл баробар сигарет қутисига чўзилди.

— Хайрли кеч, хонимлар,— Чарльз йўлида давом этди. Хонимлар унинг орқасидан елка қисганча қолдилар.

«Компаснинг мақсади нима?»— бу муаммони ўйлавериб Чарльзнинг мияси ёрилай деди. Ўйлаш жонига теккач, соатига қараб хуштак чалиб юборди. Ун бир ярим бўлипти. Чарльз шошилиб, хиёбонни кесиб ўтдида, катта кўчага чиқиб, такси кира қилди. Меҳмонхонага келди.

«Уф», костюмини ечаётиб хўрсинди Чарльз. У ванна қабул қилмоқчи бўлиб, эндигина кўйлагини ечган эдики, телефон жиринглаб қолди.

— Чарльз эшитади,— трубкага тўнғиллади Чарльз.

— Бу мен,— астагина овоз келди трубкадан. Чарльз дарров Дишерни таниди. У Бертнинг уйини пойлаш билан машғул эди.

— Нима гап?— сўради Чарльз.

— Профессорнинг уйига икки нусха девор ошиб тушдилар.

— Нима? Кўп бўлдим?— қалқиб кетди Чарльз.

— Уч минутча,— Дишер жавоб берди.

— Кўп вақт ўтибди, кўп... Уларнинг диққатини тортадиган иш қилинг. Лоақал профессорнинг дарвозаси олдида баланд овозда қаттиқ-қаттиқ гапиринг. Мен ик-

ки минутдаёқ етиб бораман!— Чарльз хуноби ошиб, Дишерга тайинлади.

— Хўп, хўп,— аҳвол жиддийлигини сезган Дишер шошиб трубкини илиб қўйди.

Чарльз шоша-пиша кийинди-да, югурганича чиқиб кетди. Меҳмонхона хизматчилари қўлларини силкитиб, тентакларча чопиб кетаётган Чарльзга ажабланиб қараб қолдилар.

Хайтовур Чарльзнинг бахтига йўловчи такси учраб қолди. Чарльз таксига ўтириб, керакли жой адресини айтгач, ҳайдовчини қайта-қайта шоширди. Такси тобора тезлигини оширди ва қушдек учиб кетди.

Чарльз шахд билан такси эшигини очиб тушаркан, қаршисига югуриб келаётган хуфяси Дишерга кўзи тушди. Эшикни қарсиллатиб ёпди. Такси елиб кетди.

— Ичкаридами?— Уйга ишора қилиб сўради Чарльз.

— Ҳа, мана бу ердан ошиб тушишди.— Дишер деворни кўрсатди. Чарльз чўнтагидан тўппончасини олди. Дишер ҳам тўппончасини чиқарди. Чарльз бир сакраб, ўзини девор устига олди, сўнгра Дишер эҳтиётлик билан девордан ошди. Таниш ҳовли. Чарльз хуфясига, «изимдан юр», деб ишора қилди-да, эҳтиётлик билан пусиб, қумли йўлкага чиқиб олди. Унинг тишлари маҳкам қисилган, атрофга олазарак боқар, ҳар бир шарпага қулоқ тутарди. Уйга яқинлашдилар. Тўсатдан Чарльз Дишерга «жим» ишорасини қилди. Тинглади. Уй ичидан аллақандай бўғиқ хириллаш эшитиларди. Ногаҳон бир нарса тарақлаб кетди. Кейин шиша идишнинг «чил-чил» сингани эшитилди. Аллакимнинг сўкинган овози келди. Уй ичи нимқоронғи бўлиб, залда электр чироғи ёқилган, у пуштиранг шуъла билан биринчи қаватдаги, кираве-ришдаги хонани элас-элас ёритарди. Иложи борича овоз чиқармасликка уриниб, Чарльз икки сакраб эшик олди-да пайдо бўлди. Унинг жиноятчилар билан олишувга ўрганиб қолган вужуди сергаклашди. Уй ичида икки

олам деярли шивирлаб гапиришар эдилар. Чарльз эшикка қулоғини босди.

— Тугатдингми?!— шипшиди биров, испанчалаб.

— Соб бўлдиёв,— иккинчиси жавоб қайтарди. Чарльз бир қадам чекиниб бўйнини ичкари тортиб, тиззаларини букиб турди-да, ўзини жон-жаҳди билан эшикка отди. Унинг гавдаси ҳавода ярим айлана ясаб, икки оёғининг товони эшикка зарб билан урилди. Эшик ланг очилиб кетди. Чарльз акробатик сальтонинг тезлиги туфайли ўмбалоқ ошиб тушди-да, эпчиллик билан сакраб, тик туриб қолди.

— Қўлингни кўтар!— деб қичқирди босқинчиларга. Чарльзнинг хонага яшиндек отилиб кириши икки босқинчини эсанкиратиб қўйди. Аввалига улар нима воқеа рўй берганлигини англаб улгуришмади. Аммо улардан бири шошиб Чарльзга қараб ўқ узди. Чарльз эпчиллик билан сервант қаршисидаги эман столининг орқасига сакради. Босқинчининг ўқи хато кетди. Шу пайт Чарльз билан изма-из кириб келган Дишер ўқ узган босқинчига жавоб ўқи бўшатди. Босқинчи «их» деди-ю, «гуп» этиб қулади. Иккинчи босқинчи эса, аҳвол танглигини кўргач, ўзини деразадан отиб, урра қочди. Чарльз қочоқни қува кетди.

Азбаройи тез чопганидан Чарльзнинг нафаси тикилиб қолай деди. У юзларига урилаётган пальма шохларига эътибор бермас, йўлкани кесиб ўтиб, чимлар ва гулларни топтаганича, қочоқни қуварди. У қочоқни деворга чирмашган пайтида қувиб етди ва чап оёғидан маҳкам ушлаб олди. Қочоқ додлади-ю, орқага ағдарилиб тушди. Чарльз ҳам қочоқнинг оғирлигидан мувозанатини тутиб туролмай, думалаб кетди. Бироқ у вақтни ўтказмасдан, ўзини ўнглаб, ўрнидан турди. Қочоқ ҳам перуча талаффуз билан испанчалаб сўкинди-да ўрнidan «дик» этиб турди. Дақиқалар ичида Чарльз унинг қўлида бир нарса «ярақ» этганини хиёл англаб қололди. Қочоқнинг қўлида ҳиндуларнинг кўҳна ханжа-

ри ялтираб кетди. Қочоқ тишларини ғижирлатди-да, Чарльзнинг кўкрагини мўлжаллаб, ханжар солди. Бироқ қочоқнинг ханжар тутган қўли Чарльзнинг бақувват билагига тақалди ва ханжар мўлжалдан четланиб, ҳа-вода муаллақ туриб қолди. Зум ўтмай босқинчининг қўлидан ханжар учиб тушди. Чарльз ўнг тирсагини ҳисл эгиши билан қочоқнинг ўзи ҳам оёғи остига қулаб тушди-да, афтини буриштириб инграб юборди. Чарльзнинг иккинчи зарбаси қочоқни бутунилай ерга қапиштирди. «Баракалла сенга»,— ҳар бир оператив ишдан сўнг, жиноятчини яккама-якка олишувда енггач шу фикрни хаёлидан ўтказарди Чарльз. У ФҚБдаги энг яхши каратэчилардан ҳисобланар, ҳозир ҳам унча мураккаб бўлмаган усуллар билан навбатдаги жиноятчини маҳв этган эди. Бир тутам нур қоронғуликка сочилиб кетди. Чарльз ўгрилди. Уй ичида чироқ «ялт» этиб ёнди. Чамаси чироқни Дишер ёққан бўлса керак. Чарльз қочоқ тепасига энгашди-да, испанчалаб — «тур»— деди қатъий. Қочоқ инқиллаб, туриб ўтирди ва туфлади. Чарльз унинг афтига разм солди. Гарчи унинг юзи қоронғуда яхши кўринмаса-да, башарасининг қанақалиги шундоққина билиниб турарди. «Юзи ёрилган»,— хаёлидан ўтди Чарльзнинг. — Олдимга туш!— инглизчалаб деди Чарльз.

Қочоқ гандираклаб ўрнидан турди ва бошини ҳам қилганича итоаткорлик билан аста одимлай бошлади. Чарльз унга тўппончасини ўқталганича ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмай таъқиб этарди. Уйга кириб келдилар. Чарльз кундузи ўзи келиб, профессор билан суҳбатлашган, энди эса чироғи ёқилиб, ҳамма буюмлар тартибсиз сочилиб ётган хонани дарров таниди. Кўзи профессорга тушди. Профессор ўз жойида, креслода ўтирар, оёқлари узалиб, боши бир тарафга қийшайиб, осилиб қолган. Унинг бўйшига боғланган ингичка сим чилвирнинг бир учи пастда осилиб, силкиниб турарди. Афтидан қотиллар профессорни шу чилвир билан бўғишган, шекилли. Унинг юзида беҳад азоб акс этиб ту-

рар, икки қўли билан кресло тутқичларини чангаллаб олганди.

— Тирикми?— сўради Чарльз. Дишер «йўқ»— дегандай бош чайқади. Чарльз кресло ёнига келди ва профессорнинг юзини чойшаб билан ёпгач, Дишерга ўгрилди.

— Уйни бир карра текширувдан ўтказмоқ керак.

— Ҳозир, бир минутга — деди Дишер қочқиннинг қўлига кишан солар экан. Сўнг: «Мана бу ерга ўтир!»— деб тутқунни итариб юборди. Гандираклаб кетган тутқун Чарльз оёғи билан суриб қўйган стулга тушқун ўтирди. Чарльз ҳам ўтирди. Дишер эса йўлакка чиқиб кетди.

Чарльз шошмасдан бамайлихотир қочқинни бошдан-оёқ кузатиб чиқди. Тутқун афтидан ҳиндулардан бўлса керак, унинг қирра бурни ва чақноқ кўзлари, қизғиш териси шундан далолат берарди.

— Аймарамисан?¹ — сўради Чарльз.

Тутқун, «ҳа», деб бош силкиди.

— Компас шайкасидан эканлигинг менга маълум. Сени сўроқ қилиб, вақтимни бекорга ўтказиб ўтирмайман. Бари бир сўраганим билан Компаснинг қаердалигини менга айтмайсан, ҳатто унинг қаердалигини билмайсан ҳам. Аммо сенга ҳеч қандай раҳм-шафқат ҳам, имтиёз ҳам ваъда қилмайман. Лекин виждонан, умрингда бир маротаба виждонан айт! Эҳтимолки шундай имконият сенда бошқа ҳеч қачон бўлмас! Кўзларимга қараб айтчи, нима учун профессорни ўлдирдинглар?— Чарльзнинг ўтли нигоҳига дсш беролмаган тутқун, бошини эгди. Билинар-билинемас титради. Чарльз жавоб кутар, аммо тутқун жим ўтирар, сўйлашга истаги, тўғрироғи ҳоли йўқдай эди. Чарльз тутқуннинг қалбида андиша ва ўт-

¹ Аймара — Перуда яшайдиган ҳинду қабиласининг номи.

ган: умрига ачишиш каби ҳиссиётлар тугён ура бошлаганини сизди.

— Нима ҳам дердинг, йигит. Умрингни-ку, қора қилишлар билан роса бўягансан. Энди умрингда, эҳтимол бир бора эзгу иш қилиш пайти келганида уни ҳам лақ-малик қилиб, бой бериб ўтирибсан-а! Ҳайф сенга! Тур!— бақириб юборди Чарльз. Тутқун чўчиб ўрнидан турди ва маъюслик билан Чарльзга боқди. У, йиғларди... Кўз ёшлари чала ўсган соқолига думалаб тушар, лаблари титрарди. Тутқуннинг қалбидаги тугёнли ҳислар жумбушга келди. Ногаҳон унинг кўксидан ўтли ўкирик отилиб чиқди-да, у ўзини полга ташлаб, хўнграб юборди. У мук тушганича полда думалар, кийимларини тишлаб йиртар, ҳиндуча алланималар деб қичқирарди. Дишер шошиб хонага кириб келди. Чарльз эса бамайлихотир тутқунни кузатиб турарди.

— Сув бер!— деди Чарльз. Агент ойнаванд сервантини очди-да, ичидаги жўмракдан стаканга сув қўйиб узатди. Тутқун титроқ қўллари билан стаканни олди-да, сувдан бир хўплаб жим қолди.

— Гапирасанми ё?..— Чарльз совуққина сўради.

— Айтаман! Билганларимнинг ҳаммасини айтаман,— деди тутқун.

— Ҳозирча биргина саволимга жавоб бер! Қолганларини тегишли жойда айтасан. Нима сабабдан профессорни ўлдирдиларинг?

— Мана бу учун,— кўйлагининг ўнг чўнтагига ишора қилиб деди тутқун.

Чарльз ва Дишер бир-бирига кўз уриштириб олдилар. Дишер ошиғич тутқуннинг чўнтагини титкилади. Сўнг унинг чўнтагидаги нарсани Чарльзга узатди. Бу профессорнинг сариқ муқовали ёндафтарчаси эди. Чарльз дафтарчани таниди. Унга бу дафтарчани эрта-лаб, профессорнинг ўзи кўрсатганди. Берт, айти шу дафтарчага назарий ҳисоб-китоблар яширилган жой

координаталарини шифрли хат билан ёзиб қўймоқчи эканлигини Чарльзга шама ҳам қилиб қўйган эди.

У дафтарчани олиб очиб кўрди. Бутун бир дафтарчада тўрт сатр ёзувгина бор экан. Бошқа бетлари топтоза, ҳеч нарса ёзилмаган. Чарльз ажабланимади. У кўп йиллик тажрибасида ҳар хил воқеаларни кўравериб, кўзи пишиб кетган, бу ёзувнинг шифровка эканлигига имони комил эди. Чарльз ёзувни яна бир бор чироққа тутиб қаради. Оддийгина маъносиз хат. Тўрт сатр инглизча сўз! У сўзларни пичирлаб ўқиди. «Гугурт. Ёниши чиройли. Олтин — Қиммат. Реакция! Оқтош. Улкан сув! Катализатор? Кактус сайрайди... 14, Эгизак, 12—И! Японча «Нага», «Дум» Демакдир, Хўроз Думдор-25 метр!»

Қалити қаерда экан шифровканинг? Берт айтган бомбанинг назарий ҳисоб-китоблари ёзилган дафтар сақланаётган жойнинг координаталари бу!— унинг хаёлидан шу фикр ўтди. У осойишта ўрнидан турди.

— Кетдик,— деди Чарльз.

— Полициягами?— сўради Дишер.

— Албатта, Хэмга, прокурор Хэм Жонсонга ҳам қўп-ғироқ қилишимиз керак.

Чарльз эшикка йўналди. Тутқунни олдига солиб Дишер ҳам уйдан чиқди.

— Айтмоқчи, Жонни қаерда?— сўради Чарльз хизматкорни эслаб қолиб.

— Ғойиб бўлишга улгурибди,— афсусланиб гапирди Дишер.

— Иш расво бўпти!— ҳуштак чалиб деди Чарльз.

— Машинамни париги кварталда қолдирганман, муюлишдан ўтиб, тўрт юз метрлар чамаси юрсак етамиз,— эслатди Дишер.

— Яхши,— деди Чарльз. У ҳозир бошқа нарсани ўйлар, фикри-зикри шу ўй билан банд эди. Чарльз қотиллик юз берган жойга полиция чақирмади. Қотиллардан бирини қўлга туширди, аммо қолган ишга перулик ҳа-

камларни аралаштиришни истамади. Уртадаги янги яратилаётган бомба масаласи уни полицияни чақириш фикридан қайтарди. У, аввал, тутқунни ўзи сўроқ қилиб, паст-баланд гаплардан имкони борича хабардор бўлгач, сўнг уни полиция қўлига топширмоқчи эди. Бертнинг уйидан чиққач, Дишерга аста шипшиди: «Элчихонага ҳайдайсан!» Дишер бош силкиб, маъқуллади. Улар кўчага таниш кўк дарвоза орқали чиқиб кетдилар. Чарльз ҳар эҳтимолга қарши дарвозани қулфламади.

Шу аснода улар тун қўйнида ором олаётган Лима шаҳрининг сокин кварталларидан бирининг кўчасига чиқиб олдилар. Негадир Чарльзнинг кўнгли ғаш бўла бошлади.

— Етдикми?— сўради Дишердан тоқатсизланиб.

— Оз қолди, ҳув анови муюлишда,— кўрсатди Дишер ва қадамни хиёл тезлатди. Чарльз оғиз жуфтлаб ҳамроҳидан бир нарсани сўрамоқчи бўлган ҳам эди, узоқдан эшитилган машина шовқини бунга халал берди.

Муюлишдан бир автомобиль ўқдай отилиб чиқди-да, улар ёнига етганида тезлигини хиёл пасайтирди. Чарльз ажабланиб, ҳушёр тортди, Дишер безовталаниб Чарльзга қараб қўйди. Фақат тутқунгина машинага бепарво орқа ўгирганича, йўлида давом этди. Машина йигирма метрлар чамаси ўтиб тўхтади. Чарльз чўнтагидаги тўппончасини чангаллади. Дишер орқасига аланглади. Зум ўтмасдан машина тарафидан кетма-кет отилган ўқларнинг саси тун сокинлигига раҳна солиб ўтди.

— Ёт!— бақирди Чарльз, ўзини ерга ташлаб, тўппончасидан ўқ бўшатар экан. Дишер ерга қапишиб олди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ, тутқун, худди қоқилгандай мункиб кетди-да, бир зум муаллақ қотиб қолди. Сўнг қўллари иложсиз бир, икки силкитди-да, «гуп» этиб қулади. Нотаниш машина ҳайдовчиси қаттиқ газ берди-да, машинани елдириб ғойиб бўлди. Чамаси Чарльзнинг жавоб ўқлари унчалик мўлжалга тегмади шекилли.

— Эҳ, лаънати!— сўкинди Чарльз ва чопиб бориб

тутқун устига энгашди. У аллақачон жон таслим қилган эди. Уқ худди юрагига тегиб, танасидан чиқиб кетбди.

— Ана энди полицияни чақирishing мумкин. Бизга иш қолмади,— деди қон бўлган қўлларини артиб ўридан тураркан Чарльз. Дишер тишларини гижирлатди. Ён-беридаги уйларнинг бир-иккитасида чироқ ёнди. Чироқлар ёругида шарпалар гимирлай бошлади.

«Хато қилдим, катта хато қилдим. Узим мапшиқий далил ва исботларимга бир ҳалқа етишмаётганлигини яхши билад туриб, хатога йўл қўйдим. Нима учун профессорнинг уйига диктофон қўйилганлигини, «тиқ» этган товушни Компас эшитаётганлигини хотирамдан фаромуш этдим. Демак, ҳали профессор билан қилган кундузги суҳбатимиздан ҳам хабардор бўлган экан-да, маккор: Яна бир марта мени доғда қолдирди, аблаҳ...» — тишларини гижирлатиб, сочларини чапгаллаганича ўйлади Чарльз.

— Полицияга қўнгироқ қилаверайми? — Дишернинг саволи уни ҳушига келтирди.

— Ҳа, ҳа, фақат тезроқ,— шошилтирди Чарльз.

«Наҳотки Компас ҳамма нарсага эга бўлса? Назарий ҳисоб-китоблар-чи? Йўқ, йўқ! Ҳали бу ҳисоб-китоблар ёзилган дафтар турган жойнинг координаталари ёзилган ёндафтарча менинг қўлимда. Компас энди хоҳласа-хоҳламаса менинг олдимга келади. Қизиқ, дафтарчани менадан олиш учун яна қандай ҳийла ишлатар экан? Полиция протоколи! Полиция ҳозир етиб келади. Компас уларни аллақачон хабардор қилди. У лоақал мени ушбу қотилликда айблашга уриниб кўради. Ҳамма далил-исботлар ҳам менга қарши. Полициядаги овсарлар мени тинтув қилиб, ёнимдан чиққан ёндафтарчанинг ичидagi ёзувлар билан протоколда қайд этишади. Мен дафтарчани бермаслигим керак!»

— Бобби,— агентини чақирди Чарльз. У эса қарши-

сидаги телефон автоматдан полицияга қўнғироқ қилолмай хуноби ошарди.

— Дарров ушбу номерга қўнғироқ қил!— Чарльз номерни айтди. Дишер терган номердан кўп куттирмай жавоб келди. Чарльз трубкани олди.

— Салом, Хэм, Чарльз гапираяпти. Ҳа, ҳа. Лимадаман. Уч кун бўлди келганимга! Хэм, дарров, эшитаяпсанми, дарров бу ерга етиб кел.— Чарльз ўзи турган жой адресини берди.

— Неча минутда етиб келоласан?! Етти минут! Кўп, жуда кўп! Тўрт минутда етиб кел, дўстим. Акс ҳолда кеч бўлади!

Узоқдан полиция автомобилнинг чинқироқ сирена-си эшитилди. Чарльз беихтиёр: «Келишди»,— деб юборди, сўнг трубкага бақирди:

— Хэм, улгурмадинг! Ҳозир бизни олиб кетишади!— трубкани илиб қўйди Чарльз. Унинг жуда хуноби ошди. Бу орада етиб келган полиция машинаси тўғри улар олдига келиб тўхтади. Машина эшиги очилиб, ёшгина сержант сакраб тушди. Сержант иккаласига димоғдорлик билан назар ташлаб, честь берди-да, деди:

— Жаноблар, қамоққа олидинглар!

Олифта, ҳар бир сўзни чўзиб, урғу бериб талаффуз этадиган, ўзига жуда ҳам бино қўйган бу йигит, гўё буяук қаҳрамонлик кўрсатгандай қувонмоқда эди.

— Сизлар қотилликда айбланасизлар!— тантанавор қўшиб қўйди яна. Машинадан тушган полициячилар иккаласини ўраб олишди.

— Табриклайман, сержант,— деди истехзо билан Чарльз.— Бир илтмосим бор. Протоколга, ҳеч қандай қаршиликсиз қуроллари тошширди, деб ёзиб қўйсангиз.

— Лутфан ўз қўлим билан ёзаман,— кеккайиб жавоб қайтарди сержант. Полициячилар Чарльз ва Дишернинг тўппончаларини олдилар ва қўлларига кишан солдилар.

Бу пайтда Чарльз нигоҳини олисларга тикиб, яқинлашиб келаётган машина шовқинига қулоқ тутиб турарди. Яқинлашиб келган машина эса давлат прокурори Хэм Жонсоннинг машинаси эди...

6. ГҲЗАЛЛИК ВА ЁВУЗЛИК

Викторияни полиция бутун Перу бўйлаб тинимсиз қидираётган бир пайтда, у Мексиканинг кичик шаҳридаги яширин уйларнинг бирида сақланмоқда эди. Бу уй шаҳар ташқарисидagi тропик ўрмон ичида жойлашган бўлиб, бир паррандабоқар фермернинг номига қайд этилганди. Гарчи уй фермерга қарашли бўлса ҳам, фермернинг ўзи бу уйга бирор маротаба ташриф буюриш шарафига муяссар бўлган эмасди.

Виктория узоқ ухлади. У кун ёйилиб кетгандагина кўзини очди. Атрофга қаради-ю, сакраб ўрнидан туриб кетди. Виктория бу нотаниш хонани кўриб аввалига ҳайрон бўлди. Апил-тапил ўрнидан туриб қадам босиши билан эғнидаги кўйлагига қоқилиб, йиқилишига сал қолди. Унинг ҳайронлиги баттар ошди. Қимдир унинг кийимларини ечиб олиб, ўрнига аёлларнинг узун ич кўйлагини кийгазиб қўйган экан. Ичкўйлак хийла катта ёшдаги аёлга мўлжалланган бўлса керак, унинг энгларини шалвираб турар, қизча гўё кўйлак ичида йўқолиб кетгандек туюларди. Викториянинг ҳайрати баттар ошиб, атрофни кўздан кечира бошлади. Ораста хона, диван-каравот, рангли телевизор, полга асл гиламлар тўшалган. Синч сувоқ урилган деворларга ҳиндуларнинг қўрқинчли башаралари тасвирланган ёғоч паннолар осилган. Тунги хира чироқ диван-каравотнинг бош тарафида турибди. Уртада гилдиракли столча, ундан нарида катта тошойна. Тошойна тепасига яп-яланғоч, ярим илжайиб ўзига чорлаб турган хушрўйгина аёлнинг катта-кон расми осилган. Пастда эса электр совутгич.

Виктория қуёш нурлари тушиб турган дераза қарши-сига келди. Унинг кўзи чор атрофни ўраб олган ўрмонга

тушди. Викториянинг ҳайрати баттар ошди. У қайтиб келиб диванга ўтирди-да, нима воқеа юз берганини эслашга ҳаракат қилди.

Ҳозиргидай эсида турибди. Томми уни ажойиб музқаймоқ билан меҳмон қилмоқчи эди. Ҳатто, «бунақасини ҳали еб кўрмагансан»,— деб қасам ҳам ичди. Сўнг улар аввал автобусда кетишди, сўнг пиёда эгри-бугри кўчалардан узоқ юришди. Викториянинг бир кўнгли қайтмоқчи ҳам бўлди, аммо Томми «яқин қолди» деб ишонтирганидан сўнг ноилож унга эргашди. Дарҳақиқат улар кўп ўтмай бир кафега кирдилар. Уларни сермулозамат негр хотин кутиб олди. Афтидан кафенинг бекаси бўлса керак. Бека уларни ўтиришга таклиф этди. Дарҳол икки ликобчани тўлатиб музқаймоқ олиб келди. Виктория қошиқчани тўлдириб тотинганини биллади, кўз олди қоронғилашиб йиқилаётганини элас-элас эслайди. Сўнг нима бўлганини хотирлай олмади.

— Томмининг навбатдаги ҳазилларидан биримикан,— ўйлади Виктория. У Томми билан ҳазиллашишни ёқтирарди. Виктория шуни ўйлаб, шахд туриб эшик ёнига борди-да, эшикни ура бошлади.

— Томми, Томми, эшикни оч, Томми!— Бир оз кутди. Жавоб бўлмагач яна эшикни ура бошлади. Эшикнинг нариёғида қадам товушлари эшитилди. Қулф жиринглаб очилгач, эшикдан бесўнақай бир барзангининг гавдаси кўринди. Барзангига кўзи тушган Викториянинг дами ичига тушиб кетди ва чўчиб орқага икки-уч қадам тисарилди.

Бутун афтини соқол қоплаб олган, бошига увадаси чиққан сомбреро кийган — бундай қўрқинчли кимсаларни Виктория фақат кинолардагина кўрар эди. Бу кимсанинг ҳам кинодаги барзангиларга ўхшаб юзи беъмани, пачоқ бўлган бурнининг устини тер қоплаган, қуюқ қошлари остидан кўзлари ялтираб боқар эди. У Викторияга бир оз тикилиб тургач, бамайлихотир орқасига бурилди. Эшикни ярим очиқ қолдирганича хонадан чиқди, бамай-

лихотир телефонлар турган столнинг ёнига борди ва кимгадир қўнғироқ қилди. Виктория юраги бетламайгина эшикдан бўйинини чўзиб уни кузатди. Барзанги трубкани чап қулоғига тираганича ўнг қўли билан стол устидан ярни бўшаган шишани олди ва тиши билан тиқинини очди-да, шиша оғзидан қултиллатиб симирди:

— Алло, Блейк, сенмисан?— гўлдираган овоз билан сўради у.— Қушчаларинг уйғонди, ҳа, ҳа... ҳа,— йўғон ва ёқимсиз овоз билан кулди барзанги.— Учиб кетмайди. Хотиржам бўл. Ўзинг келасанми... Йўғ-е?! Шахсан ўзларими? Соат нечаларга?.. Олтиларга! Хўп, хўп, А! Неча доза? Икки? Бўпти икки доза морфий. Шеф бир кўнгиш хушламоқчи бўлибдилар-да. Ҳа, ҳа, ҳа... Морфий ўрнига ром берсам-чи,— шишани силкитаётган барзангининг гумбурлаган «қаҳқаҳа»си янгради. У ҳузур қилиб кулар, Викторияга кўз қирини ташлаб қўярди.

— Ҳарҳолда морфийдан кўра яхшироқ-ку. Ҳазиллашдим, айтганингдек қиламан,— барзанги трубкани илиб қўйгач, гурс-гурс юриб қайгадир чиқиб кетди. Икки минутлар ўтгач, қўлида стакан кўтариб кириб келди. Уни кўрган Виктория ўзини диванга отди-да, кўрпага бурканиб олди. У даф-даф титрар, айни пайтда қўрққанини барзангига билдирмасликка уринарди. Барзанги унинг тепасига келди-да:

— Манавуни ичиб ол, қушча,— деди. Виктория аста бошини кўрпадан чиқариб, барзангига тикилди. Барзанги бошини чайқаб, ишшайди. Унинг сўйлоқдек катта ва сариқ тишлари Викторияга жуда хунук кўринди. Қиз қўрққанлигини билдирмасликка уриниб, унинг қўлидан стаканини олди ва лабларига теккизди.

— Ичавер, ичавер, ҳеч нарса сезмайдиган бўласан,— унга далда бергандек гапирди барзанги. Унинг сўз оҳангидан сал дадиллашган қизалсқ кўзини чирт юмиб, стакандаги сувни ичиб юборди.

Виктория сувни ютди-ю, ижирганиб кетиб, қайт қилишига сал қолди. Сув шунақаям аччиқ ва бемаза эди-

ки, агар олдида барзанги бўлмаса қайт қилиб юбориши ҳеч гап эмасди.

«Энди ухла, дам ол, олдингда ҳали узун кеча бор!— барзанги ўгирилиб чиқиб кетди. Сўнг эшикни занжирлаб олди. Ҳеч нарсага ақли етмаган Виктория ёлғиз қолди. У ўн минутча мавҳум ўйлар оғушида ётди. Бора-бора уни ширин уйқу элита бошлади. Аста-секин кўзлари юмилиб кета бошлади. Сўнгра эса қотиб ухлаб қолганини ўзи сезмай қолди.

Виктория, қанча ухлаганини билмайди. У юзига тушган кучли нурдан уйғониб кетди. Кўзларини ярим очиб, электр чироғи ёниб турганини кўрди.

— Қанча берган эдинг?— нотаниш овоз эшитилди.

— Айтилгандай, икки доза,— барзангининг овози эшитилди.

— Аҳмоқ, кўплик қилади-ку!— нотаниш овоз қаҳрланиб гапирди.

— Узр, хўжайин,— деди барзанги.

— Сув сеп!— нотаниш овоз таҳдидли янгради.

Виктория юзи аралаш сепилган муздек сувдан бир сесканиб тушди ва кўзини очди. Тепасида барзанги ва яна бир мўйлов қўйган турқи совуқ нотаниш кимса унга тикилиб турганини кўрди. Виктория бошини буриб, дераза тарафга ўгирилди. Ташқарига аллақачон тун чўккан эди.

— Қушча, аҳволинг қалай?— сўради барзанги.

— Яхши,— истар-истамас жавоб қайтарди Виктория. Барзанги яна бир нарса сўрамоқчи эди-ю, аммо нотаниш киши унга «чиқиб кет»— ишорасини қилди. Барзанги итоаткорлик билан бош эгиб, таъзим қилди-да, чиқиб кетди. Нотаниш киши Викториядан кўзини узмасдан костюмини ечди-да, бир тарафга улоқтирди. Сўнг бориб тунлик заиф лампани ёқди ва шипда ёниб турган электр чироқни ўчирди. Хонага қоронғилик бостириб кирди, аммо бу қоронғилик ичра ғира-шира қизил ёруғлик милтиллаб турарди.

Нотаниш кимса Виктория ётган диван ёнига келди ва ўзини Виктория устига ташлади-да, қизнинг дуч келган еридан ўпа кетди. У, Викторияни юзи, кўзларидан тинмасдан ўпар, оғзидан виски ҳиди анқирди. Викториянинг нафаси қайтди, бақирмоқчи бўлган овози қўрқув ва ҳаяжон туфайли бўғзида қолиб кетди. У нозик қўллари билан ўзини ҳимоя қилишга тиришар, аммо нотаниш кишининг соқоллари юзига тикандай ботар, кучанар, аммо нотаниш кимсанинг тагидан чиқиб кетолмасди. У пайт пойлаб юзи томон чўзилган қўлнинг бармоқларидан бирини қаттиқ тишлаб олди. Нотаниш кишининг оғриқдан юзи буришиб, четроқ сурилди. Виктория апил-тапил, ҳансираб, унинг тагидан чиқди-да, ўзини дивандан пастга ташлади. Нотаниш киши эпчиллик билан унинг этагидан ушлаб олди. Зўр бериб олдинга интилган Викториянинг эгнидан ичкўйлак сирғалиб чиқди ва у яп-яланғоч кўйи туриб қолди. Сўнг унинг қаттиқ сиқилган тишлари орасида ҳазин фарёд отилиб чиқди-да, эшикка қараб югурди. Аммо барзанги ичказган морфий ўз ишини қилган, Викториянинг кайфи ҳали тарқаманганди. Унинг оёқлари ўзига бўйсунмасдан, майишиб-майишиб кетар, чаккалари лўқиллаб оғрир, кўзи тиниб, боши айланарди. Шундай бўлса-да, Виктория гандирак-лаб, қоқилиб-сурилиб эшикка етиб келди ва эшикни итарди. Э-воҳ! Бахтга қарши эшик ҳам занжирланган экан. Виктория эсанкираб туриб қолди. Нотаниш кимса ҳам ўрнидан турди ва сўкинди. Виктория яна қўрқа-писа орқасига қайтди, диван ёнидан қисилиб-қимтиниб четлаб ўтди-да, дераза қаршисига келди. Нотаниш кимса уни бамайлихотир кузатар, шошилмас, афтидан қизалоқнинг сал тинчишини кутарди. Виктория деразани итариб кўрди, аммо дераза очилмади, ҳатто рахлари қимирламади ҳам. Ногоҳ Виктория деразадан тушиб турган сутдек оппоқ бир тутам ойдинга рўбарў туриб қолди. Унинг гулдай нафис ва хипча қомати ойдинда яна ҳам жозибали кўриниб кетди. Яланғоч бадани сув-

да сузаётган сув парисининг баданига ўхшаб, ғоят гўзал эди. Катталашиб қолган кўкракчалари ойдинда латиф бўртиб турар ва борлиғига, беқиёс гўзал кўриниш берар, елкаси узра ёзилган қоп-қора сочлари унга янада фусункорлик бахш этгандай туюларди. Нотаниш киши ўрнидан турди. Виктория орқага тисарилиб, тошойнага бориб урилди. Сўнг эса тошойна ёнига беҳол чўккалади. Жажжи юракчаси аллақандай бир даҳшатни сезиб, ғужанак бўлиб олди. Нотаниш киши стол ёнига келди ва шишалардан биринчи очиб стаканга қуйиб ичди. Сўнг шошилмасдан, бир-бир босиб, Викториянинг тепасига келди. Икки қўлини чўзди-да, титраб ўтирган Викторияни аста кўтариб олди ва диван тарафга қараб одимлади. Ҳозирги аҳволда Виктория мушук панжасига тушган чумчуқ палопонига ўхшар, бечора дағ-дағ қалтирар эди. Тиллари калимага келмасди. Виктория фақатгина юзига урилаётган нотаниш кимсанинг қўланса нафасинигина сезиб турарди, холос.

Худди шу пайт қарсиллаган ўқ овози эшитилди. У томонга ялт этиб қараган нотаниш киши гурсиллаб йиқилди.

Эшик олдида... Том Пастер турарди...

7. ШЕРЛОК ХОЛМСНИНГ НЕВАРАСИ

Узини тақдирнинг эркатойи деб ҳисоблаб юрган Хэм Жонсонга бундай даҳшатли зарба жуда қаттиқ таъсир қилди. Гарчи у, тажрибали прокурор, нуфузли мансабдор бўлса ҳам, ҳаётнинг шундай аччиқ ва шафқатсиз зарбаларига ҳали сира дуч келмаганди. Зотан у эллик ёшлар атрофида бўлса-да, ҳалигача дунёнинг ишларига ойна ортидан қарагандай қараб келаётганини, аммо ойна олиб ташланса, унинг ортидан каттакон ҳарфли ҲАЁТ деган муаммо қайнаб, бижғиб ётганлигини илк бора юракдан ҳис қилди.

Хэм Жонсон истеъдодли прокурор эди, аммо у шу бутун ўтган умрида «ҳаёт» деган муаммони суд мажлисига монанд тасаввур этиб келди. У худога ҳам, омадга ҳам қаттиқ ишонар, ҳаёт ҳақида фикр юритар бўлса, кимдир жинояткор, кимдир айбсиз, кимдир айбдор, кимдир даъвогар бўлади, деган ақидага суянарди. Аммо жиноятчининг жиноятчи бўлишига сабаб бўлган омиллар ҳақида кўп ҳам ўйлаб кўрмас, бу ҳодисани тақдирнинг иши деб ҳисоблаб, айбдорга иложи борича оғирроқ жазо беришга ҳаракат қиларди. Бу билан у тақдир жазога мақбул кўрган кимсани жазолаб тўғри иш қилаяпман», деб ўйларди. Чунки Хэм ҳеч қачон мазлумлик нима эканлигини бошидан ўтказган эмасди. Унинг отаси Жон ўз турмушидан нолийдиган даражада камбағал эмасди. Мақтанадиган даражада бой ҳам эмасди. Пул топиш йўлини биларди. Унинг кундалик харажатлари камтарин бўлиб, оиласи ҳам бу қоидага қатъий амал қилиб яшаб келарди. Хэм ёшлигидан пулни тежаб-тергаб ишлатишни отасидан ўрганди. Гарчанд, отаси тежамкор бўлса-да, Хэм коллежни тугатиб, университетга ўқишга киргач, ундан пулини аямади.

Шу тариқа Хэм Жонсон муҳтожлик юзини кўрмай вояга етди. У университетни тугатгач, Перудаги балиқ овлаш ва экспорт қилиш концернининг хўжайини, миллионер Роуднинг ёлғиз қизи Маргаретга уйланди. Сўнгра эса, суд мажлисларида порлоқ ғалабаларга эришди. Орадан ўн беш йилча ўтгач, мистер Роуд ўлиб, унинг барча мол-мулки ёлғиз меросхўр қизи Маргаретга теккач, ишнинг кўзини биладиган Хэм Жонсон концернга хўжайинлик қилишни ўз зиммасига олди. Сал ўтмай концерн аввалгидан ҳам кўпроқ фойда келтира бошладди.

Хэм катталарнинг ҳурматини жойига қўйиб юриб, ниҳоят давлат прокурори лавозимига эришди. Мана ўн йилдирки, шу лавозимда, ўз таъбири билан айтганда «ўзининг камтарона хизматини бажо келтириб» юрибди.

Кабинетига ҳорғин кириб келган Хэм шляпасини ечиб, осғичга илди-да, иш столи тарафига одимлади. Сўнг креслога ўрнашиб ўтириб олди-да, қўлидаги папкани стол устига ташлади.

— Эдита, мени ҳеч ким сўрамадимми?— диктофонга қараб деди прокурор.

— Йўқ, жаноби Хэм, ҳеч ким! Ҳа, айтмоқчи, бир соатча олдин хотинингиз касалхонадан қўнғироқ қилган эдилар. Мен сизни парламентга кетганлигингизни айтиб, бир соатдан кейин қўнғироқ қилишни илтимос қилдим.

Эдита унинг ходими. Узун сочли, гўзал қиз. Хэм папкасини олди-да, стол устига қўйди. Азбаройи юраги қисилганидан папкани четга сурди ва чуқур «уф» тортди, бошини чангаллади, сўнг тирсақларини столга тиради. Шу тахлитда у тирсақлари оғригунча ўтирди.

Унинг ҳаётига катта доғ тушди. Бу ҳаётининг қувончи бўлган фарзандидан айрилиш доғи эди. Шу дамда Хэмнинг кўзига бутун дунё қоронғи кўринарди. У нима қиларини билмай, дераза орқали кўчага қаради.

Кўп қаватли бинолар жойлашган Лима шаҳрининг Симон Боливар проспекти айниқса тушга яқин одатдан ташқари қизиб кетди. Шу сабабдан бўлса керак, давлат прокуратурасининг маҳкамаси жойлашган бино қарама-қаршисидаги кичкинагина кафедра ҳам одамлар сийракка ўхшайди. Кафега кириб чиқувчилар деярли йўқ ҳисобида. Куннинг бундай иссиқ пайтида ҳамма ўзини соя-салқинга олади, ҳатто кўчаларда қатнов ҳам сийраклашиб қолади. Одамлар чет-четларда иссиқдан жон сақлашади.

Кафе қаршисига келиб тўхтаган енгил автомобиль деразадан ташқарини кузатиб турган Хэмнинг эътиборини ўзига тортди. Лимон рангидаги бу автомобилнинг олдинги эшиги очилиб, ундан бошдан-оёқ қора кийинган бир одам тушди. Кенг соябонли шляпа кийган бу киши сал букчайиброқ туриб, атрофни диққат билан кузатди. Унинг ўнг елкасида сезилар-сезилмас букриси бўлиб,

одатдаги тик туришида унчалик кўзга ташланмас, лекин юра бошласа унча-мунча сезиларди... Хэм унинг шундай чидаб бўлмайдиган иссиқда қора костюм кийиб олганига ажабланди. Сўнг бирорта роҳиб бўлса керак, деган фикрга келди. Бу орада нотаниш кимса маҳкама тарафга одимлаганини диққат билан кузатиб турди. Номаълум киши прокуратурага кириб кетди. Кўча юзида эса бошқа ҳеч ким кўринмади. Хэм нигоҳини ташқаридан узди. Жойига қайтди ва ўзини креслога ташлади. Яхшилаб керишди. Сўнгра столи ногора қилиб чала бошлади. Аввал испанча бир куйни чалди. Сўнгра яқинда эшитган ҳиндуча бир куйни чалиб кўрди. Бироқ оҳангини келиштира олмади. Бармоқлари оғриди. Бу машғулот ҳам жонига тегди.

Орадан беш минутлар чамаси ўтди. Хэм негадир ўз-ўзидан зерика бошлади. Унинг бирорта юмуш билан шуғуллангиси келди. Энди оғиз жуфтлаб, Эдитани чақирмоқчи бўлган эди, эшик очилди-да, Эдитанинг ўзи кириб келди. Жувоннинг юзларида ҳайрат аломатлари зоҳир эди:

— Сэр, қабулхонада бир кимса, ҳузурингизга кирмоқчи,— деди.

— Ким экан?!— сўради Хэм бамайлихотир.

— Изқуварман дейди, бирам ғалати-ей, бунақасини умримда кўрмаганман... Номи ҳам жуда ғалати экан. Том, ҳалиги Том... Том Пастер экан.

— А!— Хэмнинг қулоғига фақат, «Компас» сўзигина кирди-да, сесканиб ўрнидан туриб кетди.

— Ким... ким дедингиз?!— такрор сўради Хэм юраги патиллаб.

— Том Пастер!— дона-дона талаффуз билан деди Эдита.

— Том Пастер?! Ҳа-а-а,— ўзи ходимасининг ёнида ўринсиз ҳаяжонлангани учун ўкинганини яшириб ўтирмади Хэм. У ўз хизматдошлари назарида қаттиққўл ва жиддий одам бўлиб кўринар, тишининг оқини кўрсат-

масди. Хизматдошлари уни ҳаётнинг барча ачкиқ-чу-
чукларини кўравериб, пишиб кетган одам, деб били-
шарди.

— Марҳамат, кирсин,— деди жойига ўтириб Хэм.
Эдита таъзим билан чиқиб кетди. Бир неча сония ўтгач,
эшикдан қора костюм-шим кийган, кенг соябонли қора
шляпасини қўлига ушлаб олган — боя дераза орқали
кўринган кимса кириб келди ва таъзим қилди. Гўё эски
танишлардек:

— Салом, Хэм,— деди.

— Салом! Марҳамат, ўтиринг,— деди унга ажабла-
ниб тикиларкан Хэм.

— Миннатдорман,— нотаниш киши қаршидаги стул-
га чўкди. Утираётиб чор атрофга яхшилаб разм солиб
чиқди. Хэм ҳам унинг афт-башарасини яхшилаб кўздан
кечирди. Териси қуёшда қорайган бу кимсанинг юзи чў-
зинчоқ бўлиб, иягидаги кулдиргичлари аниқ кўзга таш-
ланар, оғзи катта эди. Айниқса, кулган пайтида оғзи-
нинг катталиги яққол сезилиб, оғзи гўё қулоқларига
етиб қолгандай туюларди. Бир текисда тизилган тишла-
ри ялтиллаб турар, бурни тўғри, ихчамгина. Кўк кўз,
қовоқлари текис, тез-тез чимириладиган қошлари ўзига
ярашарди. Нотаниш кимса атрофга яна бир маротаба
разм солгач:

— Мендан олдин икки изқувар келган экан-да, ҳузу-
рингизга,— деди қўққисдан.

— Тўғри,— деди Хэм,— аммо сиз буни қаердан бил-
дингиз?

— Бирининг исми Жон Смит, иккинчисиники Жозеф
Буль!

— Тўғри! Демак таниш экансизлар-да?

— Йўқ, йўқ, мен уларни танимайман,— деди Том
Пастер.

— Танимайсиз?— ҳайратланди Хэм.

— Ростдан ҳам танимайман. Мен уларнинг исмлари
ва адреслари ёзилган қоғозни ходимингиз Эдитанинг

столи устида кўрдим. Сиз уларнинг ҳар бирига, агар янглишмасам ўнг минг долларга чек ёзиб бергансиз,— деди яна у, Хэм ўтирган каттакон стол устини кўздан кечиран экан.

— Шундай, аммо буни қаердан билдингиз?— ажабланиб сўради Хэм.

— Янглишмасам, стилингизда чек дафтарчаси ётибди. Ундан икки варағи йиртилган... ёзиб берган доллар миқдорини ўзингиз қайд этгансиз, мана, икки марта ўн, яъни йигирма минг доллар,— деди чек дафтарчасига ишора қилиб.

Хэм Пастер кўрсатган тарафга ўгрилди. Ҳақиқатан ҳам у ерда чек дафтарчаси ётарди. Кеча кечқурун Хэм икки изқуварга ёзиб берган пуллар қайд этилган дафтарча ёнида турарди.

— Қизиқ, сиз уларнинг изқувар эканлигини қаердан билдингиз? Ахир учрашувимиз мутлақо махфий эди-ку!

— Эдитанинг сермулозамат, муомаласидан. Ходималар шикоятчилар ва идора ходимлари билан ҳеч қачон сермулозамат гаплашмайдилар.

— Жуда қизиқ, яна нималарни айтиб бероласиз?

— Сиз мени роппа-роса беш минут олдин роҳиб деб ўйлаган эдингиз. Деразадан тикилиб турганлигингизни кўргандай бўлувдим...

— Жин урсин, бу ҳам тўғри.

— Кийимим роҳибларникига ўхшайди. Айтинг-чи, электр устарагизнинг биринчи тегирмони яхши ишламайдми-а?!— деди Том Пастер.

— Тўғри,— деди Хэм ҳайратини яширишга уриниб.

— Эрталаб соқолингизни олибсиз-у, аммо озгина жойи чала қолган. Сиздай ораста юришни севадиган одам учун асло йўл қўйиб бўлмайдиган нарса бу. Шунга кўра электр устарагизни бир тегирмони яхши ишламас экан, деган хулосага келдим. Айтинг-чи, Маргарет хонимнинг соғлиқлари яхшими?— хотиржам сўради Пастер.

— Ие, бундан ҳам хабарингиз борми?

— Кўкрак чўнтагингиздан бир учи кўришиб турган касалхонанинг тўлов қоғозини кўриб, шу хулосага келдим. Бундай бахтсизлик юз берган пайтда аёлларнинг одатдаги ўрни касалхона,— деди яна Пастер.

Ҳақиқатан Хэм эрталаб хотинидан хабар олиш учун касалхонага ўтган, шифо ҳақи ёзилган квитанцияни шу ерда унга тутқазिशган. У эса чўнтагига бепарво солиб, идорага келаверган эди.

— Худди мен билан бирга юргандай гапириб берапти,— ўйлади Хэм хиёл кулимсираб. Столдан ҳали ҳам нигоҳини узмаган Пастер:

— Яна давом эттиришим мумкин. Сиз эрталаб узоқ ердан қайтиб келгансиз. Нонушта маҳали бир чашка сут ичгансиз, сўнг қоровул чолни, айтмоқчи, уй қўриқчиси қоровул чолнинг исми, янглишмасам, Жованни? (Хэм бош қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди)— Ҳа, Жованнини бир ёққа жўнатгансиз. Айтмоқчи, уйга келгач, оз-моз мизғиб олгансиз. Ошпаз кампирингиз сизни соат саккизларда уйғотган. Уйингизда Рекс лақабли овчарка итингиз бор!

— Сиз буларни қаердан билдингиз?— Энди Хэм ҳайратини яширолмади.

— Жуда оддий. Эрталаб узоқ ердан қайтиб келганлигингизни айтсам, шахсий папкангизда аэропорт багаж бўлимининг ёрлиғи бор. Ёрлиқда рейс ва самолёт номери кўрсатилган,— Хэм очиқ ётган папкасига қаради. Пастер тўғри гапирибди. Папка ичида қоғозлар аралаш-қуралаш бўлиб ётарди. Шунда папкани ҳали очиб қўли ишга бормаи ташлаб қўйганини эслади.— Шўнга асосланиб, узоқ ердан қайтгансиз, деган хулосага келдим. Нонушта маҳалда сут ичганлигингизга келсак,— Пастер Хэмнинг сатин кўйлагига ишора қилиб деди.— Кўйлагингизнинг юқоридан иккинчи тугмасининг ўнг тарафида зигирдаккина кўкиш доғ бор. Агар бу кофе қолдирган доғ бўлганида лойқаранг, қора бўлар эди. Шўнга

кўра эрталаб нонуштага бир чашка сут ичгансиз деган хулосага келдим.

— Хизматчиларимнинг номини қаердан биласиз, кеча уларга қандай топшириқ берганлигимни-чи?— қизиқиши тобора ортиб сўради Хэм.

— Аввало сизнинг папкангиз менга жуда яқин турибди. Папка ичидаги қоғозларни эса мен яққол кўриб турибман. Қоғозлар ичида кун тартибингиз ёзилган эслатма ҳам бор экан. Яна бир қоғозга кўзим тушди. Сиз ёзибсиз-ки «Жованни... гача бориб келсин!»— деб... Кун тартиби ёзилган эслатмада «Қоровул Жованни соат 16-да олдимга киради»— деган ёзув бор. Уни бир ёққа жўнатганлигингизга келсак, ушбу қоғозда бунга ишора бор.

— Мен уни бир танишимнинг уйига юборган эдим,— Пастернинг гапини тўлдирди Хэм.

— Аниқроғи, қоровулингиз Эльза хонимшикига бориб келган.

— Аммо мени оз-моз мизғиб олганлигимни, ошпаз хотин соат саккизларда уйғотганлигини қандай билдингиз?

— Кун тартибингизда, соат саккизда «нонушта»,— деб ёзилган. Нонуштани ётоқхонага олиб келишар экан.

— Итим борлигини қаердан билдингиз?— сўради Хэм.

— Дарвоқе, итингиз овчарка, у шу йил Лима шаҳридаги итлар мусобақасида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо бўйинбоғ билан мукофотланган. Ана, китоб жавонидаги бўйинбоғ ана шу мукофот бўлиши керак. Сиз бу мукофотни ифтихор билан жавоннинг энг кўзга кўринарли ерига қўйгансиз.

— Мени эрта билан ошпаз кампир кузатганини қаердан билдингиз?

— Илгарилари сизни хотинингиз ишга кузатган, бўлмаса ошпаз кампир папкангизга оддий қоғозларни,

уларга қўшиб кун тартиби ёзилган эслатмани ҳам солиб қўймасди.

— Буни ҳам тўғри топдингиз,— деди хиёл жилмайиб Хэм,— ишга келаётиб, папкани унутибман. Мени кузатиб чиққан ошпаз кампирга, физиллаб иккинчи қаватга чиқиб, папкани олиб тушинг, бирор муҳим ҳужжат эсимдан чиқмасин, деб тайинладим. Шўрлик журнал столи устида ётган барча қоғозларни папкамага тикиб, олиб тушиб бераверибди,— деди кулгу билан Хэм.

Пастер Хэмнинг кулгусига қўшилди.

— Ошпазнинг кампир эканлигини қаердан билдингиз,— дея сўради бир кўзини ишқалаб Хэм.

— Сиздай таниқли ва машҳур одамнинг хотини ёш ва чиройли аёлни уй хизматига олармиди,— ярим ҳазил, ярим чин билан жавоб қайтарди Пастер.

— Нима ҳам дердик, биз таслиммиз,— деди Хэм яна кулиб. Ишдан гаплашсак, жаноб Шерлок Холмс,— деди Хэм кўнгли ёришиб.

Пастер бу мақтовдан эриб кетди, бироқ дарров ҳушёр тортди. Нималарнидир чамалаб фикрлаб олгач, деди:

— Жаноб Хэм Жонсон, мен олдингизга холис дўст сифатида ташриф буюрдим, холос! Мен изқуварман! Вазифам жиноятчиларга қарши курашиш. Сиз ҳам шу мақсад билан яшайсиз. Демакки, мақсад бирлиги бор орамызда. Мен сиз билан контракт тузмайман, аванс олмайман. Аммо, қўлимдан келганича ҳаракат қилиб, қизингизни толиб беришга уриниб кўраман. Менинг мақсадим, жиноятга тарози бўлган сизу-биз каби одамларнинг шахсига жиноятчилар тажовуз қилар экан, адолат кучини, нималарга қодир эканлигимизни уларга яна бир карра кўрсатиш... Менинг инсонлик виждоним, бошингизга мусибат тушганини эшитиб, ҳузурингизга келишга ундади. Зеро, бошига мусибат тушган сиздек одамга ёрдам қўлини чўзиш ҳар бир эътиқодли одамларнинг бурчи эмасми? Шунинг учун сизга чин дилдан кўмаклашгани келдим!

Том Пастернинг дабдабали нутқидан кўнгли ийиб кетган тақводор Хэм ўрнидан гуриб келиб, унинг қўлини маҳкам қисди:

— Раҳмат, дўстим! Минг раҳмат,— деди меҳри тов-ланиб.

— Менинг сиздан битта илтимосим бор,— давом этди Пастер.— Аввало менга ўзингиз қатнашган ва шоҳиди бўлган барча суд ишлари билан танишиб чиқишга рухсат этасиз!

Хэм Жонсон меҳмонга савол назари билан тикилди.

— Шунинг учунки,— давом этди Пастер,— шу судланганлар ичидан бирортаси сиздан қасдини олиш мақсадида бу жиноятни уюштирган бўлиши мумкин. Бу ҳозирча тахмин,— деди Пастер.

— Ундай бўлса майли. Кейинги ўн йилликдаги барча суд ишлари видеоманитофон лентасига ёзиб олинган. Бу видеоплёнкалар маҳкамамининг махфий архивида сақланади. Мен сизга рухсатнома ёзиб бераман, истаган маҳалингизда уларни кўришингиз мумкин.

— Биласизми, жаноб Хэм, модомики жиддий ишни бошлар эканмиз, ишимизнинг натижаларини сиз-у менгига билсак мақсадга мувофиқ бўларди. Агар мумкин бўлса видеоплёнкаларни иккимиз учун ҳам умумий жойда кўрсак жуда соз бўлармиди,— деди Пастер. Хэм ўйланиб қолди. Ўзича ҳар хил мулоҳазаларга борди. Сўнг Пастернинг сўзини жўялик деб топди.

— Фикрингизга қўшиламан, азизим. Сизга ёрдам бериш ва сизга шароит яратиб бериш менинг вазифамгина эмас, бурчим, бўйнимдаги қарзим ҳам. Ваҳоланки, фарзанд меники. Демак, унда менинг уйимда кўрасиз бу плёнкаларни,— қатъий деди Хэм.

— Розиман, Хэм. Лекин уч кундан кейин олдингизга келаман. Барча маълумотларни жамлаб, қайта кўриб чиқишим, мантиқий далил ва исботларни излашим лозим.

— Сизни интизорлик билан кутаман, азизим,— бениҳоя эҳтиром билан такрорлади Хэм.

8. «ЛОЧИН» ПАРВОЗГА ЧОҒЛНАДИ

Улар хона четига қўйилган катта қизил диванга ўтирдилар. Баҳодир хонага жўз югуртириб чиқди. Иш столи, унинг устида қаламдон, ҳар хил қоғозлар тартиб билан тахлаб қўйилган, телефонлар...

— Оббо, сен-эй, хўш ишлар қалай?— сўради Павлов.

— Жойида, Борис Алексеевич,— деди Баҳодир.

— Хўш, «Лочин» қалай?

— Михдай, ишляпти. Оз-моз такомиллаштирдим уни.

— Бирор янгилик ўйлаб топгандирсан?— қизақиб сўради Павлов.

— Унчалик эмас. Фақат «Лочин»нинг ҳажмини кич-райтирдим холос. Энди уни бемалол битта чамадончага жойласа бўлади.

— Яхши. Бу яхши,— деди Павлов,— «Лочин», «Лочин»— зап исмини ҳам топибсанда-а? «Лочин» жуда зийрак ва чаққон қуш. Ундан ўлжаси ҳеч қочиб қутул-лолган эмас. Танланган рамзий исмда ҳам гап кўп,— ҳамон табассум билан боқарди Павлов унга.

Орага жимлик чўкди. Баҳодир ўзича гап нимадали-гини билолмасдан ҳайрон бўлиб ўтирарди. Аммо Павлов изоҳ бермасдан ўрнидан турди-да, стол олдига борди ва жиддий тусда давом этди:

— Олти кун олдин Перу давлат прокурори Хэм Жонсоннинг якка-ю ягона қизи Виктория Жонсон номаълум шахслар томонидан ўғирланибди. Буни гарблик журна-листлар «Европанинг ўғирланиши» демоқдалар. Газета-да ёзилишича, ўғирлик қандайдир Компас шайкалари-дан бири тарафидан амалга оширилган. Мана, Виктория Жонсоннинг фотосурати. У папкасини очиб, расми узатди.— Қидирув ишлари ҳозирча бирор-бир натижа бермади. Дарвоқе,— бирдан у сўраб қолди:— Перу дав-латининг биз билан ҳамкорлик ҳақидаги дўстлик шарт-номасидан хабарингиз борми?

— Амалий биология ва криминалистика илмий тадқиқот институтини кўзда тутаябсизми, ўртоқ директор?

— Баракалла, ўғлим. Шу институтнинг вакили Артур Кид, биздан бу жинойий ишни очишга ва Хэм Жонсоннинг қизини топишга ёрдам бериш учун криминалист-инструктор юборишимизни сўраб, илтимос билан муурожаат этди. Албатта, бу фавқуллодда илтимос! Бари бир, халқаро қонунларда кўрсатилган келишувга мувофиқ, биз ёрдам тариқасида криминалист-инструктор юборишимиз керак. Айтинг-чи, ўртоқ Баҳромов, «Лочин» бу ишда бизга қўл келармикан?

— Ўртоқ директор, «Лочин» учун бу иш ҳам бир синов бўлади,— «дик» этиб туриб, қаддини ғоз тутиб жавоб берди Баҳодир.

— Утиринг! Сизни айни шу мақсадда йўқлагандим. Сизни «Лочин» билан биргаликда Лотин Америкасига, тўғрироғи Перуга юборишни мўлжаллаганмиз.— Профессор Павлов сал ўйланиб туриб, қўшимча қилди:— Сиз — олимсиз, аммо ишингиз криминалистикага оид бўлгани учун жинойий-қидирув ишларидан хабардор бўлишингиз керак. Компас шахси ҳақида АҚШ, Бразилия, Перу давлат қидирув бюроларидаги каби бизга ҳам умуман ҳеч нарса маълум эмас. Компас, рамзий айтганда, «парда ортида» иш кўрувчи шахсдир. У жиноятларда бевосита иштирок этмайди. Лекин барча жиноятлар планини шахсан ўзи ишлаб чиқади. У ўзини шундай ниқоблаб олганки, кўпгина таниқли изқувар-криминалистлар уни бир одамми ё кўпчиликми, бу хусусда ҳамон бир фикрга келолмасдан бошлари гаранг. Унинг Бразилия, Перу, Колумбия, Мексика давлатларига йирик шайкалари мавжуд. Умуман айтганда, Компас шу давлатлардаги йирик жинойий ташкилотларни уюштирилган шахсдир. Шу жинойий уюшманинг «Перу бўлими» бошлиқларидан икки нусхагина маълум. Улардан бири,— Павлов папкасини очиб, иккита фотосурат чиқарди.— Антон Дрейк, лақаби «Елим», такси ҳайдайди,—

Павлов суратлардан бирини Баҳодирга узатди,— балогатга етмаган қизларни ўғирлаб сотгани учун ўн икки йилга қамалган. Қамоқдан муддати тўлмасдан бўшатирилган. Ҳозир ҳам шу касб билан шуғулланади. Унинг қўл остидаги қонунбузарлар Гватемала, Никарагуа, Сальвадор, Эквадор ва Колумбия давлатларидан ёш, гўзал қизларни ўғирлаб Мексикадаги, Қўшма Штатлардаги ва бошқа давлатлардаги фоҳишахоналарга сотиш билан шуғулланадилар. Бу эса Жерар Дункан, лақаби «Қуён», миллати француз, ашаддий контрабандист, наркотик ва олтин савдоси билан шуғулланади. Тўрт марта судланган. Икки марта қамоқдан қочган. Халқаро полиция тарафидан қидирилмоқда. Перуда бошқа фамилияда юради.

— Менинг боришимни у ердагилардан кимлар билишади?— сўради Баҳодир.— Тўғри Илмий тадқиқот институтига бораманми?

— Йўқ, сизни илмий доираларнинг вакиллари кутиб олишади. Буёғи келишиб қўйилган.

— Қачон учаман?— ҳаяжонланиб сўради Баҳодир.

— Эртага кечқурун. Москва вақти билан йигирма икки-ю, йигирма бешда!— деди Павлов.— Яна қўшимча маълумотларни ва ҳужжатларни ўртоқ Артемовдан оласиз,— қўшиб қўйди у.

Кейин ўрнидан турди-да, Баҳодирга бир нафас тикилиб тургач, меҳри товланиб, уни бағрига босди:

— Бор, ўғлим. Фанимиз обрўйини ўйла. Сенга омад тилайман!

9. НОТАНИШ ДИЕРДА

— Меҳмон қора қаҳвани хуш кўрадиларми ё...— инглизчалаб сўради Хэм Жонсон.

— Ҳарҳолда қорасини, перуликлар қора қаҳвани

хуш кўрадилар-ку,— жавоб қайтарди Баҳодир испанча-
лаб.

— Ие, испанчаниям биласизми? Ажаб! Мен сизни
фақат русча биледи холос, деб ўйлаган эдим.

— «Тангрим, ер юзида ишлар кўп чатоқ...» немис ти-
лида бир неча сатр шёър ўқиди Баҳодир.

— Гёте, «Фауст», Мефистофель монологи. Бу дей-
ман, азизим, полиглот чиқиб қолдингиз-ку. Яна қайси
тиллари биласиз?— сўради Хэм.

— Француз, итальян тилларини,— деди Баҳодир
хиёл кулимсираб.

— Шарқ тилларини ҳам билсангиз керак?— қизиқ-
синди Хэм.

— Ё азизий, кайфа ҳоликум?— деди Баҳодир.

— Нима дедингиз, яхши англай олмадим?— Хэм
ажабланиб деди.

— Мен арабчалаб, «Азизим, аҳволингиз қандай?»—
деб сўрадим.

— Арабчалаб? О, раҳмат, раҳмат,— қарсак чалди
Хэм.

Жинси костюм-шим кийиб олган, сочлари жингалак,
қора кўзойнак таққан бу йнгит, маҳаллий перуликлар-
дан деярли фарқ қилмасди. Фақат испанчани соф испан-
ча талаффуз билан гапришитгина унинг бу ерлик эмас-
лигига бир ишорадай туюларди. Чунки перуликлар ис-
панчани ўзига хос талаффуз билан гапирардилар.

— Испанчани яхши гапирар экансиз. Аммо, перуча
талаффузда унлиларни сал чўзиб, юмшоқ талаффуз қи-
лишингиз лозим... Умуман, бунга ҳожат ҳам йўқ! Акса-
рият инглизлар ва америкаликлар испанчани сиздек то-
за гапиролмайдилар,— олқишлаган бўлди Хэм.

Орага сукунат чўкди. Баҳодир қаҳвадан ҳўплади.

— Айтнинг-чи, жаноб Баҳромов, илмий-қидирув иш-
ларини қандай олиб бормоқчисиз?— орага чўккан жим-
ликни бузиб деди Хэм.

— Қидирув ишлариними? Жуда оддий. Изқуварлик

соҳасида менинг усулим содда, — деди хиёл жилмайиб Баҳодир.

— Ҳар бир криминалистнинг ўз иш услуби бўлади албатта. Гап бундай, азизим, ҳеч қандай меҳмонхонанинг ғамини еб юрмаймиз! Менинг вилламда тураверасиз. Мен хизматкорларга тайинладим. Улар қачон хоҳласангиз хизматингизга ҳозир-нозир. Айтмоқчи, — Хэм калит чиқариб стол устига қўйди, — хотинимнинг «Мерседеси» ихтиёрингизда бўлади. Ахир, қидирув ишлари билан кўп жойларга бориб келишингизга тўғри келади, ҳали.

Баҳодир бош чайқаб кулиб қўйди. Сўнг калитни олди-да, бармоқларига солиб айлантирди ва калитга тикилиб турди-да, деди:

— Айтинг-чи, жаноб Хэм, сиз илмий-оммабоп журналлар билан танишиб турасизми?

— О, албатта, «Курьер» журналини мунтазам олиб тураман. Фантастикага ишқибоз эдим.

— Шу журнал саҳифаларида телепатия, биомайдон каби сўзларга ҳеч кўзингиз тушганми?

— Ҳўш, хўш... телепатия?! Ҳа, ҳа, эсладим. Телепатия бу ғойибона билиш эмасми?

— Шунга яқинроқ!

— Магия ҳам телепатиями?

— Йўқ, у телепатия эмас.

— Телепатия... жуда ғалати...

— Мен сизга жуда қизиқ воқеани айтиб бераман. Бу воқеа ёз фаслининг жазирама иссиқ кунларида содир бўлганди. Бир эр-хотин ўз дам олиш отпускаларини денгиз соҳилида ўтказишга аҳд этадилар. Тўққиз яшар ўғилчаларини қариндошлариникида қолдириб, ўзлари соҳилга йўл оладилар. Кунлардан бир кун аёл денгиз бўйига келиб, узоқ вақт тўлқинларга тикилиб ўтиради. Бир вақт қараса, тўлқинлар қорайиб, сиёҳ рангига кираётгандай туюлади. Кейин бирдан кўзига ўзининг маҳалласи, уни ёнлаб оқиб ўтувчи, анҳор кўринади. Анҳор-

да бир гала болалар чўмилмоқда эдилар. Аёл чўмилувчилар орасида ўз ўғлини ҳам кўради. Бирдан сой тўлқинланиб, тўлқин аёлнинг ўғлини ўз қаърига тортиб кетади. Бунни кўрган аёл қаттиқ бақириб, беҳуш бўлиб йиқилади. Одамлар йиғилади. Ҳамма нима воқеа рўй берганини тушунолмай ҳайрон эди. Бир оздан сўнг ҳушига келган аёл юз берган воқеани сўзлаб беради. Йиғилганлардан кимлардир бу гапга ишонади, қайси бирлари эса ишонқирамай, елка қисишади. Эр-хотин шу кунидек, ўз юртига қайтиб келишади. Улар уйларига келиб, сал бўлмаса фожианинг устидан чиқадилар. Маълум бўлишича, худди шу кунни ўғиллари чўмилишга борган экан. У сойда чўмилиб юриб, тўсатдан оқиб кетибди. Хайриятки, яқин орада одамлар бор экан, улар боланинг жонига оро киришибди.

Прокурор Жонсон шунга яқин воқеаларни қачондир эшитгани ёки ўқиганини эслади.

— Қизиғи шундаки, аёл денгиз бўйида ўтириб, бу воқеанинг хаёлан гувоҳи бўлаётган пайтда, шу аёлдан минглаб километр узоқликда шу воқеа ҳақиқатда ҳам содир бўлаётган экан. Аёл эса сезги салоҳиятининг зўрлиги сабабли бу воқеани ўз кўзлари билан кўргандай бўлган. Тўғрироғи, биотўлқинлар қуввати орқали ҳиссий идрок этолган бу ҳодисани.

— Давом этаверинг, жуда қизиқ гаплар,— деди Хэм.

— Инсонни яратган доно табиат, унга кўпдан-кўп турли қобилиятларни ато этгандир. Шундай қобилиятлардан бири, инсон танасидаги биоэнергиядир. Бу энергия батамом, янги турдаги энергиядир. У моҳиятига кўра электр ва магнит энергияларига ўхшайди, деярли қариндош уларга. Аммо бир вақтнинг ўзида бу энергиянинг химик, физик, механик ва ҳоказо энергияларга айланишига нима дейсиз? Ғалати, жуда ғалати...

— Шундай бўлиши мумкин, аммо, айтинг-чи, жаноб Баҳромов, бундай энергия ростдан ҳам бор деб ўйлай-

сизми? Уни қурилмалар билан қайд қилиш мумкинми?— сўради прокурор.

— Улуғ юнон файласуфи Суқрот: «Оламни билмоқчи бўлсанг, ўзингни ўрган!»— деган экан. Албатта, мен бу энергиянинг мавжуд эканлигига ишончим комил!

Баҳодир шошмасдан уёқ-буёққа одимлаб, ҳали уйга кираётиб хизматкорга бермаган чамадончасини кўтариб орқасига қайтди. Чамадончасини қўйишга ўнгай жой излаб, атрофга разм солди. Хэм қаршисидаги китобжурнал столчасини қаршисига сурди. Баҳодир бош силкиб, чамадончасини столчага қўйиб, қопқоғини очди.

Хэм ўта қизиқиш билан чамадон устига эгилди. Унинг кўзи экран, уч ўлчовли фазода айланувчи лока-тор, кенг ва салмоқли таглик ва яна нафис ялтироқ симлардан ясалган ҳар хил чулғамларга тушди.

— Қачон ишлатасиз машинангизни?

— Агар яқин орада Виктория хонимнинг қон анализлари бўлса, шу бугуноқ дастлабки сеансларни ўтказаман!— деди Баҳодир.

— Қизимнинг қон анализлари? Албатта бўлиши керак. Ҳозир,— Хэм шошиб эшикка йўналди.

— Мабодо қизингизнинг қон анализлари бўлмаса, онасиники ҳам кифоя. Қон яқинлиги бизга тўқсон беш фоиз кафолат беришига аминман,— деди овозини кўтариб унинг орқасидан Баҳодир.

Хэм ҳовлиққанча чиқиб кетди. Унинг кўнглида ҳам умид пайдо бўлган эди.

Орадан бир неча дақиқа вақт ўтди. Меҳмон Хэмни анча пойлаб ўтирди, зерикди. У қандайдир қўшиқни хиргойи қила бошлади. Хэм қандай ҳовлиқиб чиққан бўлса, шундай тезкорлик билан қайтиб кирди. Шошилганидан бўлса керак, юзларида тер томчилари милтирарди.

— Мана, жаноб Баҳромов, бор экан, бор!— Иккинчи группа — анализлар ёзилган кўк қоғозни боши узра кўтариб силкитди у, сўнг илжайиб Баҳодирга узатди.

— Хўш, хўш,— қоғозга диққат билан тикилди Баҳодир. Кейин «Лочин» устига энгашиб, аллақерларини буради. Чийиллаган, шувиллаган овозлар хонани тутиб кетди. Сал ўтмай овозлар тиниб «тит-тит» деган бир меъёрдаги ғалати товуш янгради.

— Сеансга ҳозир киришасизми?— Баҳодирнинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб сўради Хэм.

— Ҳозир киришаверсам бўлади. Аммо бу ерда эмас...— Баҳодир гапини тугатолмади. Телефон жириглади. Хэм бориб трубкани кўтарди.

— Алло, Хэм Жонсон эшитади. Ие, не сизмисиз, азизим Том Пастер? Қайфиятларингиз қандай? Раҳмат азизим, раҳмат. Бемалол, бемалол... Видеоплёнкалар сизга мунтазир. Ҳозир келасизми? Кутаман!— трубкани илиб қўйди Хэм. Сўнг сўрамаса-да, Баҳодирга изоҳ берди:

— Изқувар бу киши. Кейинги йиллар ичидаги мен қатнашган суд ишлари билан танишиб чиқмоқчи. Том Пастер — изқуварнинг номи шунақа,— жиноятнинг калити бевосита шу иш натижалари билан боғлиқ деб ҳисоблайди.— Баҳодир маъқул дегандай бош силкиб қўйди.

— Жаноб Баҳромов, агар мумкин бўлса, сеансни эртага қолдирсак. Агар Том Пастер келса мен албатта ёнида бўлишим шарт,— илтимос оҳангида деди Хэм.

-- Бемалол, жаноб Хэм, эртага бўлса эртага-да,— бепарволик билан деди Баҳодир.

10. ҚАНОТИ ҚИРҚИЛГАН ОРЗУЛАР...

Эски Лиманинг тор кўчалари бўйлаб елиб келаётган жигарранг такси машинаси, бир дунё автомобиллар орасида айтарли кўзга ташланмас эди. Такси шарққа қараб йўл олди. Таксичининг мақсади аниқ, чамаси. Негаки, эски Лима туристлар билан тўла. Мўмайгина чойчақа ишлаб олиш мумкин. Чамаси, таксичи сал шошиброқ турибди: муюлишдаги светофорнинг сариқ чироғига ҳам

эътибор қилиб ўтирмади. Тезликни ошириб, машинани учуриб кетди.

Антон Дрейк (таксичини шундай деб аташарди) шошар эди. У кенг ва гўзал Плац де Альба майдонидаги Жоме собори олдида алоқачи билан учрашиши лозим эди. Учрашув соат икки яримга тайинланганди.

У пухта ишлашни ёқтирадиганлардан. Ҳар доим учрашув жойига вақтида етиб келарди. Атрофни обдон кузатарди. Шубҳали нарсани сезмагач, кейин алоқачи билан «боғланарди». Дрейк ўта маккор, илоннинг ёғини ялаган кимса. У хавф-хатар пайдо бўладиган бўлса, ўзига хос инстинкт билан дарров пайқар, учрашувдан воз кечар, бир зумда учрашув жойидан ғойиб бўлар, унинг изига тушишса, йўлини қилиб, таъқибдан силлиққина қутилиб кетарди. Дрейк ўзини айёр тулкига, қидирув бюроси ва полициячиларни ношуд тозиларга қиёслар, улар устидан киши билмас кулиб юрарди.

У машина тезлигини пасайтириб, Плац де Альба майдонининг кираверишида тўхтади. Унинг кўз олдида президент саройи, ёнламалаб қурилган муниципалитет бинолари салобат тўкиб турарди...

Дрейк, шубҳали ҳеч нарса сезмагач, машинадан тушди. Лимада ҳаёт ўз изида давом этарди. Ҳар ким ўз юмуши ва ташвиши билан банд.

Ҳеч ким унга парво қилмади. Бу айни муддао эди. Дрейк кўксини тўлдириб, чуқур нафас олди-да, хиёбон бўйлаб Жоме собори тарафига одимлаб кетди. Негадир, худди шу маҳал ёшлигини эслаб қолди. Аянчли хотира-лар қолганди унинг ёшлик пайтларидан.

* * *

Қунишиб, букчайиб қолган Ант пастки лабини қаттиқ тишлаб олган. Бадбашара ва қўпол негр Минну эндигина ўн тўққизга кирган қизнинг икки оёғидан маҳкам ушлаб турибди. Ромчи кампир қизнинг ҳомиладорлиги анча билиниб қолган қорнини зўр бериб эзғиларди. Қиз

жон аччиғида чинқирар, тўлғанар, бироқ кучли қўллардан чиқиб кетолмасди. Қизнинг кўзларидан дув-дув ёш қуюлиб келарди. Азбаройи кўп чинқирганидан қизнинг овози бўғилиб қолди. Оғзидан қон аралаш кўпик оқа бошлади. Ромчи кампир, аллақандай дуоларни ўқиб, жазавага тушиб бақирар, бу шовқин ертўланинг зах ва оғир ҳавоси билан бир бўлиб, ҳаммаси қизни гангитиб қўйди. Унинг кўнгли озиб, ҳушидан кетишига оз қолди. Қўллари бир зумга бўшашди. Озод бўлган қизнинг қўллари ярим айлана ясаб, ромчи кампирни қаттиқ туртиб юборди. Кутилмаган бу зарбдан Мача кампир ўмбалоқ ошиб думалаб тушди.

— Жувонмарг бўлгур, нега туртасан?— қўлларини пахса қилиб бақирди қизга у.

— Ахир оғрияпти, жуда оғрияпти — зорланди қиз.

— Айш-ишрат ширин эди-ку,— заҳарханда тиржайди кампир. Унинг шу туриши жирканч бир махлуққа ўхшарди. Ант ундан жирканиб кетиб, қиз тарафга ўгирилди. Ярим-яланғоч бадани беҳол, азоб ва чарчоқдан титрар, қорнигача кўтарилган ички кўйлаги қон уриб, уникиб кетган эди. Оппоқ сонларига юқиб қолган қон доғлари уни яна ҳам аянчли кўрсатмоқда эди.

— Ант, маҳкам ушла!— деди кампир. Антон Дрейкни ёшлигида эркалаб, шундай деб чақирар эдилар.

Мача кампир ўлакса устига ташланган қузғундай яна қизга ёпишди. Ертўлани яна оху-фарёд тутиб кетди. Кампир парво қилмай, ўз ишини давом эттираверди. Терга ботиб кетган қиз бор овозича чинқирар экан, пировардида овози тиниб, ҳириллай бошлади. Кампир баттар жазавага тушди. Кампир узун-узун бақувват бармоқларини қизнинг қорнига чуқурроқ ботирди. Ожизгина гавда энди тўлғана бошлади. Қизнинг чидолмасдан уёқ-буёққа ташлаётган боши «шилқ» этиб тушди-ю, қирирамасдан қолди.

— Ана бўлди!— мамнунлик билан қўлларини силкитди. Мача кампир. У пастга, деярли қон билан тўлиб

қолган тоғорага ишора қилди. Тоғорада эндигина гўдак шаклига кираётган, қип-қизил, тириь гўшт ётар эди.

— Бўлди!— яна таъкидлади кампир.— Ант, қўлимга сув қуюб юбор!— болага мурожаат қилди кампир. Ант қаршисида ётган жонсиз танага даҳшат билан тикилиб, қизнинг қўлларини қўйиб юборди. Қизнинг қўллари «тап» этиб, ертўланинг тош полига тушди. Беморда ҳаёт асари сезилмасди.

— Улиб қолмадимми?

— Бе, нега ўлади. Ҳушидан кетди, холос! Қиз бола-ни жони қирқта бўлади!— қўлларини сочиққа артаётиб, баралла гапирди Мача кампир.

— Хайрият,— енгил нафас олди негр Минну.

Ант уларнинг гап-сўзларини тинглар экан, бирдан ҳамма нарсадан ҳазар қилиб кетди. Ўзидан ҳам, ҳозиргина боласи туширилган бу қиздан ҳам, анави иккаласидан ҳам, бутун насли башардан жирканиб кетди. Гўё инсон бўлиб яшаётганидан ўзи уялаётгандай эди.

Ун икки яшар боланинг ягона эътиқоди ҳам, ягона худоси ҳам гўзаллик эди. У ҳар бир гўзал нарсадан чуқур таъсирланар, чексиз қувонар, бахтиёр бўлар эди. Ранг-баранг ва жимжимадор расмларни севар, гулларга сўнгсиз меҳри бор эди. Чиройли кийинган, келишган одамларга суқланиб боқарди. Ўзи эса, камбағал юк ташувчининг ўғли бўлиб, гўзалликни фақат хаёлида бунёд этарди. Ант ўзи ясаган қўлбола аквариумидаги ҳар хил гўзал балиқларга соатлаб термилиб ўтирар, ўзи ҳам шундай балиқчага айланиб, қараган кўзларни қувонтиришни жуда-жуда истар эди.

Унинг хаёли гўзалликка интилган бир оққуш эди-ки, юксакларга парвоз этиб, гўзалликка интиларди. Энди, шу оққуш мажруҳ бўлиб, пастга қулади. Гўзалликни маҳв этдилар. Оққушнинг қаноти синди.

Мача кампир «муолижа»га ёрдам беришга Антни чорлаганида, бола бу ёшгина хурилиқони кўриб жуда ҳайратланди. Қиз жуда гўзал эди. Жавдираб турувчи

оҳу кўзлар, камон қошлар, даъли лаблар.. қўйингки, табиат бу қизни яратишга яратиб, ўзи ҳам унга мафтуун бўлганга ўхшарди.

Гўзалликни олий хилқат деб билган Ант учун бу ғайри-муҳит дилига туганмас озор етказди. Қалбини мажруҳ этди. Дастлабига у, шундай нафис ва навниҳол сийнани қора мўнди қандай оғушига оларкин?— деб тасаввур этишга уриниб кўрди. Бироқ, тасаввурига сифдиролмади. Антнинг бола кўнгли бу гўзални қўпол ва турган-битгани қабоҳат бўлган бу махлуққа ҳеч ҳам раво кўрмади. Бироқ, бу гўзалнинг ўзи Миннунни излаб топиб, ҳожатини чиқаришини ўтиниб сўраганини, ялиниб-ёлворганини, бу борада ҳар нарсага тайёр эканини эшитди-ю, ҳафсаласи пир бўлиб кетди. Ичидан бир нарса узилгандай бўлди. Гўзал аёлларга нафрати беҳад ошди. Беш дақиқанинг ичида, гўё, қайтадан туғилгандай бўлди. Оққуш тубанликка қулаб тушди. Гўзаллик унинг назарида бўшлиққа айланиб қолди. Тфу, аёллар ўз гўзаллиги билан савдо қилсалар.

Кампир берган бир неча танга пулни қисимлаб кетар экан, унинг одамларга бўлган нафрати ошгандан-ошиб борарди. Ҳиссиётлари шу даражага бориб етдики, уйига келиб, сеvimли аквариумини синдириб ташлади. Балиқчаларни тўрт тарафга улоқтириб юборди.

Шу кундан бошлаб у одамови ва қўрс бўлиб қолди. Унинг қалбини мавжлантириб, титроққа солган бу илк ҳиссиёт қалбида мангу қолди. Муҳаббат ўрнини нафрат эгаллади. Одамзотга нафрат пайдо бўлди унда. Сал вояга етгач тирикчилик ташвишлари бошига тушди. Оғир ҳаёт, чидаб бўлмас даражадаги зулм уни жиноят қилишга ундади. Қисовурлик қилди. Қамалди. Қамоқда «ишбилармон кишилар» билан танишди. Уларнинг папоҳига ўтди. Қамоқдан чиққач, «ишбилармон кишиларнинг» маслаҳати ва йўл-йўриқлари асосида, «сердаромад» ишга қўл урди.

«Ишбилармон кишилар» Гватемала, Ангола, Конго

ва бошқа давлатлардан қизларни ўғирлаб олиб келиб, Мексика, Бразилия, АҚШдаги фоҳишахоналарга сотар экан. Дрейк ҳам кўп вақт ўтмасдан, бу «иш»нинг ҳадисини олди. Пировардида у шу шайканинг бошлиғи даражасигача кўтарилди. Унинг шайкаси Компас уюшмасининг ихтиёрида бўлиб, махсус жинсий йўл-йўриқларни шу уюшмадан олар эди. Ҳар бир ўғирланган қиз эса унга Мача кампир ертўласидаги воқеани эслатар, аёлларга бўлган нафрат туйғусини қайта қитиқлаб, юзага чиқарарди. У тобора бераҳм бўла борди. Ичкиликка берилиб кетди, ҳеч нарсанинг қизиғи қолмади.

Лимадаги хусусий такси эгаларига ўхшаб, бу шахс ҳам маъмурий органларда унчалик шубҳа туғдирмас эди.

Дрейк хиёбон бўйлаб одимлар экан, негадир шулар ҳақида ўйлаб борарди. «Нафрат, менинг нафратим жуда кучли,— ўкинч билан ўйларди у.— Ҳатто уйланомайман. Аёл зотини кўрсам, Мача кампирнинг «муолижа»хонаси хаёлимда гавдаланади. Йигирма йилдан бери мени шу хотирот тарк этгани йўқ. Эҳ, минг лаънат! Мен ҳатто нафратнинг ўзидан нафратланадиган бўлиб қолдим».

У хаёллари билан бўлиб Жоме собори ёнига келиб қолганини сезмади ҳам. Бирдан у ҳушёр тортди. Соатига қаради. Учрашув вақти бўлган эди. Учрашувга келадиган алоқачи қора тўр кўйлак кийган ва қўлига инглизча газета ушлаб олган бўлиши керак. Дрейк соборнинг жанубий тарафида турадиган, кўйлагининг ўнг тарафидаги, юқоридан учинчи тугмаси тўғрисида қора ҳошия билан ўралган бургут расми нишон таққан киши билан боғланиши лозим эди.

Бир гуруҳ туристлар соборнинг ёнига яқинлашдилар. Дрейк тўрт кўз бўлиб, чор атрофга олазарак разм солди. Бироқ алоқачиникига ўхшаш белгили одам кўринмади.

Ногоҳ: «Илтимос, мени кечирасиз. Бу сўзнинг маъ-

носи нима?»— деб англизчалаб сўраган овоз эшитилди. Дрейк ўгирилиб қаради. Қора тўр кўйлак кийган, қора кўзойнак таққан ёш йигит, ўнг қўлидаги англизча газетага чап қўл кўрсаткич бармоғини ниқтаб турарди.

— «Мен ҳаммасини яхши тушунмайман»,— англизча жавоб қайтарди Дрейк, унинг бургут расмли нишонига тикилганча.

— Худога шукур, ҳаммаси тўғри,— деди испанчалаб нотаниш йигит ва қўл узатди.

Дрейк астойдил унинг қўлини қисиб, саломлашди.

— Уч минутдан бери сизни кузатаман, ҳув анави ерда турувдим,— деди йигит кўзойнагини қўлига олаётиб. Дрейк шу тарафга қаради. Хиёбоннинг хилватроқ бурчаги экан. «Хаёл қурсин, агар полиция бўлса нима қилардим. Биров мени кузатармиш-у, мен сезмас эмишман!»— ўзи-ўзини яниб қўйди Дрейк. Ўгирилиб йигитчага тикилди.

— Ажабланыапсиз-а? Мен хитойликман. Исмим Тао Син. Танишларим мени Табуко деб чақирадилар,— бир текис тишларини кўрсатиб кулди Табуко.

«Ёқимтой йигит экан»,— кўнглидан ўтди Дрейкнинг.

— Мол эсон-омон етиб келдимиз?— сўради Дрейк.

— Хотиржам бўлинг, сэр. Ҳаммаси жойида!— ишонч билан деди Табуко.

Дрейк индамади ва бош ирғаб «кетдик» ишорасини қилди. Табуко итоаткорлик билан унга эргашди. Суҳбатнинг давоми машинада давом этди.

— Лимада кўп бўласизми?— сўради Дрейк.

— Ўн кунлар чамаси,— жавоб қайтарди Табуко.

— Анчагина экан,— бош силжиб қўйди Дрейк.

— Мен шефингиз билан учрашишим зарур. Менинг шефим Гонконгда учрашув натижасини кутиб турибди. Мен жаноб Компас билан учрашув натижаларини хабар қилишим керак,— деди Табуко.

— Компас ажнабийлар билан умуман гаплашмай-диям, учрашмай-диям,— деди Дрейк.

— Биламан. Аммо, сиз унга «профессор Берт иши» бўйича учрашмоқчи эканлигимни айтинг. Бизга профессорнинг дафтарчаси кимда ва қаерда эканлиги маълум.

Дрейк унга ҳайрат билан қараб қўйди ва ҳеч нарса демади. Табуко йўлда, хусусий меҳмонхоналардан бирининг қаршисида тушди.

— Менинг телефоним...— у номерини айтди.

— Сизни ўзим топиб оламан,— Дрейк шундай деб машинасига газ берди.

11. ЛОЧИН ҚАЛХАТ УЯСИНИ ТОПАДИ...

Баҳодир ишга жиддий киришди. «Лочин»ни созлади-да, Викториянинг биотўлқинларини бутун эфир бўйлаб қидира бошлади. Ўз ишини осойишта давом эттираётган бу йигит нимаси биландир Хэмга ёқди. Қамтарингина, сўзларни ҳам чертиб-чертиб талаффуз этади. Гапираётганида кулимсираб туради.

Хэм гапираётиб, қўлларини силкитиб гапирадиганларни жини суймасди. Бу одатни енгилтаклик ва беодоблик деб ҳисобларди.

«Лочин»нинг бир меъёрдаги «тит-тит»и эшитилди. Хона бўйлаб бориб-келиб юрган, беқўним Хэм дарҳол аппарат тепасига келди. Баҳодир унга бир қараб қўйиб, ўз ишини давом эттираверди.

— Тинчликми?— сабри чидамай сўради Хэм. Йигит «ҳа», дегандай бошини силкиди. Хэм яна бетоқатланди. Стол ёнига келиб, сигара олиб тутатди-да, яна қайтиб келди. Зум ўтмай хона тутунга тўлиб кетди.

— Жаноб Хэм, ёнимга ўтиринг,— Баҳодир аппаратнинг осциллограф экранидан кўз узмасдан деди. Хэм ёнидаги стуллардан бирини аппарат қаршисига суриб, стулга чўкди.

Экранда кўкиш доғ пайдо бўлди. Қатакчаларга бў-

либ чиқилган ойнаванд саҳнда беқарор кўкиш доғ, тартибсиз бориб келарди.

— Мен координаталар мурватини созлайман. Нуқта-нинг ҳаракати барқарорлашса шунга мос координаталарни харитадан топиб оламиз. Аппарат кўрсатган координатавий қийматлар, шубҳасиз, қизингиз яширилиб қўйилган жой координаталари бўлиб чиқади.

— Ҳали сиз, азизим, Викториянинг биотўлқинини тополдингизми?— ишонқирамай сўради Хэм.

— Ана шу кўкиш доғ донна Викториянинг биотўлқинидир. Агар қидирилаётган одам тирик бўлмаса, бу доғ экранда пайдо бўлмайди.

— Бошқа одамники бўлса-чи?

— Қон анализлари бор-ку! Электрон машинанинг янглишиш даражаси амалда нолга тенг.

— Демак, бу қизимнинг, ҳалиги, нимаси экан-да?

— Ҳа, бу қизингиз тарқатаётган биотўлқиннинг осциллограммаси. Бироқ, негадир нуқта барқарор турғунликка келолмаяпти. Қизиқ?!

Баҳодир аппарат устига энгашиб, мурватларини соzлай бошлади. Бироқ, у қанчалик уринмасин, нуқта турғунлашмас, ойнаванд саҳнда бориб-келиб, тартибсиз ҳаракат қиларди. Баҳодир терлаб-пишиб кетди. Нуқта ҳамон барқарор вазиятга келмасди. Баҳодир асабийлашди.

— Эҳтимол, аппарат бузуқдир,— унга ачинган бўлиб гап қотди Хэм.

— Бўлиши мумкин эмас,— ишонч билан деди Баҳодир.

— Сиз кўринг, яна бир маротаба кўринг!

Баҳодир яна уннаб кетди. Бироқ натижа ҳамон боянча эди.

— Эҳ, лаънатилар,— сўкинди Баҳодир.— Қизингизга маст қилувчи ичимлик ичказишган кўринади. Афюнми ё ароқми, хуллас...

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?— экранга анча тикилиб тургач, деди Хэм.

— Ўйлашгина эмас, аини ҳақиқат бу,— тобора асабийлашиб деди Баҳодир.

Хэм индамасдан нари кетди. Баҳодир қўлларини чалиштириб, яна экранга тикилди. Натижа ҳамон ўша-ўша эди. Орқадан Хэмнинг беҳаловат қадам товуши эшитилди.

— Биласизми азизим,— навбатдаги сигарани тутатар экан,— деди Хэм,— мен, техникангизга унчалик ҳам ишонмайман.

— Нега ахир, ўзингиз кўриб турибсиз-ку,— гап уқтиришга уриниб деди Баҳодир.

— Бари бир ишонмайман,— икки қўлини икки тарафга ёзиб юборди Хэм. Шу туришида у ҳам ожиз, ҳам нотавон эди. Баҳодир сукут сақлашга мажбур бўлди. Нимаям қилсин?

Хэм босиб-босиб чекарди. Назарида қаршисидаги йигит уни лақиллатаётгандай кўринарди.

Орадан беш дақиқа вақт кечди. Тўсатдан Баҳодир миясига келган фикрдан суюниб кетди ва Хэмга мурожат қилди.

— Жаноб Хэм, айтганингиздай, эҳтимол, қурилма яхши ишламаётгандир? Агар сизда яна бошқа одамнинг қон анализлари бўлса, аппаратнинг соз ёки носозлигини текшириб кўрардик.

Хэм «ялт» этиб ўгирилди. Бир оз тарадудланиб турди. Кейин индамасдан хонадан чиқиб кетди. Баҳодир ўнгайсиз аҳволда қолди. У Хэмни ранжиган деб ўйлади. Аппарат тарафга қараб жаҳл билан мушт дўлайтирди-да, яна стулга чўкди.

Хэм кирди. Унинг қўлида бир парча кўкиш қоғоз бор эди.

— Яхши эсимга солдингиз. Яқинда зарур қоғозларни титкилаётиб Чарльзнинг қон анализлари ёзилган маълумотномага ҳам кўзим тушгандай бўлувди... Чарльз қо-

зир Нью-Йоркда уйда бамайлихотир чой ичаётган бўлса керак!— қўшиб қўйди у яна ишонч билан.

Баҳодир қоғозни бафуржа кўздан кечирди. Сўнг халёлан нималарнидир ҳисоблади-да, электрон ҳисоблагич машинанинг мурватларини бураб, керакли рақам ва маълумотларни унга ҳавола этди. «Лочин» яна бир меъёрда ишлай бошлади.

Экранда ҳосил бўлган кўкимтир нуқта, энди аввалгидай беқарор эмасди. Тартибли йўналишда ҳаракатланиб борди-да, бир нуқтага бориб, барқарор тўхтаб қолди. Баҳодир осциллограф кўрсаткичига кўз ташлади-да, Хэмга:

— Марҳамат қилиб, менга харитани олиб берсангиз,— деди.

Хэм харитани узатди. Баҳодир харитани диққат билан кўздан кечиргач, деди:

— Дўстингиз Чарльз ҳозир Лимада!

— Лимада?! Бўлиши мумкин эмас. Агар у Лимага келса албатта мени хабардор этган бўларди,— деди ажабланиб Хэм.

— Лима шаҳрининг харитаси борми сизда?— унга эътибор бермасдан сўз қотди Баҳодир.

Хэм хиёл қовоғини солиб, индамасдан шаҳар харитасини узатди. Бу харитада ҳар бир уй, ҳар бир кўча, ҳар бир муюлиш алоҳида кўрсатилган бўлиб, одатда бундай хариталар туристлар учун ишлаб чиқариларди.

— Эски Лима, мана Плац де Альба майдони...— деди Баҳодир. Яна сўзида давом этди.— Ғарбга қараб маршрутни давом эттирсак, хўш, хўш, бу қайси кўча? «Унион»,— харитага яхшилаб тикилди Баҳодир — Ҳа, ҳа Унион кўча, 9-уй.

Хэм ишонқирамай, экранга тикилди. Экрандаги кўкимтир доғ, муаллақ қотиб турар, доғ ўрни маълум координата сонлари билан тенг эди. Баҳодир нигоҳини харитадан узиб, Хэмга мамнун тикилди. Ҳамон ишонч-

сизлик ўтида ёнаётган Хэм унга шубҳали бир қараш қилди, сўнг телефонга ёпишди.

Хэм телефон қоқди. Маъмурлардан, Унион кўчасидаги 9-уйда яшовчи шахснинг кимлигини билиб беришларини сўради.

Кўп кутишга тўғри келмади. Ярим соатча ўтар-ўтмас, Хэмнинг вилласи ёнида полиция машинаси тўхтади. Уйга кириб келган полициячи — ёшгина йигит Хэмга мухрланган конверт тутқазди. Полициячининг орқасидан эшик ёпилиши билан Хэм конвертни очди. Хатда қадимги ёдгорлик буюмлари билан савдо қилувчи Хосе Исидор Мартин деган шахснинг таржимаи ҳоли батафсил ёритилиб, фотосурати ҳам хатга илова қилинган эди. Хэм суратга бир қарашдаёқ унинг Чарльз Мурлигини таниди. Гарчи Мур, афти-ангорини ўзгартириб, грим қилиб олган бўлсада, уни таниб олиш унчалик қийин эмасди.

— Айтганларингиз юз фоиз тўғри! — хатни ўқимаёқ улоқтирди Хэм. Тўқима таржимаи ҳолини ўқиб ўтиришнинг ҳеч бир қизиғи қолмаган эди Хэмга. — Азизим, мен сиздан узр сўрашим шарт, — ўкинганнамо деди Хэм.

— Арзимамайди, бироқ биз эртагача, уйқу дорининг лайфи тарқагунча кутишдан ўзга иложимиз йўқ.

Хэм эътироз билдирмади.

Эшик тақиллади. Хэм кўзини очиб ижирганиб қўйди-да, яна кўзини юмди. Тақиллаш яна такрорланди. Хэм хўрсиниб, кўзини очди. Соатга қаради. Чораккам етти бўлибди. Ҳали вақт эрта...

У ҳар куни соат саккизда уйғонарди.

— Киринг, — эснаб деди Хэм. У уйқуси бузилганидан норози эди.

Эшик очилиб, енгил спорт кийимларини кийган Баҳодир кўринди. Хэмнинг кўзи калта енг кўйлагининг очиқ ёқаси остидан қуёшда қорайган Баҳодирнинг баданига тушди. Унинг мушаклари ҳам бўртиб кўринарди.

— Узр, жаноб Хэм, безовта қилганим учун. Дорининг кайфи тарқади. Зудлик билан сеансни давом эттиришимиз лозим!

— Ҳа, ҳа, мен ҳозир,— деди ҳарсиллаб Хэм, сўнг оғир бир сўлиш олиб, ўрнидан турди.

Хэм «Лочин» тепасига келганида, Баҳодир аллақачон аппаратни созлаш билан банд эди. Экрандаги кўкимтир нуқта энди беқарор ликилламас, секинлик билан экран марказига қараб силжимоқда эди.

— Ҳозир маълум бўлади,— ишонч билан деди Баҳодир. Нуқта яна силжиди. Баҳодирнинг қўли аппарат мурватлари устида куймалана бошлади. Аппаратнинг ёндош блоки ҳам ўз-ўзидан ишга тушди. Нуқта хиёл сурилди-да, барқарор қотиб қолди.

— Ҳаритани беринг,— осойишталик билан деди Баҳодир.

Хэм харитани узатаётиб, унга бир қараб қўйди. Баҳодир ҳамон осойишта эди. У нигоҳини харита узра йўналтирар экан, ўзича нималарнидир пичирларди.

— Қизингизнинг координаталари,— Хэм қулоғини «динг» қилди,— 89 градус ғарбий узунлик, 21 градус шимолий кенглик!.. Бу жой, харитага кўра, Мексикадаги Мерида шахри экан!— Баҳодир аниқ ва қисқа изоҳ берди.

— Сиз... шунга... аминмисиз?— юрагини чангаллаб деди Хэм.

— Лима полициясини оёққа турғазинг. Мексикадаги масъул давлат маъмурларини ҳам огоҳлантириш лозим,— йўл-йўриқ бера бошлади Баҳодир, унинг саволига эътибор бермай. Баҳодирнинг овози қатъий янграр, буйруқомуз эшитиларди. У Хэмнинг ортиқча туйгулар билан ўралашиб қолмаслиги учун, атайлаб шундай қиларди. Одатда иродали одамнинг буйруғи бошқаларни ҳам тетиклаштириб юборади.

Хэм дарҳол ўзгарди. Аввалгидай серҳафсала ва серҳаракат одам бўлди, қолди. У телефонга ёпишди. Поли-

цияга, сўнг ички ишлар министрлигига телефон қилди. Хиёл ўтмай ташқи ишлар министрлиги билан боғланди. Шахсан ўзи Мексикага учишга, Викторияни топиш ва қутқариш операциясига бош-қош бўлишга жазм қилди.

— Сиз ҳам мен билан кетасизми, азизим,— тавозе билан сўради Хэм меҳмонга эҳтиром билан қараб.

— Йўқ, жаноб Хэм. Мен аппарат олдидан жилмайман. Шундай қилиш зарур. Эҳтимол, Викториянинг жойи ўзгартирилар!— Хэмнинг қош-қовоғи осилиб кетди, бунни сезган Баҳодир тасалли берди.— Мен эҳтимол, деяпман. Шунинг учун ҳар бир минутда мен билан телефонда алоқа қилиб турасиз!

Хэм дарров рози бўлди.

Мерида шахрининг чеккасида жойлашган бизга маълум Компаснинг махфий уйларидан бирига етиб келган жиноят қидирув полицияси маъмурлари уйни тўрт тарафдан ўраб олдилар. Эҳтиётлик билан бу ҳалқа қисқариб, улар уйга бостириб кирганларида, уйдан ягона ўқ овози эшитилди. Бу барзангини ер тишлатган бояғи ўқ эди. Адолат суди анчадан буён излаётган бу кимса бари бир ўлим жазосига ҳукм этилган бўлур эди.

Хонада Виктория титраб, қунишиб ўтирарди.

Эшик олдида турган икки оперативчи Хэмга йўл бўшатди. Унинг кўзи, ҳилвираган сийнапўш кийган, рангги оппоқ оқариб, титраб ўтирган Викторияга тушди... ва юрагини чангаллаб, гандираклаб кетди-да, «шилқ» этиб қулади.

— Ҳушидан кетди!— испанчалаб деди департамент вакили, уни суяб қолар экан.

Хэм бошқа ҳеч нарсани эслай олмади.

12. ТАСОДИФИЙ УЧРАШУВ

Пласа де Армас майдонидан ғарбга юрсангиз, Унион кўчасига чиқасиз. Бу савдо дўконларига мўл кўчадир.

Кўча Сан-Мартин майдонига бориб туташади. Сан-Мартин майдонига Николас де Писрола номидаги катта магистрал йўлни кесиб ўтиб чиқилади. Майдон марказига авлиё Мартиннинг китоб ушлаб турган ҳайкали кўрк бағишлаб туради. Чор атрофдаги министрликлар бинолари, банклар, йирик отеллар, касалхоналар, энг йирик бино-маориф министрлигининг осмонўпар биноси Лиманинг эски меъморлик обидалари билан ҳамоҳанглик касб этиб, уйғунлашиб кетганди.

Одатдаги кунларнинг бирида Унион кўчасидаги 9-уйда ғалати савол-жавоб бўлиб ўтди. Улгуржи савдогар Хосе Исидор Мартин дўконига қора кўзойнак таққан, афтидан ажнабий бўлса керак, бир йигит кириб келди. Салом-алик, хушмуомалалик билан қилинган илтифотдан кейин, у асосий мақсадга кўчди:

— Юк ўз жойидами?— сўради йигит.

— Қайси бири?— сўради хўжайин.

— Сарик дафтарчадаги юк?— такрорлади йигит.

— Аммо сиз билан эмас, у билан учрашмоқчи эдим!— деди хўжайин.

— У келмайди! Ҳар қанча шаргингиз бўлса, менга айтаверинг!— деди йигит.

— У келмас экан, ҳеч қандай савдолашув ҳам бўлмайди бизнинг орамизда!— гапни чўрт кесди хўжайин.

— Усиз ҳам битирсак бўлар. Сиз фақат сотасиз-ку,— йигит ўз билганидан қолмай деди.

— Сотиш?! Фақатгина сотиш эмас-да. Менинг ҳам шартларим бор!— деди хўжайин кулимсираб.

— Менга айтаверинг,— хўжайин сукут қилди,— менга қаранг, сиз Федерал бюродан эмасмисиз?— йигит шубҳаланиб унга тикилди.

— Йўқ! Мен улар билан ҳамкорлик қилганман, холос. Ҳозир ҳам уларнинг таклифини ва шартларини етказишим лозим!

— Масалан?

— Айтайлик. У ҳам Федерал бюро билан ҳамкорлик

қилса бўлмасмикин?— хўжайин осойишта гапирди. Йигит жавоб бермади. Магазин ойнасидан кўчага тикилди.

— Сотсангиз маъқул бўларди, ҳарҳолда!— йигит яна таъкидлади.

— Афсуски, иложим йўқ,— меҳмонновозлик билан рад этди хўжайин.

Йигит бош чайқаб қўйди-да, таассуф билдириб, дўкондан чиқди. Ташқарига чиқиб, анча тайсалланиб турди-да, кейин бой хонадонлар яшайдиган Мифларос боғ кўчаси тарафига одимлаб кетди. У бепарво, ҳуштак чашиб йўлида давом этарди.

Агар йигит диққат билан атрофга разм солганида, кўк рангли «Мерседес»да уни анчадан бери кузатишаётганини сезган бўларди. Йигит қадамини тезлатиши билан машина тезлигини оширди-да, йигитни қувиб ўтиб, бир неча қадам ўтиб тўхтади. Машина эшиги очилди-да, ичидан Дрейк тушди:

— Хэлло, мистер Табуко!— деди дўстона табассум билан.

— Хэлло, мистер Дрейк!— илтифот билан таъзим қилди Табуко.

— Шаҳар айланасизми? Марҳамат,— машина эшигини очди Дрейк.

— Тўғри қиласиз! Мусофир одамга шаҳар айлапишнинг ўзи ажойиб гашт.

Табуко машинага чиқар экан, ичига разм солди. Машинада кўзойнак таққан икки нусха ўтирар эди. Улардан бири сурилиб, жой бўшатди. Табуко одатдаги хотиржамлигини бузмасдан машинага чиқиб ўтирди. Машина ўқдай учиб кетди.

— Қалай, Лима ёқдимми?— сўради Дрейк.

— Дуруст,— тишлари орасидан жавоб қайтарди Табуко.

— Эски ёдгорликлар билан қизиқар экансиз-а?— салмоқлаб сўради Дрейк.

— Дўконда қадимги чинни гулдонлар бор экан.

— Ҳеч нарса харид қилмабсиз,— унга қарамасликка интилиб деди Дрейк.

— Машинангиз эрталабдан бери мени кузатиб юрибди. Мен давлат хавфсизлигиданмикан деб ўйловдим,— чўрт кесиб гапирди Табуко.

— Уддабурон йигит экансиз,— кулимсираб деди Дрейк.— Тўғриси, биз сизни муҳофаза қилиб юргандик. Ҳар нарса бўлиши мумкин, ахир — қўшиб қўйди Дрейк яна. Табуко бош силтаб қўяқолди.

Машина елдек учиб борарди. Шаҳар орқада қолиб кетди. Машина океан қирғоғига чиқиб олди. Дрейк тезликни яна ҳам оширди.

Табуко деразадан қараб борарди. Океан қирғоғидан хиёл нарида, ташландиқ бараклар, эски уйлар кўзга ташланди.

— АҚ ҳақида эшитганмисиз?— тўсатдан савол берди Дрейк.

— АҚ? Йўқ эшитмаганман.

— Америка коммуналари ҳақида-я? Афсус.

— Америка коммуналари? Шошманг-чи... Ҳа, ҳа ўқигандай бўлувдим,— ҳайратланди Табуко.

— Биз ўша ёққа,— Дрейк пастга, бараклар тарафига ишора қилиб деди,—«коммуналар»га кетяпмиз!

Табуко бу сафар ҳам бош ирғиб қўяқолди. У АҚ ҳақида матбуотда чиққан мақолаларни ўқиган эди. Машина океан қирғоғига қурилган энг четки барак ёнида тўхтади. Улар машинадан тушиб ташландиқ баракка кирдилар.

Келганларни эллик ёшлар чамаси, тепакал бир киши қарши олди. Афтидан улар кирган уй, даҳлиз вази-фасини ўтаса керак, ҳар қандай дабдабадан холи эди. Учтагина стул — бу хонанинг бор-йўқ беазаги шундан иборат эди, холос. Жиккак киши ва Табуко бир лаҳза бир-бирига тикилиб қолдилар. Гўё бир-бирини яхшилаб ўрганиб олмоқчидай қарашарди.

— Марҳамат,— ўтиришга таклиф этди нотаниш киши. Дрейк, Табуко ва нотаниш киши ўтирдилар. Машинада бирга келган ҳалиги икки нусха қаршидаги эшикка кириб ғойиб бўлдилар.

— Миллатингиз нима?— сўради нотаниш киши.

— Хитойликман,— деди Табуко.

— Нинь до да суйшу?¹— хитойчалаб сўради нотаниш киши.

— Во эришу суй²— жавоб берди Табуко.

— Нинь ши найцзя³— сўради яна нотаниш киши.

— Во ши ушэньлунчъже⁴— жавоб берди Табуко.

Нотаниш киши унинг жавобларидан қониқди шекилли, яна испанчалаб гапиришга ўтди.

— Шефингизга қайси манбалардан маълум бўлган экан бу маълумотлар?

— Буни билиш менинг вазифамга кирмайди!

— Ҳа-я, мақсадга ўтайлик. Дафтарча кимда экан?— диққат билан унга тикилди нотаниш киши. Табуко пинагини бузмасдан тураверди. Нотаниш киши анча сукут сақлаб турди, сўнг Табуко дилидагини тушуниб деди:

— Айтмоқчи, ўзимни таништираман... Мен Компасман.

— Узингизни Компас эканлигингизни қандай тасдиқлайсиз?— сўради Табуко.

— Сиз умрингизда кўрмаган Компасингизни қандай қилиб танийсиз?— саволга савол билан жавоб қайтарди нотаниш киши.

— Шефимиз билан келишилган махфий номерлар бор. Мен ўз шефимнинг махфий номерини биламан! Компасникини ҳам,— деди Табуко.

— Яна нималар маълум сизга?

¹ Ешингиз нечада?

² Йигирма бешда.

³ Худога ишонасизми?

⁴ Мен худосизман.

— Менинг шефимдан Компас номига ёзилган махфий хат бор. Бироқ хатни фақат ўзи ўқиши лозим. Менинг шефимда Компаснинг дастхати мавжуд. Компас ўзи дастхати билан хатни ўқиганлигини тасдиқлаб ёзиб, менга қайтариб бериши лозим.

Нотаниш киши Дрейк билан кўз уриштириб олди. Сўнг иккаласи бирин-кетин ўрнидан туриб, ҳалиги икки нусха ғойиб бўлган эшикка кириб кетишди. Табуко ёлғиз қолди. Хонага яхшилаб разм солди. Оддий хона. Унг тарафдаги дарчани эътиборга олмаса, айтарлик диққатни тортадиган ҳеч нарса йўқ эди.

Орадан беш минут вақт ўтди. Табуконинг диққати ошди. Стул суюнчиғига ўзини ташлаб, яхшилаб керишди. Чуқур хомуза ҳам тортиб қўйди. Тўсагдан хонада чироқ ёнди. Эшик очилди-да, хонага Дрейк ва нотаниш киши қайтиб киришди.

— Унг тарафга, дарчага қаранг,— имо қилди Дрейк. Икковининг башарасига разм солган Табуко, улардаги аллақандай ўзгаришни пайқади.

— Салом. Маълум сабабларга кўра биз юзма-юз учраша олмаймиз,— хонанинг аллақаеридан овоз келди. Табуко атрофга аланглаб, дарча тагига усталик билан яширилган диктофондан овоз келаётганини тушунди. Дарча остида эса телекамера жойлашган экан. Буни у кейинчалик Дрейкдан сўраб билиб олди. Табуко дарча тарафга таъзим қилди.

— Миннатдорман! Хатни беринг!— овоз келди диктофондан.

— Махфий номерингизни айтсангиз...— деди Табуко.

— Ҳа-я, аввал сиз, сиз айтинг!— деди овоз.

— Олижаноб Будда, Етти!

— Тўғри! Меники, «Миср эҳроми. Пи тақсим етти».

— Тўғри!— деди Табуко.

— Хатни беринг.

Табуко, кўйлагини ечиб, ичидан хат чиқарди. Нотаниш

пиш киши хатни Табуконинг қўлидан олиб илтифот билан бош эгди-да, ичкарига кириб кетди.

Яна орадан беш минутча вақт ўтди. Нотаниш киши хат билан қайтиб чиқди. Уни Табукога узатди. Хатда ҳақиқатан ҳам Компас имзоси турар эди.

— Шефингиз, дафтар кимдалигини Табуко билади деб ёзибди. Шу тўғрими?— овоз келди диктофондан.

— Тўғри. Сиз шартларимизни қабул қиласизми?

— Мен розиман.

— Биз қўйган шартга кўра профессор Бертнинг ҳисоб-китобларидан бир нусха бизга ҳам тегиши лозим. Мен шахсан шу нусхани ўз қўлим билан олиб боришим керак.

— Розиман. Яна қандай шартингиз бор?

— Дафтарча Хосе Исидор Мартинда...

— Унион кўчасидаги дўкондордами?! Янглишмасам сиз бугун у билан учрашдингиз. Хўш, у нима деди?

— Мен унга дафтарчани сотинг,— дедим.— У рад қилди.

— Сизнингча бу уйдирма эмасми?

— Йўқ. Хосе, ФКБдан ёки у билан боғлиқ одам. У сизни кутмоқда. Чамамда унинг ҳам шартлари борга ўхшайди.

— Қанақа шарт?

— Федерал бюро билан ҳамкорлик қилишингиз мумкинми ё йўқлиги тўғрисида.

— Мен-а? Ҳеч қачон!

— Ундай бўлса, дафтарчани қўлга туширишимиз лозим.

Орага сукунат чўкди. Табуко бир хўрсиниб олди.

— Дрейк сиз билан доимо алоқада бўлади. Йўл-йўриқларни ундан оласиз. Хайр!— диктофон ўчди. Табуко Дрейкка қаради. У бош ирғаб қўйди. Улар хонадан қайтиб чиқдилар.

Баҳодир у билан кўчада тасодифан учрашиб қолди. Тасодифан учрашдими ё бошқа сабабданми, ишқилиб у, ўзини қора олиб, илжайганича келаётган Том Пастерни бир неча қадам қолганида пайқади. Ноилож, сўрашишга тўғри келди. Пастер у билан, эски қадрдонлардай сўрашди.

Анчагина бирга кетишди. Пастер тинмай гапирар, Баҳодир унинг сўзларига индамасдан қулоқ солиб борарди. У учрашув натижаси нима бўлишини кутар, бу тулки ўзига бекордан-бекор айланишиб қолмаганини ҳис қилиб турарди.

Ниҳоят Пастер сир бой бермай, уни тўғри келган кафелардан бирига таклиф этди.

Олағовур зал тамаки тутунига тўлиб кетган эди. Азбаройи кўп чекаверилганидан деворлар ҳам унниқиб, сарғайиб кетибди. Одамлар билан тўла зал бамисоли бузилган ари уясига ўхшайди. Зал тўридан таралаётган оркестр овози шовқин-сурон орасида элас-элас эшитиларди. Ҳар хил нусхалар, шаллақилар, мастлар билан тўла бу кафе гўё инсониятнинг номигина инсон деб аталувчи энг ифлос кирлари йиғиладиган жой эди.

Улар сал бўшроқ стол топиб ўтиришлари биланоқ, бир неча тиланчилар югуриб келиб, қўлларини уларга чўздилар. Бироқ Пастернинг ўдағайлаб бериши билан орқасига тисарилиб, узоқлашдилар. Иккаласи бир лаҳза жим бўлиб қолишди. Афтидан Пастер бир нарса сўрамоқчи бўлар, бироқ тараддудланарди.

Пастер сўрашга улгурмади. Стол ёнида пайдо бўлган, қора кўзойнакли, нотаниш кимса иккисига мурожаат қилди:

— Жаноблар, Компас сизларни ўз ҳузурига чорлайди!

Пастер бир қалқиб тушди, ўгирилди. У бу нусхани таниди. У Антон Дрейк эди.

— Мен сизларни машинада кутаман,— Дрейк бамай-лихотир ўғирилди-да, кафедан чиқиб кетди.

Баҳодир шеригига савол назари билан тикилди. Пастер қум янглиғ сарғайиб, билинар-билинмас титрарди.

— Бормасак бўлмайди,— унинг саволомуз нигоҳига жавобан деди Пастер.

— Қуролингиз борми?— сўради Баҳодир.

— Фойдаси йўқ, ана қаранг!— кафега кираверишдаги ўн чоғли нусхани кўрсатди Пастер. Улар киши билмас иккисини кузатиб турардилар.

— Демак кузатишган?— ўз-ўзига гапираётгандай деди Баҳодир.

— Мени кузатишган, мени,— пешонасига муштлади Пастер.

— Ҳарҳолда мен қутулишга уриниб кўраман,— деди Баҳодир.

— Жуда қийин, жуда. Келинг, ўзингизни фалокат остига қўйманг. Улар бари бир сизни танишмайди. Нима бўлса менга бўлади. Сизни бир-икки сўроқ қилиб, қўйиб юборишади, вассалом,— Пастер умидсиз ўрнидан турди.

Баҳодирга кап-катта одамнинг ёш боладай йиғлам-сираши эриш туюлиб кетди. Пастер эса индамай ўрнидан турди. У дақиқалар ичида букчайиб қариб кетганга ўхшарди. Машинада ҳам то кела-келгунларига қадар, бир-бирларига ҳеч нарса демадилар.

* * *

Эшик қарсиллаб ёпилиб, қулфи солинганида ҳам, Баҳодир остонада тўхтаб тураверди. Хона нимқоронғи эди. Пастер эса уни четлаб ўтиб, хонанинг бир бурчагига бориб узала тушди ва уф тортди.

Хонада улардан бошқа икки киши бор эди. Улардан бири дарҳол ўрнидан туриб, Пастер устига келиб энгашди. Сўнг Баҳодирга ўғирилди.

— Кимсан оғайни?— сўради у.

— Изқуварман, салом,— жавоб берди Баҳодир.

— Изқувармисан? Роса ғалати-ку? Бу-чи?— ажабланди мазкур одам.

— Бу ҳам,— деди Баҳодир Пастерга нафротомуз боқар экан.

— Ола, Компас энди изқуварларни тинчителишни бошлапти-да,— шеригига хитоб қилди у. Шериги ўтирган еридан қўзғалмасдан уни саволга тутди.

— Қандай жиноятни очмоқчи эдинг?

— «Европанинг ўғирланиши»— қисқагина изоҳ берди Баҳодир. Иккинчи кимса ўрнидан туриб кетди.

— Топилдими у, топилдими?..— хиёл ҳаяжонланиб сўради у.

— Ҳа, кеча эрталаб!— жавоб берди Баҳодир. Икки нотаниш бир-бирига қараб олишди.

— Сен топдингми?— яна сўради у.

— Ҳа, мен,— осойишта жавоб берди Баҳодир.

Орага жимлик чўкди. Фақатгина Пастер ҳиқиларди.

— Исминг нима?— яна сўради нотаниш киши.

— Баҳодир, сизники-чи?

— Меники Хосе Мартин, дўкондорман. Бу эса Табуко,— ёнидаги йигитга ишора қилди у, сўнг қўшиб қўйди,— хитойлик.

Тўсатдан хонада «ярқ» этиб чироқ ёнди. Баҳодир атрофга яхшилаб разм солди. Қаршисидаги икки кишига тикилди.

— Ажабланма. Бизлар ҳам тутқунмиз. Компас қўлида.— Табуко хиёл илжайиб деди. Унинг табассумида аламли бир нарса бор эди. Баҳодир унга ҳеч нарса демади. Очигини айтганда нима ҳам дерди. Узи улардан баттар аҳволда-ку. Тўрт бурчакли, тошдан қурилган хонада аста уёққа-буёққа одимлай бошлади. У энди ўз-ўзини койир эди.

— Компаснинг мақсади нима экан?— Хосе Мартин ўз-ўзига савол берди.

— Мақсади аниқ. Унга профессорнинг қўлёзмаси керак,— деди Табуко.

— Аммо шифрли хат сизнинг қўлингизда,— киноя-омуз қўшиб қўйди Табуко яна.

Хосе Мартин индамади. «Афтидан бу йигит унча-мунча гапдан хабардор»— деган фикр хаёлидан ўтди унинг. Тўсатдан Пастернинг ҳиқиллаши тинди, бошини кўтариб, Хосе Мартинга ўгирилди ва деди.

— Сиз ўшасиз, энди танидим сизни. Мен сизнинг берган гувоҳлигингиз билан жаноб Хэмнинг уйида танишган эдим!

— Хэмнинг уйида?— ҳайрон бўлди Хосе Мартин.

— Профессор «Берт иши» бўйича олиб борилган тергов материаллари суратга туширилган фильм,— изоҳ берди Пастер.— Сиз айтаётган шифровка ҳам бор эди у ерда!— таъкидлади Пастер.

— Наҳотки... э, мен бу тарафини ҳеч ўйламаган эдим,— кутилмаган янгиликдан эсанкираб қолиб деди Хосе Мартин.

— Бу ҳам бор эди, фильмни кўраётганимизда,— Баҳодирга боши билан ишора қилди Пастер.

— Хўш, энди нима қиламиз?— Хосе Мартин Табукога тикилди.

У, «билмайман», дегандай елка қисди.

— Ҳа-а-а,— хўрсиниб, чўзиб хуштак чалиб қўйди Табуко.

— Лекин Компас ёзувни қандай расшифровка қилишни билмайди, бари бир,— деди Хосе Мартин мамнунлик билан.

— Айни пайтда сиз ҳам билмайсиз,— деди яна Табуко гапга аралашиб. Хосе Мартин индамади.

Шу пайт кўчада полиция машиналарининг сиреналари эшитилди.

Хосе Мартин — Чарльз Мур ялт этиб, соатига қаради. Унинг одамлари вақтида етиб келган эди...

Прокурор вилласида фарзанди топилгани муносабати билан зиёфат беряпти. Бугунги шодиёнага Хэмнинг казо-казо дўстлари таклиф этилган. Прокурор Леру Биотепсихология ва криминалистика илмий-тадқиқот институтининг баъзи олимларини, бундан ташқари — профессор Берт ишига озми-кўпми алоқадор бўлган, ёки алоқадорлиги тахмин қилинган одамларни ҳам зиёфатга таклиф этган. Шулар орасида шаҳар мэри Буш, Хосе Мартин — Чарльз Мур ва бошқалар ҳам бор эди.

Зиёфат охирлашиб қолганда кечаги тутқинликдан қутилган дўстлар махфий бир хонага йиғилишди. Яна профессор Бертнинг дафтари ҳақида гап очилди.

Ўзбекистонлик меҳмон дафтардаги сирли ёзувнинг мазмунини билишга ёрдам берармикин, деган савол тутилди.

Баҳодир бир оз ўйланиб, гап бошлади:

— Ҳа, мен бу ёзувдан сал-пал хабардорман. Мен ўша куни жаноб Пастерни яхшилаб кузатиб ўтирдим. Бу жанобнинг диққатини нима тортса, шу нарсани эслаб қолишга ҳаракат қилдим.

— Зўрсиз-ку, нималарни эслаб қолдингиз?— бесабрлик билан сўради Чарльз Мур.

— Сирли хатнинг тўла тексти хотирамда қолди. Бушнинг қизи йўқолган пайтда ҳам профессор Бертнинг дафтари масаласи кўтарилган экан...

Баҳодир бир неча муддат сукут сақлаб турди. Ҳеч ким унга савол беришга журъат этмагач, сўзини давом эттирди. Хат шундай бошланади:

«Гугурт, ёниши чиройли. Олтин-Қиммат, плюс реакция». Рамз шу ердан бошланади. Гап нима ҳақда кетяпти? Қўшиш ҳақида. Олтин плюс гугурт, бу олтин — гугурт. Энди асосий сир шу ерда ечилади. Агар элементларнинг даврий система жадвалини олиб кўрсак, олтин-гугуртнинг тартиб номери 16 га тенг. Худди шу кенгликда Перу давлати ҳам жойлашган. Бу билан рамз тўлатўкис ечилгани йўқ. Рамзни тўла-тўкис ечиш учун яна

бир миқдор, узунлик координатаси етишмаяпти! Хатда: 14, эгизак, 12 И деган сўз бор! Бу рамз ҳам, менимчалик элементлар асосида ечилса керак. Негаки гап 14 эгизак элементлар — лаптапондлар устида кетяпти. Уларнинг сони 14 та, барчаси хоссалари жиҳатидан лантанга ўшаб кетадилар. Демак эгизаклар. Уларнинг 12-си «тулий»дир. Унинг тартиб номери эса 69. Демак биз узунликка ҳам эга бўлдик. Харитага қаранг. Худди ўша кенглик — 16 ва узунлик 69 «Титикака» кўли эканлигининг гувоҳи бўласиз. Демак сизлар излаётган нарса Титикака кўли атрофларида. Мен буни ўша кезлардаёқ харитага солиштириб билиб олгандим,— сўзига якуни ясади Баҳодир.

— Мободо, бу усул тўғри бўлганида ҳам,— масхараомуз деди Чарльз,— изланган нарсани бу йўл билан топиб бўлмайди. Координаталар аниқ эмас.

— Профессор Берт ўз координаталарини даврий система элементларига мос тарзда тузган. У Перу давлат координаталарини шунга мослаган, холос. Агар элементларнинг тартиб номери ёки ядро заррачалари сонини градуслар сифатида ишлатилса, уларнинг атом оғирликларини минут ва секундлар учун ишлатган. Унинг таъбирича: $16^{\circ}32'064''$ ғарбий кенглик ва $69^{\circ}16'9''$ жанубий узунлик муҳим нарса яширилган жой.

— Жин урсин, тўғрига ўхшайди,— деди Чарльз Мур, бармоқларини қирсиллатиб қўяркан.

— Японча «нага», «дум» — демакдир. Хўроз думдор — 25 метр! — бу сўзлар ҳам эриш туюлиши мумкин. Хатдаги «Оқтош» — атамаси, ўша номаълум нарса яширилган жойнинг номи бўлиши керак. «25 метр», — дегани эса, 25 метр юриб ё шу ерни кавлаш, ё атрофни яхшилаб қидириб кўриш керак дегани бўлса керак! — сўзларини чуқур тин олиш билан якунлади Баҳодир.

Хар ким ўзича ўйга чўмди.

— Ҳа, бало экансан, оғайни,— деб қўйди ичида изқуварлар бошлиғи Чарльз Мур.

Баҳодир суҳбатдошлари эътибор билан тинглаётганини кўриб, гапида давом этди.

— Дастлабига мен, нима учун Компас Викторияни ўғирлаганини унчалик тушунолмаган эдим. Аммо, Хэмнинг уйида видеофильм кўраётганимизда, бир неча бор, Пастер беихтиёр ҳаяжонланиб, ўзини ошкор этиб қўйгач, Компас бир нарсани излаётгани ва у нарса ҳеч нарсадан беҳабар Хэмнинг қўл остида сақланаётганини билдим. Викториянинг ўғирланиши эса, Компаснинг эҳтиёт чораларидан бири эди. Пастер бой берган жиноят «Профессор Берт иши»— деб аталади. Шифрли хат мазмунига Перу хавфсизлик органлари маъмурлари унчалик эътибор беришмаган кўринади. Жаноб Чарльз Мур бу гаплардан яхши хабардор албатта.— Хосе Мартинга қараб деди Баҳодир.

— У ҳолда нега Пастерга бор гапни айтиб бермадинг?— сўради Мур.

— Нега айтар эканман, ахир у Компаснинг одамику. Лекин, менимча, бу жиноятлар шодасининг бир ҳалқаси етишмаяпти. Профессорнинг физик олимлигини назарда тутадиган бўлсак, гап аллақандай махфий қурол ҳақида кетаётгани шубҳасиз!— Баҳодир ўзи ҳали билиб олишга муваффақ бўлмаган муаммосини ўртага ташлади.

— Зарядли бомба у. Инсоният зотига қирғин келтирувчи балоларнинг энг даҳшатлиси,— деди Мур шошапиша. Кейин, ўзи профессор билан қилган суҳбатининг тўла тафсилотини гапириб берди.

— Унинг мақсади энди бизга аниқ. Йўл қўймаслигимиз керак. Ҳисоб-китоблар Компас қўлига тушмаслиги керак,— қизишиб деди, шаҳар мэри.

У ўзбекистонлик олимга меҳр билан қараб қолди.

Тоғлар ичида жойлашган бу яширин уй, четдан кутатганда жуда сокин кўринарди. Баланд девор билан ўраб олинган бу уйга биргина катта темир дарвоза ор-

қали кириб-чиқилар эди. Дарвозадан киргач, кенг майдончага чиқилади. Ярми дарахтзор бу майдончанинг айтарли диққатга сазовор жойи йўқ. Аммо, дарахтлар тагига жойлашган тош супачада, қуёш айни тафтига олганида ором олса бўларди. Майдоннинг бир чети ярим айлана қурилган тош уйлар билан тутшиб кетган эди. Уйларга ҳам ягона эшик орқали кирилар ва кенг даҳлиз орқали хонама-хона ўтиш мумкин эди.

— Фокер,— супа тарафидан овоз келди. Супада офтоб тафтидан қочиб уч-тўртта жиноятчи карта ўйнамоқда эди. Кираверишдаги эшик олдида иккита соқчи, зерикиб, эснашиб, мудраб ўтиришарди.

Ичкаридан эшитилган ғалати овоздан соқчилардан бири ҳушёр тортди. Кўзини очиб атрофга эринибгина аланглади-да, шубҳали ҳеч нарса сезмагач, кўзларини яна юмди. Шу аснода уч-тўрт минут ўтирди. Бир маҳал у бир нарсанинг «гурс» этган овозини эшитиб, кўзларини очганида, пешонасига пистолет-автомат тиралиб турар, шериги эса ер тишлаб ётарди. Ёрдам сўраб бақирмоқчи бўлган иккинчи соқчи ҳам Баҳодирнинг залварли муштидан ер тишлаб қолди.

Уч азаматнинг супа ёнида пайдо бўлиши, жиноятчи-соқчиларни шундай эсанкиратиб қўйдик, ҳатто қуролларини олишга ҳам улгиролмай қолдилар.

— Қўлингни кўтар!— Баҳодирнинг шахдам овози эшитилди. Соқчилар ноилож қўлларини кўтардилар. Табуко ва Мур зум ўтмай улардан сал берида ётган учта пистолет-автоматни тортиб олишга улгурган эдилар. Табуко тўртта жиноятчини қаторга тизди. Улар ҳамон қўлларини кўтариб турардилар.

— Ие, эски таниш-ку. Хэлло Дрейк!— Табуко Дрейкни туртиб бир қадам олдинга олиб чиқди.— Танишинглар. Компаснинг энг содиқ малайларидан Антон Дрейк,— Мур ва Баҳодирга таништирди Табуко. Кейин соқчиларни олдига солиб, ичкарига ҳайдади. Дрейкни эса қолдирди. Мур Дрейкка еб қўйгудек тикилди. Унинг

Ўтли нигоҳидан сал талвасага тушган Дрейк бошини эгиб олди.

— Компас қани? Пастер-чи?— сўради Мур қаҳр билан.

— Билмайман!— ўзини иложи борича ҳокисор қилиб кўрсатишга ҳаракат қилиб деди Дрейк.

— Сен-а? Билмайсанми?— тўсатдан ғазабланиб кетди Мур.

— Адн-бадн айтишиб ўтиришга вақтимиз йўқ. Унга-ча санайман, агар айтмасанг, отаман, вассалом.— Мур тўппончани тўғрилади. Дрейк астагина бошини кўтарди. Чарльзнинг даҳшатли вазоҳатини кўриб, дами ичига тушиб кетди.

— Бир, икки...— санади Мур.

Дрейкнинг елкалари титраб кетди. Унинг нафаси тикчилик:

— Айтаман, айтаман — деб бақирди. Мур тўппончани тушириб унга тикилди:

— Хўш?!

— Компас Титикака тарафга кетди,— қўли билан тоғларга ишора қилиб деди Дрейк.

Баҳодир ва Мур бир-бирларига қарадилар. Демак масала равшан. Компас отини қамчилаб қолгани энди равшан эди.

— Пастер-чи? Пастер қани?— ғазаби жўш уриб бақирди Мур.

Гарчи ҳозирги аҳволи аянчли бўлса-да. Дрейкнинг афтига кулги ёйилиб тиржайди.

— Хўш, нега тиржаясан?— яна сўради Мур.

— Компаснинг ярми Пастер — тиржайиб туриб деди Дрейк.

— Ростданми?— қулоқларига ишонмай деди Мур. Соқчиларни қамаб, қайтиб келган Табуконинг ҳам хайрати чексиз бўлди. Дрейк эса баттар тиржайди. У афтидан буларнинг ҳайратга тушиб қолганидан ҳузур қилмоқда эди.

— Машинага,— Чарльз дарахтлар орасида турган «Оппель»га ишора қилди.

— Агар қочишга уринсанг ёки ножўя ҳаракат қилсанг, нақ пешонангдан дарча очиб қўяман,— Дрейкка таҳдид қилди Мур,— йўлни кўрсатасан.

Машина ўқдай елиб, дарвозадан чиқиб кетганидан сўнг, йўлда кўтарилган қуюқ чанг анчагина босилмай турди.

* * *

«Оппель» шахд билан тоғ йўлидан юқорига ўрмаларди. Мур ҳам, Баҳодир ҳам, рулда ўтирган Табуко ҳам жим эдилар. Ҳар бири ўз вақтида Компасни таниб ололмагани учун ўз-ўзини койирдилар. Фақатгина Дрейк нима қилиб бўлса-да, сувдан қуруқ чиқиб кетишни ўйларди.

Тўсатдан унинг кўзи қаршисидан шамолдай елиб келаётган сариқ автомобилга тушди. У бу автомобилни дарров таниди ва шошганидан нафаси тикилиб:

— Ана Компас... машинаси!— деб бақирди.

Сариқ автомобиль улар ёнидан шувиллаб ўтиб кетди ва кўздан ғойиб бўлди.

— Орқага бур!— Чарльз Табукога қичқирди.— Тезроқ, тез-тез!..

Табуко машинани орқага буриб, тўғри йўлга солиб олганида, Компас машинаси аллақачон тоғдан паства тушиб, кичкинагина нуқта бўлиб кўринарди...

Табуко газни босди.

— Ё Биби-Марьям, ўзинг кушойиш бер,— чўқинди Дрейк. У газни охиригача босиб, машинани елдириб кетаётган Табукога бир, чор-атрофга бир қараб тинмай чўқинарди. Бироқ улар Компас машинасининг изини йўқотгандилар. Ноилож «Оппель» кенг сайҳонликка чиқиб тезлигини секинлатди, ниҳоят тўхтади.

— Гапир, нега мум тишлаб қолдинг,— Дрейкни туртди Мур,— қайси тарафга юрамиз?

Дрейк ўзига келиб, атрофга аланглади. Катта йўлга туташган, кичкина тошлоқ йўлга қўли билан ишора қилди:— Уёққа,— деди астагина.

Машина ўйдим-чуқур йўллардан силкина-силкина олдинга интилди. Уч азамат ҳар бир тасодифга тайёр бўлиб, қуролларини шайлаб кетмоқда эдилар.

— Қаерга кетяпмиз ўзи?— сўради Табуко.

— Коммуналарга,— изоҳ берди Дрейк.

— Ҳа-а, бир марта ўзинг мени олиб бориб, роса меҳмон қилган эдинг-а?

— Меҳмондўст жой, жа...— деди Табуко истехзо билан.

Йўлда учраётган яккам-дуккам кактус дарахтлари тугаб, океан қирғоғи кўринди. Қирғоқдаги тартибсиз баракларда жон асари борлиги деярли сезилмас эди.

— Циклофазотронга келдик, шекилли?— сўради Мур.

— Шундай,— итоаткорлик билан деди Дрейк.— У ерда йигирма чоғли одам бор, ҳаммаси қуролланган,— қўшиб қўйди яна у.

Циклофазотронга олиб кирадиган йўлак энг четки бараклардан бирига жойлашган бўлиб, яхшилаб ниқобланган экан. Машина шу барак қаршисида тўхтади. Компас машинаси ҳам шу ерда турарди. Хайриятки, Дрейк океан остига тушадиган йўлак бор баракни тайсалламасдан кўрсата қолди.

Уч оғайни қуролларини шайлаб машинадан тушдилар. Дрейк пилдираб олдинга тушиб йўл бошлаб кетди. У бари бир бу учаласи океан остидан тирик чиқмайди,— деган хаёл билан олдинда зинғиллаб кетарди.

— Тўхта, ким келаётган?— йўлак оғзида турган тўртта соқчи уларнинг йўлини тўсди.

— Мен, Дрейкман, булар мен билан,— ўзини танитди Дрейк.

— Утаверинглар,— уни таниб деди соқчи бошлиғи.

— Шеф келдими?— сўради яна Дрейк.

— Ҳа, ҳозиргина келди,— пастга ишора қилди соқчи бошлиғи ва орқасидан эшитилган енгилгина шовқин-суронни эшитиб, ҳайрон бўлиб ўгирилди ва Баҳодир туширган муштдан чил-парчин бўлиб ағанаб тушди. Учала азамат ғафлатда қолган соқчиларга тўсатдан ҳужум қилиб, уларни саранжом қилган эдилар.

— Кетдик,— Баҳодир пастга олиб тушувчи зинани кўриб қолиб, ишора қилди. Тўртталаси иложи борича эҳтиётлик билан зинадан пастга, ер остига одимлаб кетдилар.

Улар зинадан чамаси, йигирма метрча пастга тушдилар. Ногаҳон, улар қаршисида икки одам бўйи баландлигича бўлган йўлаклари бор ер ости ғори намоён бўлди. Эҳтимол қуруқлик ва сув курашининг натижасидир бу ғор! Хирагина ёниб турган чироқ нурида йўлак деворлари ранг-баранг тусда товланиб, ажиб шуъла таратар эдилар. Ранглар жилоси шу қадар ажойиб эдики бу ерга кирган одам ўзини гўё афсонавий кошонага кириб қолгандай ҳис этарди. Бу ажойибот табиат деган меъмор тарафидан яратилиб, шундай сайқал берилган эдики, бу нозли санъатга тан бермасдан илож йўқ эди. Сув ялаб текисланган тошлар, ажойиб сурур бахш этарди кишига.

— Тезроқ, йигитлар, тезроқ,— шошилтирди Баҳодир кўз олдида пайдо бўлган манзарага маҳлиё бўлиб тикилиб қолган ҳамроҳларини. Ҳаммалари яна илдам одимлаб кетдилар. Олдинда кетаётган Дрейк тўхтади ва олдинга имо қилди.

Сувости ғорининг йўлакчаси иккига ажралган бўлиб, бири океанга бориб тақалар, иккинчиси яна ҳам пастга тушиб кетган эди. Иккинчи йўлак бошида, ён томонга ўйиб кенгайтирилган уйча бор экан.

— Буёққа ўтолмайман, ҳаққим йўқ!— деди Антон Дрейк. Чарльз шубҳаланиб унинг кўзига тикилди. Аммо у тўғриси айтиётган эди. Дрейк уйчага ишора қилди. Улар диққат билан уйчага тикилдилар. Уйчада ҳеч

нарсадан беҳабар тўрт соқчи ўтирар, тоштахта устида автомат-пистолетлар ётарди. Мур уларга автомат-пистолетини тўғрилади. Бироқ Баҳодир уни тўхтатди.

— Мумкин эмас... овоз чиқарманг,— шивирлади Баҳодир,— мен ўзим...

У атрофни кўздан кечирди ва йўлак шипига қоқиб чиқилган йўғон кабелларга ишора қилди. Табуко унинг ишорасини тушунди-да, қўлларини йўлак деворига тираб, унга елкасини тутди. Баҳодир автомат-пистолетини тишлаб олди-да, Табуко елкасига чиқиб, йўғон кабелларнинг бирига осилиб олди. Баҳодирнинг мақсади энди аён эди.

Баҳодир ҳисоб-китобни тўғри олган эди. Йўлак тепасига қоқилган кабеллар, афтидан циклофазотронга бориб уланса керак, пастга қараб чўзилган бўлиб, кабеллар соқчилар ўтирган уйча тепасидан ўтиб, пастга қараб кетар эди. Уйчадан бутун йўлак яққол кўриниб турар, соқчиларга сездирмасдан уйчага яқинлашишнинг иложи йўқ эди. Фақатгина кабелларга осилибгина соқчилар диққатини тортмасдан, уйчага яқинлашиш мумкин. Баҳодирнинг нияти ҳам шу эди.

Баҳодир эҳтиётлик билан уйчага яқинлашди. У ўгирилиб орқага қарай олмас, бунга вақти ҳам йўқ эди. У минг машаққат билан уйча тепасига сурлиб келиб, нафасини ичига ютиб, қулоқ солди. Ташвишли нарса сезилмади. Соқчилар бепарво, гап сотиш билан овора эдилар. Баҳодир таваккал қилди-да, бутун иродасини йиғиб, уйча ўртасига сакради. Сакраш тезлиги йўналишида соқчилардан бирини қулочкашлаб туширди. Соқчи ағанаб тушди-да, чинқириб юборди. Кейинги мушт эса, соқчини тинчитиб қўя қолди.

Баҳодир ўзига ташланган соқчига чап бериб, бир вақтнинг ўзида учинчи соқчини тепиб юборди. Соқчи бир тарафга, ўзи бир тарафга учиб кетди. Бироқ Баҳодир ўз ишига пишиқ йигит эди. У йиқилаётиб, мувозанатини тўғрилаб олди ва унинг оёғи ярим доира ясаб,

эндигина тураётган тўртинчи соқчи устига келиб тушди. Худди шу лаҳзада Мур ва Табуко етиб келдилар ва олишув натижаси ҳал бўлди-қолди...

Улар кўп юрмай, оғир чўян эшикка дуч келдилар. Эшик қаршисида тараддуланиб тўхтаб қолдилар. Эшик ярим очиқ турар, ичкарида улкан трубанинг бир қисми кўзга ташланарди. Улар асосий мақсад амалга ошадиган манзил бўсағасида турар эдилар.

— Циклофазотрон,— Дрейк уларга ишора қилди. Улар эҳтиёткорлик билан ичкарига мўраладилар. Нигоҳлари қаршисида улкан зал намоён бўлди. Зал ўрта-сида каттакон циклофазотрон турар, атрофда ҳеч ким кўринмасди. Залнинг қарама-қарши тарафи улкан ойна билан тўсилган бўлиб океан ости ажойиботлари кўзга ташланарди. Кўм-кўк сув. Сувости ўсимликлари... жонзодлар ойна қаршисига сузиб келишар, мўралаб қўйиб, яна қайтиб кетишарди. Бу хона океанарумга ўхшарди.

Улар эҳтиётлик билан залга қадам босдилар.

— Ҳеч ким йўқ-ку!— ажабланди Мур, атроф-тева-ракка разм солиб. Унинг овози янграб эшитилди.

— Қаранглар, сувости қайиғи,— ойна тарафга ишора қилди Баҳодир. Ойнанинг қарши тарафида яна бир уйча кўринар, бевосита океанга туташган эди. Сувости қайиғи жўнашга шай бўлиб турарди.

— Наҳотки кечикдик?— Табуко асабийлашди. Унинг овозига жўр бўлиб, бир овоз янгради ва циклофазотрон тепасида бир шарпа кўринди.

— Сотқин!— ҳамма шарпа тарафга ўгирилди.

— Сотқин!— овоз такрорланди. Бу Компас вакили бўлиб, Дрейкка нафрат билан тикилиб турар эди. Дрейкнинг боши пастга эгилди. Зал шипидан таралаётган нур Компас вакили қўлидаги автомат-пистолетда аксланиб, «ярқ» этиб кетди. Шу дақиқа Дрейк қалқиб кетди. Сўнг гандираклаб ерга йиқилди. Учаласи бу

орада ўзини ҳар тарафга отиб, ўқлардан пана жойга бекиниб улгурган эдилар.

— Ушланг, тирик ушланг,— Компас вакилининг буйруғи янгради. Буйруқ янграши билан ўнта одам уч азамат устига отилди. Лекин булар бўш келадиганлардан эмас эдилар. Муштлар ишга тушиб кетди, оёқлар муштларга ёрдамга келди. Улар рақиблар билан олиша кетдилар...

* * *

Мурнинг жароҳати анча оғир эди... Табуко унинг кўйлагини йиртиб, жароҳатини боғлагандан сўнг, у кўзини очди. Чамаси у, бу икки йигитнинг кимлар эканини англаб етди чоғи, Баҳодир ва Табукога қараб жилмайиб қўйди.

Сал ўзига келгач:

— Нега жонларингизни хавф остига қўясизлар?— деди ҳолсизгина. Баҳодир ўрнидан турди. Ифтихор билан деди:

— Сиз ҳам жасур йигит экансиз!

— Кетдик,— деди Табуко. Улар ярадор Мурни кўтариб олдилар-да, тепага қараб одимладилар. Баҳодир энди ўлгудай ҳориганлигини сизди.

Улар тепага чиққанларида истиқболларига шошилиб келаётган машиналарни кўрдилар.

Уфқ қизариб, қуёш эндигина бота бошлаган пайт эди. Тўсатдан океан қирғоғи қаттиқ силкиниб кетди. Қирғоқдан узоқ бўлмаган ерда, тўлқин қайнаб чиқиб, улкан портлаш овози атроф-теваракни тутиб кетди... Яна бир ажал уяси тугатилганди...

МУНДАРИЖА

1. Прокурорнинг қизи	3
2. Баҳодирнинг кашфиёти	11
3. Прокурор дўстларидан ёрдам сўрайди	16
4. Чарльз Мур ва профессор Берт	27
5. Тундаги қотиллик	42
6. Гўзаллик ва ёвузлик	54
7. Шерлок Холмснинг невараси	59
8. «Лочин» парвозга чоғланади	69
9. Нотаниш диёрда	71
10. Қаноти қирқилган орзулар	76
11. Лочин калхат уясини топади	83
12. Тасодифий учрашув	89

На узбекском языке
Махкам Махмудов
Тухтасин Каримбердиев

ПОХИЩЕНИЕ ЕВРОПЫ

Фантастическая приключенческая повесть
Издательство «Ёш гвардия», Ташкент, 1986

Тақризчи Ҳожиянбар Шайхов
Редакторлар Э. Малинов, Ш. Туроб
Рассом А. Шоалимов
Расмлар редактори Ҳ. Раҳматуллаев
Техн. редактор У. Ким
Корректор М. Набиева

ИБ № 1892

Босмахонага берилди 19.05.86. Босишга рухсат этилди
23.07.86. Р—04340. Формати 70×108¹/₃₂. 1-босма қоғозга
«Литературная» гарнитурда юқори босма усулида бо-
силди. Босма листи 3,5. Шартли босма листи 4,9. Шарт-
ли кр.-отт. 5,25. Нашр листи 5,01. Тиражи 30000. Бу-
юртма 3997. Шартнома 3—86. Баҳоси 30 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия»
нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти-
нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. ГСП,
Тошкент, Ленин кўчаси, 41.